

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

“БАНК ИШИ”

ЙЎНАЛИШИ

**«БАНК РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ҚАРОРЛАРНИ
ҚАБУЛ ҚИЛИШ»**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2019

Модулнинг ўқув-услугий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: ТМИ профессори, и.ф.д. Абдуллаева Ш.З.

Такризчилар: ТМИ профессори, и.ф.д. Бобоқулов Т.И.

ТДИУ доценти, и.ф.н. Тоймухамедов И.

Ўқув -услугий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10
III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ	Ошибка! Закладка не определена.
IV. АМАЛИЙ МАНБУЛАТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР	45
V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР	94
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ	95
VII. ГЛОССАРИЙ	98
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	101

I. ИШЧИ ДАСТУР

Мазкур ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шакллари қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Банк иши” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Банк иши” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Жамият ривожини ва таълим–тарбия жараёнининг инновацион масалалари”, “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик ҳужжатлари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишни;
- модулли-кредит тизими моҳиятини;
- ахборот тизимлари тушунчаси ва унинг таснифланишини;
- электрон тўлов тизимларининг ишлаш принципларини;
- электрон ҳужжат ва электрон рақамли имзодан фойдаланишни;
- педагогик жараёнларда тизимли таҳлил хусусиятларини;

- банк тизимидаги янги инновацияларни;
- мамлакат пул тизимини тартибга солиш ва бошқаришнинг устувор йўналишларини;
- ривожланаётган мамлакатларда монетар сиёсатни амалга ошириш ва билвосита воситалардан фойдаланиш хусусиятларини;
- арзон ва қиммат пуллар сиёсатини;
- тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ муаммоларни илмий таҳлил қилишни;
- тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни;
- тижорат банклари активлари, пассивлари ва ликвидлилигини бошқаришни;
- банк фоизлари ставкаси ва таркибини;
- тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш усулларини;
- тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришга таъсир этувчи омилларни;
- инвестициялар ва инвестицион фаолиятнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни;
- инвестицион фаолиятни тартибга солишда давлатнинг роли бўйича таҳлилий амалларни қўллашни **билиши керак**.

Тингловчи:

- банк рейтинглари ва уларни аниқлаш;
- мамлакат пул тизимини тартибга солиш ва бошқариш;
- макроиқтисодий индикаторларни прогнозлаш;
- монетар, фискал ва бюджет сиёсатлари боғлиқлиги ва давлат иқтисодиётига таъсирини билиш;
- Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси, мажбурий захиралар ставкаси ва очиқ бозори сиёсати орқали мамлакат пул-кредит тизимини тартибга солишни башоратлаш;
- пул агрегатлари ва пул массаси таркибини ҳисоблаш тартиби ва пул мультипликатори ҳаракатини механизминини тушунтира олиш;
- давлат инвестицион сиёсатини фаоллаштириш;
- Ўзбекистонда ҳудудий инвестиция сиёсатини ташкил этиш;
- инвестицион муҳитга таъсир этувчи омиллар ва инвестицион жозибадорликни баҳолаш тартиблари каби **қўникмаларига эга бўлиши лозим**.

Тингловчи:

- мамлакатимизда макро ва микро даражада пул массасини тартибга солиш;
- товар ва молия бозорлари, товар ва пул бозорлари ўртасидаги мувозанатни баҳолаш;
- монетар, фискал ва бюджет сиёсатлари боғлиқлиги ва давлат иқтисодиётига таъсирини баҳолаш;
- Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан тартибга солиш;

- инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишга **оид малакаларига эга бўлиши зарур.**

Тингловчи:

- замонавий банк тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар ҳамда уларнинг асосий мақсадларини тингловчиларга етказиш;
- банк ҳужжатлари таҳлили ва тижорат банклари касса айланмаси ҳисоб-китоб прогнозини тузиш;
- мамлакат пул-кредит сиёсатини тартибга солишнинг назарий асослари ва замонавий назарияларининг илғор йўналишларини тингловчиларга етказиш;
- мамлакатда пул айланишини ташкил этиш, иқтисодиётда инфляцион ўсиш сабаблари, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадидаги чора-тадбирлар усулларини амалиётга қўллаш;
- халқаро молия ва банк амалиётида инновацион банк хизматлари, уларнинг имкониятлари ва мамлакат банк тизимида жорий этиш муаммоларини бартараф этиш;
- корхоналарнинг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш;
- инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш каби **компетенцияга эга бўлиши зарур.**

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			
			Жами	жумладан		
			Назарий машғулот	Амалий машғулот		
1.	Банк рисклари ва уларни самарали бошқариш усуллари	4	4	2	2	-
2.	Банкларда рискларни бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва хориж тажрибаси	2	2	-	2	-
	Жами:	6	6	2	4	-

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Банк рисклари ва уларни самарали бошқариш усуллари.

Банк рисклари тушунчаси ва унинг моҳияти. Банк рискларининг турлари ва бошқариш усуллари. Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми. Рискларни бошқариш усуллари бўйича қарорлар қабул қилиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1–амалий машғулот:

Банк фаолиятида риск тушунчаси ва унинг моҳияти.

Банк рисклари тушунчаси ва унинг моҳияти. Банк рискларининг турлари ва бошқариш усуллари.

2-амалий машғулот:

Банкларда рискларни бошқаришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари ва халқаро меъёрлари

Тижорат банкларида рискларни бошқаришни ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).


II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар муҳотида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.


- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмалари тақдим этиш: график ташкил этувчилар





Венн диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths– кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness– кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities– имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats– хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қондаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга ҳалақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлақларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбийбаҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none">✓ яқка тартибдаги аудио-визуал иш;✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);✓ ахборотни умумлаштириш;✓ ахборот таҳлили;✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш

<p>3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<p>4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Тижорат банкининг фаолият натижалари шуни кўрсатадики, банк кредит портфелининг ҳолати олдинги йилларга нисбатан муаммоли кредитлар салмоғининг ошаётганлигидан далолат бермоқда. Банк бошқаруви томонидан кўрилган чора ва тадбирлар натижасида кредит портфелнинг сифати кўрсаткичи нисбатан яхшиланган бўлишига қарамадан кредит портфелининг ҳолати бундан 2 йил олдингига қараганда анча таҳликали эканлиги сизни банк фаолиятида маълум қарорлар қабул қилиш ва уни амалга ошириш зарур эканлигига ундамоқда. Банк жамоасида баъзи ходимлар ўртасида ҳам эътирозлар юзага кела бошлади.

Бундай ҳолатда Сиз банк раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Рискнинг юзага келиш сабабларини ўрганасиз ва вазиятни тўғрилашга ҳаракат қиласиз.

2. Рискларни аниқлаш ва уларни бошқариш бўйича қарорларни таҳлил қилиб ўрганасиз.

3. Рискларни бошқариш бўлинмаси ходими ўз вазифасини бажара олмаётганлиги, уни ўз вазифасига ёндашуви ва қобиллиги масаласига эътибор қаратасиз, мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб вазиятни тўғрилайсиз.

4. Банкдаги рискли ҳолатни оддий ҳол деб қабул қилиб ўз фаолиятингиз билан одатдагидек машғул бўласиз.

5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1. Банк рисклари ва уларни самарали бошқариш усуллари (2 соат)

1. Риск ва банк рискларининг мазмун – моҳияти тўғрисида
2. Банклар фаолиятида рискларнинг юзага келиш эҳтимоли ва сабаблари.
3. Банк рискнинг турлари ва унга таъсир қилувчи омиллар.
4. Банк рискларини бошқариш тизими, усуллари ва рискларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёни.

Калит сўзлар: банк, риск, банк rischi, риск эҳтимоли, рискни бошқариш, риск бўйича қарор, қарор, омил, сабаб, кредит жараён, банк бошқаруви

1. Риск ва банк рискларининг мазмун – моҳияти тўғрисида

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатиш корхоналардан фаолиятнинг юқорида келтирилган тамойилларини ўзгартиришни талаб қилади. Энди ҳар бир бозор муносабатлари субъектининг фаолияти қонун доирасида ўз меъёрларига эга бўлди. Нобарқарор, тез ўзгариб турувчи бозор муносабатлари шароитида банклар ўз мижозлари, рақобатчилари томонидан бўладиган ҳаракатлар ва қонун ҳужжатлари ўзгариши билан боғлиқ турли хил натижалар ва уларнинг банк фаолиятига таъсирини инобатга олиб бориши лозим. Чунки бундай ўзгарувчан ҳолатлар банк фаолияти давомида юқори риск қилишга олиб келади. Замонавий банк тизимини рисксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Банкнинг рисксиз операцияси йўқ, унинг барча операциялари риск билан боғлиқ бўлиб, уларнинг даражаси операция турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Банк амалиётида рискни умуман йўқ қилиш мумкин эмаслиги боис, уни олдиндан кўра билиш, уни камайтириш чораларини кўриш лозим.

Риск инсоният фаолиятининг барча босқичларида мавжуд бўлган тарихий ва иқтисодий категория бўлиб, у кишилар фаолиятида ёки табиий ҳодисаларда мумкин бўлган юқотишлар салмоғини билдирган, ҳамда тарихан жамият ривожланиши билан одамларнинг ҳалокатдан кўрқиш даражасига мослашиб турган.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши рискнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишига ва субъектлар фаолиятида мустаҳкам ўрнашиб олишига имконият яратди. Шунинг учун ҳам рисклар бизни туну-кун, ҳар ер ва ҳар жойда ўраб келмоқда. У бизнинг ҳаётимизда ҳар доим ҳам қочиб бўлмайдиган ва эчиш лозим бўлган бир жараён бўлиб бирор-бир натижани юзага келишига асос бўлади. Бундай натижа салбий ва ижобий бўлиши мумкин. Рискнинг синоними сифатида биз ишончизликни, имкониятсизликни, бир воқеа бўлиш бўлмаслигини олдиндан айтиб бера олмаслик кабиларни мисол қилиб кўрсатишимиз ҳам мумкин.

Инсоният табиатан рискдан қочишга интилади. Агар биз рискни назорат қила олмасак, одатда, ундан қочишга ҳаракат қиламиз. Чунки, ҳар қандай ишончсизлик ўзига хос тарзда маълум даражадаги йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Энди рискнинг туб моҳиятини кўриб чиқадиган бўлсак, «**риск**» сўзи испанча-португалча сўздан олинган бўлиб, «**сув остидаги қоя**» деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам риск хавф туғдириш эҳтимоли мавжудлигини ифода қилади. Таниқли луғатчи С.Н.Ожеговнинг рус тили луғатида «риск» бу «муваффақиятга интилиш, бахтли ҳодиса, умид» деган маънони англатади дейилса, машҳур Вебстера луғатида рискга «хавф, зарар ёки талофат кўриш эҳтимоли», деб қаралган. В.Т.Севрук «риск - бу зарар кўриш ёки манфаатни қўлдан чиқариш билан боғлиқ эҳтимоллар ўлчамидир» деган таъриф беради¹. Профессор В.М.Усоскин² «Риск доимо ноаниқлик билан бирга келиб, охириги ўз навбатида олдиндан кўра билиш кийин ёки мумкин бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлади» деб изоҳлайди. Баъзи муаллифлар томонидан риск бу ноаниқлик деб таърифланади. Е.С.Стоянова³ «Риск - бу режалаштирилган вариантга нисбатан даромад ола олмаслик ёки зарар кўриш эҳтимолидир» деб таъриф келтирган. П.Г.Грабовый, С.Н.Петрова, С.И.Полталсевларнинг «Риски в современном бизнесе»⁴ китобида «Риск - бу корхона ресурсларининг бир қисмини йўқотиш ёки даромад ола олмаслик, қўшимча харажатлар қилиш хавфидир», деб таъриф берганлар. Юқорида келтирилган таърифларнинг барчасида риск қандайдир хавф-хатар ва зарарлар кўришдан иборат эканлиги тўғрисида фикр юритилган. Рискни таърифлаганда, уни зарар билан боғлиқ хавф-хатар, ноаниқлик дейиш риск тушунчасининг моҳиятини тўла ифода қила олмайди. Юқоридагиларга ўхшаган таърифларни маҳаллий иқтисодчиларимизнинг ишларида ҳам учратиш мумкин. Ундан ташқари, охириги йилларда чоп қилинаётган кўпгина муаллифларнинг ишларида «риск» сўзини ўзбекчага таржима қилишга ҳаракат қилинган. Натижада ҳозирги кунда турли муаллифлар томонидан «риск» термини турлича ном билан талқин қилинмоқда. Баъзи бир иқтисодчилар рискни «таваккалчилик» деб ифодасалар, бошқалари рискга «ҳато», «иккиланиш», «ноаниқлик», «мавхумийлик», эҳтимол, қалтислик, таваккалчилик ва ҳоказолар деб таъриф бериш тўғрироқ деган хулоса қиладилар.⁵

Ҳар бир фаолиятни амалга оширишда иккиланиш ёки хавф-хатар бўлиши мумкин. Лекин уларни риск мазмунида ифода қилиб бўлмайди.

Хавф-хатар деганда биз олдиндан бирон салбий натижа берувчи, ёки бирон-бир салбийликка ёки зарар, талофатга олиб келувчи жараён мавжудлигини биламиз ва биз қўрқув, ҳадиксираш билан шу воқеликка ёндашамиз.

Банк рисклари тўғрисида иқтисодчи олимларнинг фикрлари хилма-хил бўлиб, улар бу тушунчанинг **моҳиятини** турлича талқин қилганлар. Бунинг сабаби шундаки, риск кенг маъноли, фаолиятнинг, жараёнларнинг турли

¹ «Банк рисклари ва кредитлаш» Ш.З.Абдуллаева, «Молия» нашриёти 2002 йил, 59-бет.

² Усоскин В.М. «Современный коммерческий банк» М. ИПЦ 1994 йил, 26-бет.

³ Стоянова Е.С. «Финансовый менеджмент», М: Перспектива, 1993 йил, 121-бет.

⁴ П.Г.Грабовый, С.Н.Петрова, С.И.Полталцев «Риски в современном бизнесе». М. «Аланс», 1994 йил, 27-бет.

⁵ «Банк рисклари ва кредитлаш» Ш.З.Абдуллаева, «Молия» нашриёти 2002 йил, 60-бет.

босқичларида учраб турувчи кўп қиррали тушунчадир. Банк рискнинг моҳияти кўпгина маҳаллий иқтисодчилар томонидан масалан, «Кредит. 100 саволга – 100жавоб» китоби муаллифи Ё.Абдуллаев, Т.Бобоқулов «кредит ҳавф-хатари»⁶, «Иқтисодиёт назарияси» китоби муаллифи А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаевлар томонидан эса «банк хатари»⁷ деб юритилади. Банк фойда кўриши учун эса бу хатарни камайтириши лозимлигини таъкидлашса, Россиялик иқтисодчи олим О.И.Лаврушин «Банк rischi эҳтимолий ҳодисанинг қиймат ўлчови бўлиб, у йўқотишларга олиб келади» деган фикрни илгари суради. Яна бир россиялик иқтисодчи Г.Панова «Риск кутилмаган ҳодисалар юзага келганида йўқотиш ҳавфи ёки имкониятидир» деб таъриф беради. У ўз таърифи орқали икки асосий йўналишни асослаб бермоқчи бўлади. Булар, биринчидан, Профессор О.Лаврушиннинг риск тўғрисидаги фикри билан ҳамоҳанг бўлиб, у ҳам риск бу йўқотишларни ифодалайди деб уқтирса, иккинчидан риск бу кутилмаган ҳодиса эканлигини таъкидламоқчи. Лекин, банк амалиётида риск ҳар доим ҳам кутилмаган ҳодиса эмас. Банк фаолиятининг барча тури риск билан боғлиқ. Банк шу фаолият тури ёки операция рискли эканлигини билиб туриб, шу операцияни амалга оширишга қарор қилади ёки амалга оширади ва у барча ҳолларда шу операция натижасида юқори даромад олишни режалаштиради.

Баъзи хорижий иқтисодчи олимларнинг шу соҳадаги ишлари билан танишиб, улар томонидан ҳам банк рискларининг моҳиятига турли хил таъриф ва тасниф берилганлигини кўриш мумкин. Чет эллик олимлар рискларни таърифлашдан кўра уларнинг алоҳида олинган турларини кўришни афзал ҳисоблайдилар. Масалан, К.Д.Валравеннинг фикрича Ғарб мамлакатлари банклари кўпроқ ликвидлик rischi, кредит, портфел, саноат, мамлакат, валюта, фоиз рискига дучор бўладилар. «Банковский менежмент» китоби муаллифи П.С.Роуз рискларга кенгроқ тушунча бериб, у банк rischi олти асосий турдаги риск - кредит rischi, фойда ололмастик rischi, ликвидлик rischi, бозор rischi, фоиз rischi, тўлай олмаслик riskидан ташкил топган бўлиб, бу рисклар банк фаолиятида жуда муҳим, хал қилувчи рисклар ҳисобланади, дейди. Банк учун иккинчи даражада бўлган рискларга П.Роуз сиёсий riskни, суистеъмол riskини, валюта riskини киритади.

Иқтисодий рискларнинг муҳим тури бўлган тадбиркорлик riskининг **классик ва неоклассик**⁸ кўриниши ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, классик назарияда тадбиркорлик rischi қабул қилинган қарорлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларнинг математик кутилиши билан тенглаштирилади дейилган. XX-асрнинг 30-йилларида иқтисодчилар А.Маршалл ва А.Пигу тадбиркорлик riskининг неоклассик назариясини яратдилар. У куйидагилардан иборат: ноаниқлилик шароитида ишлаётган, даромади ўзгариб турадиган тадбиркор, битим тузаётганда иккита критерияга асосланади:

- кутилаётган фойда ҳажмига;


⁶ «Кредит. 100 саволга – 100жавоб», Ё.Абдуллаев, Т.Бобоқулов. Тошкент-1999йил, 80-бет.

⁷ «Иқтисодиёт назарияси» А.Улмасов, М.Шарифхўжаев. Тошкент-1995йил, 387-бет.

⁸ «Риски в экономике» Л.Н.Тэпман. Профессор В.А.Швандарнинг редакцияси остида, Москва-2002йил, 10-бет.

- унинг иккиланишларининг ҳажмига.

Бу шундан далолат берадики, бир хил даромад берадиган иккита капитал қўйилмалари орасидан тадбиркор қайси бирига кўпроқ иккиланаётган бўлса, ўша капитал қўйилмани танламасликка ҳаракат қилади. А.Смит тадбиркорлик фаолиятининг баъзи бир хусусиятлари ҳақида гапириб ўтганда, қуйидагиларни таъкидлаган:⁹Фойданинг одатдаги кўриниши доимо озми-кўпми риск билан ўсиб боради. Лекин унга пропорционал тарзда ўсмайди. Инсонлар таваккал қилиб ишлашлари рискга олиб келади.



Биз рискнинг моҳияти тўғрисида баъзи талқинларни келтириб ўтиш билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Маркази банкни меъёрий ҳужжатларида банк рискларига берилган таърифни ҳам инobatга олишимиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Маркази банкни меъёрий ҳужжатларида банк rischi – банк фаолиятига таъсир қилувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ва (ёки) ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ва (ёки) банк ликвидлиги (банк ўз мажбуриятларини вақтида бажариш қобилияти)ни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг мавжудлигидир деган таъриф келтирилган. Қуйида биз махсус адабиётларда, амалиётда риск тўғрисидаги мавжуд бўлган баъзи бир фикр ва мулоҳазаларни кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

1. Риск инсоният фаолиятининг барча босқичларида мавжуд бўлган тарихий ва иқтисодий категория бўлиб, у кишилар фаолиятида ёки табиий ҳодисаларда мумкин бўлган йўқотишлар салмоғини билдирган. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши рискнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишига ва субъектлар фаолиятида мустаҳкам ўрнашиб олишига имконият яратди. У бизнинг ҳаётимизда ҳар доим ҳам қочиб бўлмайдиган ва ечиш лозим бўлган бир жарағн бўлиб, бирор бир натижани юзага келишига асос бўлади. Бундай натижа салбий ва ижобий бўлиши мумкин. Рискнинг синоними сифатида эҳтимол, тахмин қилиш, таваккал қилиш, иккиланиш, ишончсизликни, имкониятсизликни, бир воқеа бўлиш-бўлмаслигини олдиндан айтиб бера олмаслик кабиларни мисол қилиб кўрсатиш ҳам мумкин.

⁹ «Система страхования банковских рисков» Ю.А.Соколов, Н.А.Амосова, Москва-2003йил, 6-бет.

2. Инсоният табиатан рискдан қочишга интилади. Агар биз рискни назорат қила олмасак, одатда, ундан қочишга ҳаракат қиламиз. Чунки, ҳар қандай ишончсизлик ўзига хос тарзда маълум даражадаги йўқотишларга олиб келиши мумкин. Биз ҳаётимизда рискнинг мавжудлигини тан ола туриб, ҳар бир ҳаракатимизда рискни минимал даражага туширишга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга, кўпроқ турдаги рискка йўлиққанимизда уни камайтиришга, ҳаттоки, рискка тортилганимизда ҳам бундай ҳолатдан ижобий, қандайдир фойда (даромад) билан чиқишга ҳаракат қиламиз ва шундагина ва биз рискни қабул қиламиз.

3. Ҳар бир фаолиятни амалга оширишда иккиланиш ёки хавф-хатар бўлиши мумкин. Лекин уларни риск мазмунида ифода қилиб бўлмайди. Хавф-хатар деганда биз олдиндан бирон салбий натижа берувчи, ёки бирон бир салбийликка ёки зарар, талофатга олиб келувчи жараён мавжудлигини биламиз ва биз кўрқув, ҳадиксираш билан шу воқеликка ёндашамиз. Хавф-хатар олдиндан мавжуд воқеликдир, яъни аскарият ҳолларда хавф-хатар бирламчи, риск иккиламчи деб қараш мумкин. Одатда хавф-хатар мавжудлигини билиб туриб, уни ижобий ҳал қилишга қарор қилиш рискни юзага келтиради. Хавф-хатар аксарият ҳолларда салбий натижаларга олиб келади. Хавф-хатар бўйича ижобий натижага фақат риск қилиш орқалигина эришишимиз мумкин. Хавф-хатарни камайтириш ёки умуман йўқ қилиш бўйича риск қилинмаса, у доимо салбий натижага олиб келади ва унинг натижавий имконияти кенгроқ бўлиши мумкин. Ҳар бир хавфли ҳолатда риск қилинади ва риск қилиш орқали бирор бир ижобий натижага эришиш мақсад қилиб қўйилади.

4. Риск нисбийликни ифодалайди. Мавжуд хавф-хатарларнинг барча ҳолларида ҳам риск қилинмаслиги мумкин. Риск қилиш доимо ижобий натижага эришиш билан боғлиқ. Ҳар бир субъект ижобий натижага эришиш мақсадида рискка боради. Шу аснода хавф-хатар даражасининг қанча юқори бўлиши риск қилиш имкониятининг шунчалик паст бўлишига олиб келади. Бундай ҳолларда одатда риск қилинмаслиги мумкин. Риск чегараси ва хавф-хатар даражаси бир-бирига тескари пропорционал. Хавф-хатар даражаси кам (паст) шароитда тўлиқ ишонч билан риск қилинади, чунки бу ҳолда бирор ижобий натижага эришиш мумкин. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши рискнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишига ва субъектлар фаолиятида мустақкам ўрнашиб олишига имконият яратди.

5. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шартларидан бири банклар фаолияти доирасини кенгайтириш ва улар фаолиятининг аҳамиятини оширишдан иборат. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин юзага келган мустақил банк тизими соҳасида турли хил банклар очилди ва уларнинг фаолияти тижоратлаша борди. Банкларнинг бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида фаолият кўрсатиши, уларнинг келажакдаги иш фаолиятини бугунги фаолият натижаларига боғлиқ қилиб қўяди. Шу жиҳатдан фаолиятини яхши ташкил қила олмаган банк албатта синиши ва ўзининг мижозларига ҳам талофат етказиши муқаррардир.

6. Банкнинг кредит фаолияти, уни бошқа нобанк ташкилотлардан фарқловчи асосий мезонлардан биридир. Жаҳон амалиётида айнан кредит операциялари орқали банк фойдасининг асосий қисми шаклланади. Шу билан бир вақтда, кредитларнинг, асосан, йирик кредитларнинг қайтарилмаслиги, банкнинг банкрот бўлишига олиб келиши ҳам мумкин. Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд рискларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит рисклари, уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат. Сиёсий ва иқтисодий нобарқарорлик риск даражаси ошишининг асоси ҳисобланади.

Баъзида рискнинг функциялари тўғрисидаги фикрларни ҳам учратиш мумкин. Бу қарашларга асосан риск иккита функцияни бажаради. Булар рискнинг рағбатлантирувчи ва ҳимояловчи функцияларидир.

Рискнинг рағбатлантирувчи функциясининг икки хусусияти мавжудлиги таъкидланади, яъни конструктив ва деструктив. Конструктив жиҳати шундай бир ҳолатда юзага келадики, бунда риск иқтисодий қарорларни хал қилишда катализатор ролини ўйнайди, айниқса инноватсион, инвеститсион қарорларни қабул қилишда. Деструктив кўриниши эса асосланмаган риск билан қабул қилинган ва амалга оширилган қарорлар натижасида юзага келади.

Рискнинг ҳимояловчи функцияси ҳам икки жиҳатга эга: тарихий-генетик ва ижтимоий-ҳуқуқий. Тарихий-генетик жиҳати шундан иборатки, инсонлар доимо стихияли тарзда кутилмаган ноҳуш воқеалардан ўзларини асраш шакллари ва воситаларини излайдилар. Амалиётда бу суғурталанган резерв фондларини ташкил этиш, тадбиркорлик рискларини суғурталаш каби кўринишларда намоён бўлади. Ижтимоий-ҳуқуқий жиҳати эса, хўжалик, меҳнат, жиноий қонун ҳужжатлари тўпламида риск категорияларини жорий қилишда намоён бўлади. Булардан ташқари рискнинг яна қуйидаги хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қарама-қаршилик, алтернативлилик ва ноаниқликлардир.

Қарама-қаршиликлар қуйидагиларда намоён бўладилар: риск бир томонлама муҳим иқтисодий, сиёсий ва маънавий-ахлоқий натижаларга олиб келади, яъни ижтимоий, техник ривожланишни тезлаштиради, жамиятнинг фикр ва маънавий муҳитига ижобий таъсир қилади. Иккинчи томондан эса, аксинча таъсир қилиши мумкин, яъни риск ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Алтернативлилик, бу бир ёки бир қанча кўринишдаги қарорларни тезлик билан танлашда намоён бўлади. Танлаш лозим бўлмаган жойда рискли жараёнлар ҳам вужудга келмайди ва риск бўлмайди.

Ноаниқлилик, бу албатта ноаниқ, яъни кутилмаган ҳолатлар билан боғлиқ. Унинг юзага келиш ва тус олиш шакли ноаниқ бўлиб қолаверади¹⁰. Шунингдек,¹¹ ноаниқлилик хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб ноаниқлиликнинг моҳияти рискда намоён бўлади деган қарашлар ҳам мавжуд. Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб даромад доим ноаниқлилик билан боғлиқ

¹⁰ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия. 2003й. 23 б.

¹¹ «Система страхования банковских рисков» Ю.А.Соколов, Н.А.Амосова, Москва-2003йил, 6-бет.

деган фикрни олға сурлган.¹² Баъзида эса, ноаниқлилик қарама-қаршилиқлар натижасида келиб чиқади, яъни инсонлар нималарни кутадилар-у, нималар содир бўлади, бунинг натижаси эса фойда ёки зарарда намоён бўлишига эътибор қаратилган.

Самарали ташкил қилинган бозор иқтисодиётида маҳсулот ишлаб чиқариш кам харажат қилиш билан, унинг тақсимооти эса бозор талабига асосан амалга оширилади. Рақобат корхоналарнинг харажатларини иложи борица минимал даражагача камайтиришга, товарлар ишлаб чиқаришни стратегик режалаштиришга ва фақат бозор талабига мос келувчи товарлар ишлаб чиқаришга мажбур қилади. Маълумки, фақат иқтисодий эркинлик, мулкчилик ҳуқуқи, рақобат ва бошқа бозор атрибутлари мавжуд бўлган ҳолда иқтисодиёт самарали бўлиши мумкин.

Бозорнинг энг муҳим атрибутларидан бири – бу иқтисодий эркинлик ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий эркинлик асосида фаолият кўрсатиш макро, мезо ва микро даражада турли хил рискларга боғлиқ бўлади. Риск тадбиркорлик фаолиятининг энг асосий элементларидан бири ҳисоблангани у учун банк фаолиятининг самарадорлигига эришиш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш иқтисодиётда, жумладан, банк фаолиятида мавжуд рискларнинг банк фаолиятига таъсир қилиш томонларини чуқур ўрганишни талаб этади.

Иқтисодиётнинг табақалашган даражасида рискларни қуйидагича таърифлаш мумкин:

- иқтисодий риск;
- ижтимоий-сиёсий риск;
- фискал-монетар риск ва бошқалар.

Иқтисодий риск деганда, умумий йирик тизим ва унинг таркиби ривожланишида, шу жумладан, агар бундай тизимнинг умумиқтисодий мувозанатини ва унинг ЯИМнинг ўсиш суръатини жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотни чиқариш орқали ўрнатиш мақсади қўйилган бўлса, у ҳолда ишлаб чиқариш шакллари оқилона уйғунлашувини танлашда юзага келадиган рисклар мажмуи тушунилади, давлатнинг антитсиклик усуллар ва бошқалардан фойдаланиб самарали чора-тадбирлар ўтказишини тақозо қилади.

Ижтимоий-сиёсий риск деганда, умуман йирик тизим ва унинг таркиби ривожланишида, шу жумладан, давлатнинг нархни шакллантириш сиёсати, шунингдек, мулк ва интеллектуал бойлик жамғармаларининг манбаларини:

- аҳолининг барча гуруҳини умумий тавсифдаги рисклардан ижтимоий ҳимояни таъминлашга;
- даромадларнинг адолатли тақсимланишига;
- ишсизликни қисқартиришга;

¹² «Система страхования банковских рисков» Ю.А.Соколов, Н.А.Амосова, Москва-2003йил, 7-бет.

- таклиф ёки талабнинг жисмоний хажмларини нарх ва бошқалар орқали тартибга солишга сафарбар этиш ва жамлаш бўйича масалаларни эчишга аралашувида юзага келадиган рисклар мажмуи тушунилади.

Сиёсий риск – бу корхоналар ва ташкилотлар фаолиятига сиёсий аҳволдаги ўзгаришлар таъсиридир, бунга чегараларнинг бекилиши, бошқа давлатларга маҳсулот, хом ашё олиб чиқиш тақиқланиши ва аксинча бошқа давлатлардан маҳсулот, хом ашё олиб кирилишининг таъқиқланиши.

Фискал-монетар риск давлат ўтказаятган молиявий ва бюджет сиёсати ёрдамида, нархлар даражасини барқарорлаштириш ва оптимал солиқ меъёрларини, пул массасининг таъминоти ва конъюктурасини тартибга солиш бўйича Марказий банкнинг самарали аралашуви ва бошқалар орқали йирик, мураккаб тизимлар барқарорлиги ва иқтисодий ўсишини таъминлаш бўйича масалаларни эчишда юзага келадиган рисклар мажмуидан иборат.

Тармоқлар rischi ҳам мавжуд бўлиб, у маълум бир тармоқнинг иқтисодий-молиявий фаолиятидаги бошқа тармоқларга нисбатан ўзгариб туриш даражаси билан туғридан-туғри боғлиқдир. Тармоқ riskини бошқаришда қуйидагиларни эътиборга олиш керак бўлади:

- альтернатив тармоқлар фаолияти қай даражада, тармоқлар натижалари ўртасидаги фарқ ва сабаблари;
- яхши фаолият кўрсатиб келаятган тармоқда кескин ўзгаришлар бор бўлса, сабаби нимадан иборат;
- банк маблағидан фойдаланмоқчи бўлган корхонанинг молиявий натижаси билан ўз тармоғи ичидаги ўхшаш корхоналар молиявий натижалари ўртасидаги фарқ.

Тармоқ riskини бошқаришда ишлатиладиган тушунча бутизимли riskдеб юритилади. У орқали тармоқларда юз бераётган тебранишлар даражаси бутун иқтисодиётда юз бераётган тебранишлар даражасига нисбатан солиштирилади. Банк riskларини пайдо қилувчи омиллар асосида энг аввало иқтисодий ҳамда сиёсий омиллар ётади.

1-жадвал

Рисклар таснифи.¹³

Иқтисодиётни бошқариш даражаси	Бошқариш соҳаси	Рискларноми
I. Макродаражада	Иқтисодиётни умумий тартибга солиш, ички рақобат қонунлари ва бошқалар.	Иқтисодий
	Сиёсий барқарорлик, давлатнинг этакчи роли	Ижтимоий-сиёсий

¹³ «Банк riskлари ва кредитлаш» Ш.З.Абдуллаева, «Молия» нашриёти 2002 йил, 75-бет.

	ва бошалар.	
	Давлатнинг бюджет ёки молиявий сиёсати.	Фискал-монетар
		Саноат
II. Мезодаражада	Мулкчиликнинг корпоратив шакллари, тўла хўжалик мустақиллиги, фирмаларнинг тармоққа кириш ва ундан чиқиш ҳуқуқи ва бошқалар	Аграр
		Хизмат кўрсатиш соҳаси
III. Микродаражада	Намоён бўлиш босқичи бўйича - субъектларнинг хўжалик фаолияти рисқи ва лойиха рисқи.	I. Тадбиркорлик
	Функционал мақсади - молиявий ва тижорат операцияларини бошқариш.	
	Функционал мақсади - аниқ лойиха турларига боғлаш.	III. Инвеститсия
		Тадбиркорлик рисқи учун: 1. Молиявий. 2. Тижорат.
	Хўжалик субъектининг хўжалик фаолияти	Молиявий банк рисқи учун: 1.1. Валюта. 1.2. Кредит. 1.3. Фоиз. 1.4. Бозор (портфел). 1.5. Маркетинг. 1.6. Ишбилармонлик.
		Валюта рисқи Кредит рисқи.

Мамлакат миқёсида макродаражада иқтисодий рискларни аниқлаш жуда муҳим бўлиб, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш, четдан инвестициялар, кредитлар ва бошқа молиявий қўйилмалар жалб қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш мавқеи билан боғлиқ бўлган иқтисодий рисклар, ҳалқаро банк амалиётида пул оқими, кредит ва ҳисоб операциялари соҳасида бўлган рисклар билан бевосита боғлиқ. Бу рискларнинг бўлиши ва уларнинг даражаси эса импортер ёки экспорт ер давлатга ёки контрагент мамлакатлардаги сиёсий-иқтисодий барқарорликка боғлиқ. Ҳар бир мамлакатда иқтисодий ёки сиёсий барқарорликка асосланиб, шу мамлакатдаги иқтисодий риск даражасини баҳолай олиш чет эл капитали иштирокида ташкил топган қўшма банклар ва бош литсензияга эга бўлган банк ташкилотлари учун долзарбдир. Банк амалиётида унинг раҳбарияти чет эл контрагентларининг молиявий барқарорлигига нотўғри баҳо бериш натижасида анча хатоларга йўл қўйишлари мумкин. Шунинг учун бирор давлат билан узвий иқтисодий алоқани ўрнатишда, айниқса кредит ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ муносабатларни олиб боришда, ундаги иқтисодий-сиёсий барқарорликни таҳлил қилиб риск даражасини аниқлаш лозим. Жаҳон амалиётида шу мақсадда тавсия этиладиган йўллардан бири бу мамлакат иқтисодий рисклари ҳажмини таҳлил қилувчи БЕРИ индексидан фойдаланилади. Унинг ёрдами билан олдиндан мамлакат иқтисодий рискларининг ҳажми белгиланади.

Мамлакат иқтисодий рискини башорат қилиш давлат қурилмасининг таркиби ва сифат даражаларини таҳлил қилишга, шунингдек амалий маълумотлар ва нисбатларни ўрганишга асосланган миқдор кўрсаткичларига таяниши керак. Таҳлилнинг икки тури (сифат ва миқдор)нинг уйғунлашуви аниқ ва раван бўлиши барча жадваллар ва таққосланган маълумотлар таҳлилни энгил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун қисқартмаларни очиб берилишини ўз ичига олиши керак.

Шу асосий тамойиллар мамлакат рискини аниқлашда таҳлил қилинаётган статистик ва аналитик йўналишларнинг икки поғонали тизимини ташкил қилишга олиб келади. Биринчи поғонада ўлкадаги ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ташкил қилинади (қисқача иқтисодий аҳвол таърифи). Энг аввало таҳлилнинг муҳим бўлими келтирилади, яъни мамлакат иқтисодий рискининг даражаси ҳақида хулоса, яъни мамлакатнинг иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган асосий маълумотлар ва асосий хулосалар таҳлил қилинади.

Таҳлилнинг иккинчи поғонасида аниқ иқтисодий-сиёсий вазият таҳлил қилинади, маркетинг тадқиқининг натижалари кўриб чиқилади ва омиллар rischi чизмаси бўйича давлатнинг иқтисодий rischi даражаси аниқланади.

Макродаражада мамлакат иқтисодий рискини баҳолашда асосий кўрсаткичлар сифатида қуйидагилар таҳлил қилиниши мумкин:

- иқтисодиётнинг самарадорлиги (бунда ЯММнинг ўртача йиллик ўсиши ҳисобланади);
- сиёсий риск даражаси;

- жаҳон банки маълумотларига асосан олинган кредитлар миқдори, улар бўйича қарздорлик даражаси, кредитни қайтиб тулаш жараёнининг амалга оширилиш сифати, экспорт хажми, ташқи қарзлар, ташқи савдо обороти ва бошқалар;
- банк кредитларини олиш имконияти;
- қисқа муддатли кредитлаш имконияти;
- узоқ муддатли кредитлаш имконияти;
- форс-можор ҳолатларининг юзага келиши;
- мамлакатнинг кредитга лаёқатлилиқ даражаси;
- ташқи қарзлар бўйича тўланмаган мажбуриятлар.

Хўжалик тармоғига нисбатан солиқ меъёрларидаги, тармоқ йўриқномалари, кредит олиш шартлари ва бошқалардаги ўзгаришлар риск манбаи бўлиб ҳисобланади. Саноат рискинни баҳолашда қуйидагиларни эътиборга олиш керак:

- алоҳида олинган тармоқнинг бир-бирига боғлиқ тармоқлар билан ўзаро алоқада маълум вақт мобайнидаги фаолияти (тармоқнинг ҳаётий даври);
- бир-бирига боғлиқ тармоқлар фаолияти мамлакат иқтисодиётига нисбатан қанчали барқарор бўлиши;
- корхона ёки фирмаларнинг ўз капитал қўйилmalarини бошқа тармоқларга ўтказиш имконияти;
- фирмаларнинг бажараётган иш хажми, ишлайдиганлар сони, тармоқ ичидаги уларнинг хўжалик фаолияти молиявий натижалари бўйича қай даражада тасниф қилинганлиги ва ҳ.к.

Ижтимоий-сиёсий *риск*ларга аввало ҳуқуқий омиллар киради. Давлат савдо ва валюта орқали иқтисодиётни тартибга солишни амалга оширади, валюта чекловлари ва валюта интервенсиялари, квоталаш, литсензия бериш, божхона божлари, субсидиялар ва бошқалардан фойдаланади. Бунда барча воситалар ўзаро узвий боғлиқ. Ижтимоий сиёсатдаги ўзгаришлар иш билан бандлик, даромадлар даражаси, миллий маҳсулот ишлаб чиқариш хажми, импорт ва экспорт миқдорларига таъсир қилади. Рисклар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг барча воситаларига таъсир даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатиш муҳим. Чунки ҳар бир ҳаракат риск билан боғлиқ бўлади ва демак, рисклар бир-биридан алоҳида амал қилолмайдилар.

Фискал-монетар *риск* ҳам объектив ва субъектив омиллар таъсирида бўлиб, у давлатнинг фискал-монетар сиёсатини ўтказишда намоён бўлади. Давлатнинг фискал ва монетар сиёсати иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлаштиришга эришишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Фискал-монетар рисклар давлатнинг даромадлар ва харажатлар соҳасидаги антисиклик чоратadbирлар ёрдамида тармоқ ва фирмаларнинг иш билан фаоллик соҳасини аниқлашни талаб қилади. Фискал рискларнинг таркибий қисми бўлиб, молиявий-бюджет сиёсати ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, иқтисодиётнинг табақалиқ даражасидаги рискларнинг асосий қисми банклар фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Бу рисклар банкнинг тури ва хусусиятига, унинг фаолияти, характери, ҳамда унинг мижозлари таркибига боғлиқ бўлади. Ихтисослашган, тармоқлашган ва универсал

тижорат банкларининг ҳар бирида рискнинг ҳамма турлари мавжуд бўлади, лекин уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва хусусияти банк муассасасининг турига боғлиқдир. Ҳалқаро банк амалиётида универсал тижорат банкларининг фаолияти турлича бўлиб, улар иқтисодиёт билан боғлиқ ҳамма хизмат турлари билан шуғулланадилар. Ихтисослаштирилган тижорат банклари асосан ўз фаолиятларини аниқ бир соҳага хизмат кўрсатишга, яъни аниқ бир объектга йўналтирилган фаолиятга қаратган бўлади. Шу жиҳатдан иқтисодиётнинг шу соҳасида мавжуд рисклар ихтисослашган банклар фаолиятига таъсир қилиши мумкин. Мисол учун, фаолияти бўйича инноватсион, инвеститсиявий, ссуда, жамғарма, ипотека, депозит, клиринг, маълум бир мижозлар турига хизмат кўрсатишга ихтисослашган, тармоқ бўйича ёки функционал белгиси бўйича фаолият олиб боровчи банклар кенг қамровли фаолият кўрсатиб турли хил иқтисодий рискларга дучор бўлишлари мумкин.

Ундан ташқари ҳалқаро банк амалиёти шуни кўрсатадики, ихтисослаштирилган тижорат банкларининг фаолияти иқтисодиётнинг ривожланишига, бозорга йўналтирилган бўлиб, улар ҳудудий, ҳудудлараро ва трансмиллий бўлиши ва ҳудудлар, минтақаларда юзага келувчи объектив ва субъектив рисклар улар фаолиятига таъсир қилиши мумкин.

Ички рискларнинг ҳар хил турлари ва даражалари билан тижорат банкларининг тўқнашиши асосан улар фаолиятининг хусусиятига боғлиқ бўлади.

Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларининг субъектлари хисобланган корхоналар, хорижий инвесторлар, давлат, яқка хужаликлар ва улар билан боғлиқ ашёвий (товар) ва монетар (пул) оқими тебратади. Хужалик оборотининг ғилдираги бу – пул маблағлари бўлиб, улар банклар ва бошқа молиявий муассасалар орқали оқиб ўтади. Шунинг учун иқтисодиётнинг қайсидир бир соҳаси ёки каналида мавжуд рисклар банклар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Иқтисодиётда нафақат пул оқимида, балки барча жараёнларда рискнинг юзага келиши уни юзага келтирувчи манбаларга боғлиқ бўлади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, риск бу фаолият кўрсатувчи субъектлар амалиётида юзага келиб иқтисодий категория сифатида ижтимоий-иқтисодий жараёнларда аниқ ва эчими бўлмаган ҳолатнинг сон ва сифат жиҳатдан боғлиқ бўлган воқелиқни англатади.

2. Банклар фаолиятида рискларнинг юзага келиш эҳтимоли ва сабаблари.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият фойда олишга қаратилганидек, тижорат банклари фаолиятидан кўзланган натижа ҳам биринчи навбатда фойда олишдир. У эса албатта, доимо риск билан боғлиқ бўлади. Шу туфайли тижорат банклари олдида турган биринчи мақсад – бу риск ва фойдалилик ўртасидаги оптимал даражага эришишдан иборат.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари тамойилларининг амал қилиши тижорат банкларидан ўз фаолиятлари билан боғлиқ рискларни бошқа хўжалик субъектларига нисбатан кўпроқ ўрганишларини талаб этади. Чунки тижорат

банклари ўз фаолиятлари билан бир томондан, ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида мажбуриятга эгадирлар.

Ривожланган мамлакатлар банкларига нисбатан МДХ давлатлари шу жумладан, республикамиз банклари фаолияти янада кўпроқ рискка эга бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби режали иқтисодиёт давридаги банк фаолиятини бугунги давр талабига жавоб берадиган ҳолда қайта ташкил этилмаганлиги ва янги турдаги банк операцияларини амалга оширишда етарли тажрибанинг йўқлиги банклар фаолиятидаги риск даражасининг янада ошишига олиб келмоқда.¹⁴

Шу туфайли банк rischi, унинг моҳияти, турлари, келиб чиқиши сабабларини чуқур ўрганиш амалиёт учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Банк rischi иқтисодий рискларнинг бир қисмини ташкил қилиб банк билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таянади.

Маблағларнинг кредитлаш тамойилига риоя қилинган ҳолда мижозларга берилиши, банклар ишининг маълум тамойиллар асосида ташкил қилиниши улар фаолиятининг турлари риск билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу ҳол банк riskининг объективлигини ифодаласа, банк фаолиятига бошқа омилларнинг таъсири, уларнинг натижасини ҳисоблаш имкониятининг мавжудлиги ва бир турдаги riskнинг турли шароитда бўлиши, уни турлича қабул қилиш ва ҳисоблай олиш унинг юзага келишининг субъектив сабаблари ҳисобланади.

Банк фаолиятида riskнинг юзага келиши баъзи бир салмоғи, таъсири, шакли жиҳатдан турлича бўлган ноаниқликлар билан боғлиқ бўлади. Чунки банк фаолияти ташқи муҳитга боғлиқ бўлиб, унга объектив иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ва улардаги бўладиган ўзгаришлар таъсир кўрсатади.

Банк фаолиятида рискларнинг юзага келишининг кўйидаги сабаблари мавжуд:

- бозорни яхши ўрганмаслик;
- ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг етарли эмаслиги;
- кредитланадиган лойиҳа, объект ва мижозлар тўғрисида, уларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумот ва ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги;
- тармоқлар фаолияти хусусиятининг инобатга олинмаслиги;
- субъектлар ёки мижозларнинг онги, савияси, маблағлардан фойдаланиш бўйича билими ва мақсадларининг турли хиллиги ва бошқалар ҳисобланади. Шу сабабли банк riskларининг иқтисодий категория сифатида таърифи унинг объектив ва субъектив сабаб ва оқибатларини ўзида ифода қилмоғи лозим.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, банк rischi банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад ололмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит, инвестиция, валюта) ўтказишдир, деган таъриф келиб чиқади. Бунда биринчидан, банкларнинг турли операциялари, ҳоҳ у ресурслар жалб қилиш билан боғлиқ операция бўлсин, ҳоҳ у маблағларни инвестиция қилиш ёки

¹⁴ «Банк riskлари ва кредитлаш» Ш.З.Абдуллаева, «Молия» нашриёти 2002 йил, 85-бет.

кредит бериш, юқори даромад олиш мақсадида ҳавфли валюта операцияларини ўтказиш бўлсин – банкнинг барча операциялари унинг маълум бир йўқотишлар билан боғлиқ шароитда эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Иккинчидан, банк доимо ҳар бир операцияси унга ижобий натижа келтиришга умид қилган ҳолда бир турдаги операцияни амалга оширади.

Банк фаолиятининг риск билан боғлиқ бўлиши ҳаражатлар, зарарлар ва йўқотишлар каби категорияларнинг доимий учраб туришини ва улар банк амалиётининг кунлик мониторингида бўлишини тақозо қилади. Банкларда ҳаражатлар, зарар ёки йўқотишлар - булар ўз-ўзидан риск ҳисобланмайди. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзининг мохиятига эга.

Банкнинг депозитлар, жамғармалар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз тўлаш, бошқа молия-кредит институтларидан жалб қилинган маблағлар учун фоизлар тўлаш, банк ходимлари учун иш ҳақи тўлаш ва бошқа операциялар ҳаражатлари билан боғлиқ рисклари қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин: бозор иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар аҳоли жамғармалари бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини оширишда, кредит ресурсларининг этарли эмаслиги, кредит ресурсларини сотиб олиш қийматининг ошиши, банк ходимларининг иш ҳақи билан боғлиқ ҳаражатларини ошириш кабиларда ўз ифодасини топади. Банк ҳаражатларининг меъёрдан ошиши, даромад ола олмаслиги банкга зарар олиб келади.

Банкнинг зарар кўриши банк фаолиятида учрайдиган рискларнинг олдини ололмаслик, ундан қоча олмаслик натижасида юзага келади. Банк фаолиятида рисклар келажакда амалга ошириладиган операцияларни олдиндан обдан таҳлил қилмаслик, ҳолатни яхши ўрганмаслик, маблағларни самарали жойлаштирмаслик, бозор имкониятларига тўғри баҳо бермаслик, банк фаолияти учун салбий натижаларга олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларни олдиндан сеза олмаслик туфайли юзага келиши мумкин. Зарарларнинг юқори бўлиши банкларда йўқотишлар бўлишига олиб келади. Йўқотишлар эса банк фойдасини камайтирувчи омил ҳисобланиб, у банк фаолиятининг рисклилиқ даражасига боғлиқ бўлади.

Рискнинг ҳажми банк амалга оширадиган операцияларининг рисклилиқ даражасига, банкнинг риск соҳасидаги стратегияси сифатига боғлиқ бўлади. Банк раҳбариятининг фойдани кўпайтиришга интилиши эҳтимолий зарарларни имкон қадар камайтириш билан бирга кечади. Ушбу икки мақсад бир-бирига муайян даражада зид бўлиб, бу банк маъмурияти ва унинг омонатчилари манфаатларининг қарама-қаршилиги билан боғлиқдир. Банк маъмурияти фойдани кўпайтиришга интилади ва қўшимча фойда олиш учун риск қилишга тайёр туради. Омонатчи учун эса маблағларининг сақланиши ва банкга ишонч масаласи муҳимроқдир. Даромадлилик ва риск ўртасидаги мақбул нисбатни сақлаб туриш банкни бошқаришнинг энг асосий ва мураккаб муаммоларидан биридир.

Банк рискларини бошқаришни самарали ташкил этиш уларни муайян белгилари бўйича аниқ гуруҳларга бўлиш билан боғлиқ. Рискларнинг илмий асосланган таснифи уларни ҳар бирининг умумий тизимдаги ўрнини белгилаш, уларни бошқаришнинг самарали усулларини қўллаш имконини беради.

Риск турлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, улар банклар фаолиятига турли даражада таъсир кўрсатади. Бу ҳолат рискларнинг оддини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва рискнинг аниқ бир турларини таҳлил қилиш, уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлашни қийинлаштиради.

3. Банк рискининг турлари ва унга таъсир қилувчи омиллар.

Банк рисклари иқтисодий рисклар тизимига киради, шунинг учун у табиатан мураккаб тузилган. Тизим доирасида улар иқтисодий рисклар таъсирини сезадилар. Банк рискларининг бўлиши, уларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқаришда камчиликларга йўл қўйилиши банкнинг молиявий аҳволи ва ликвидлилигига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади. Банк рискларининг юзага келишига ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.

Ички омиллар - банк олиб борилаётган операцияларга боғлиқ. Яъни булар:

- банкнинг активлари, пасивлар ва ўз капиталининг самарасиз тузилиши;
- банкнинг нотўғри стратегияси ва риск сиёсати;
- банк ходимлари малакасининг етишмаслиги;
- банк хавфсизлиги учун молиявий ахборотлар билан қониқарсиз таъминланганлиги;
- банкнинг техник жиҳатдан етарли таъминланмаганлиги;
- банк ходимларининг хизмат вазифасидаги суъистомоллар ва бошқалар.

Ташқи омиллар:

- сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий жараёнлар, умумиқтисодий ва молиявий ҳолат, рақобат муҳити, ахборот етарлилиги, форс-мажор ҳолат ва бошқаларни олишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси. банклари фаолиятида қуйидаги риск турлари юзага келиши мумкин. Булар кредит, бозор рисклари, фонд, валюта рисклари, фоиз рисклари, ликвидлилик рисклари, операцион рисклар, мамлакат рисклари, ҳуқуқий рисклар, бизнесда обрўини йўқотиш рисклари, фирибгарлик рисклари ва бошқалар

Банк фаолиятида рискларни банк ва банкдан ташқари муҳим рисклар , яъни, умумий рисклар) ва банк фаолияти хусусиятидан келиб чиқувчи - таркибий рискларга таснифлаш мумкин.

Умумий банк рисклар қуйидагича таснифланади:

1. Кредит риски;
2. Бозор риски:
 - фонд бозорлари риски;
 - валюта риски;
 - фоиз риски;
3. Ликвидлилик риски;
4. Оператив риск;
5. Мамлакат риски;
6. Ҳуқуқий риск;
7. Имидж риски.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Тижорат банкларининг банк рискларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида” Низом

(Ўз.Р. Адлия вазирлиги 2011 йил 25 май № 2229 –сон билан рўйхатга олинган) га асосан: Банк rischi – банк фаолиятига таъсир қилувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ва (ёки) ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ва (ёки) банк ликвидлиги (банк ўз мажбуриятларини вақтида бажариш қобилияти) ни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг мавжудлиги.

Банк келиши мумкин:

а) кредит rischi – қарздорнинг шартномада белгиланган шартлар бўйича банк олдидаги ўз молиявий мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

б) бозор rischi – банкнинг қимматли қоғозлар портфелидаги инструментлари нархларининг, шунингдек, хорижий валютаси ва қимматбаҳо металллар курсларининг салбий ўзгариши натижасида банкга юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск. Бозор rischi фонд, валюта ва фоиз рискларини ўз ичига олади, бунда:

фонд rischi – қимматли қоғозлари портфелидаги инструментларнинг бозор нархларидаги салбий ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

- валюта rischi – хорижий валютаси ва қимматбаҳо металлларнинг очик позициялари бўйича шу хорижий валюталари курслари ва қимматбаҳо металллар баҳоларининг ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск; Валюта рискларига мажбурий меъёрлар ҳам ўрнатилади: операцион кун охирида барча валюталар бўйича узун (қисқа) очик позициялар банк ўз капиталининг 20% идан ошмаслиги керак ва операцион кун охирида ҳар бир хорижий валюталар бўйича узун (қисқа) очик позициялар банк ўз капиталининг 10% идан ошмаслиги керак.

фоиз rischi – активлар, пасивлар ва кўзда тутилмаган ҳолатлардаги инструментлар бўйича фоиз ставкаларининг салбий ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

в) ликвидлилик rischi – банкнинг ўз молиявий мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск. Банкнинг ликвидлилик rischi асосан, актив ва пасивларнинг сўндириш муддатларининг ўзаро номувофиқлиги оқибатида юзага келади; У қуйидагича вужудга келади:

- банкнинг молиявий активлари ва молиявий пасивлари номутаносиблиги;
- банк ўз мажбуриятларини зарур ҳолларда тез муддатда бажара олмаслиги натижасида юзага келади.

г) операцион риск – банкнинг ички тизимлари, жараёнлари, ахборот технологиялари, ходимлар ҳаракатларида йўл қўйилган хатоликлар ёки ташқи табиий жараёнлар, шу жумладан табиий офатлар, натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск; Операцион риск - қуйидаги ҳолатлар натижасида пайдо бўладиган зарарлар rischi:

- амалдаги қонунчилик талаблари ва банк фаолияти тавсифига кўра банк операцияларининг ўтказилиш тартибининг бузилиши;
- банк ходимлари томонидан банк операциялари ўтказилиш тартибининг бузилиши;
- банк фойдаланадиган техник ва ахборот тизимларининг тўлиқ шаклланмаганлиги натижасида бўлиши мумкин.

д) мамлакат rischi – банкнинг хорижий ҳамкорлари томонидан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар сабабли ўз молиявий мажбуриятларининг бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

е) ҳуқуқий риск – банк томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тузилган шартномаларга риоя қилинмаслик, иш жараёнида ҳуқуқий ҳатоликларга (нотўғри юридик маслаҳат ёки ҳужжатларни нотўғри тузилиши) йўл қўйилиши, ҳуқуқ тизимидаги камчиликлар, ҳамкорлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск; Ҳуқуқий риск - қуйидаги ҳолатлар:

*банк томонидан тузилган шартномалар ва ҳуқуқий меъёрлар талабларига риоя қилмаслик;

*фаолият давомида ҳуқуқий ҳатоларга йўл қўйиш;

*ҳуқуқий тизимнинг ноаниқлигини натижасида пайдо бўладиган рисклардир.

Ж) бизнесда обрў-эътиборни йўқотиш rischi – банкнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида омма ичида салбий тасаввур юзага келиши сабабли, миждозлар сонининг камайиши, кўрсатилаётган хизмат сифатининг тушиши натижасида, банкда зарарлар юзага келиши rischi;

Имидж rischi - банкнинг молиявий ҳолати ҳақидаги салбий кўринишлар натижасида банк ходимлари сонининг қисқариши туфайли ҳам пайдо бўлиши мумкин.

з) фирибгарлик rischi – банкда ходимлар, миждозлар ва бошқа ҳамкорларнинг фирибгарлик ёки бошқа жиноий хатти – ҳаракатлари оқибатида молиявий зарарлар кўриш хатари. Банкдан нақд пул ва бошқа қимматликларнинг ўғирланиши ҳамда банк ходимлари томонидан атайлаб молиявий ҳисоб ва ҳисоботларда зарарларни (вақтинча ёки текшириш орқали аниқлангунча) яширилиши натижасида банкнинг молиявий зиён кўриши.

Таркибий жиҳатдан банк рисклари қуйидагича таснифланади:

1. Операцион харажатлар ўсиш rischi:
 - фоиз харажатларининг ўсиши rischi;
 - фоизсиз харажатларнинг ўсиш rischi.
2. Нооперацион харажатлар ўсиш rischi.
3. Пассив операциялардан келадиган даромадларнинг қисқариши rischi.
4. Актив операциялардан келадиган даромадларнинг қисқариши:
 - операцион даромадлар (фоизли ва фоизсиз) нинг қисқариши rischi;
 - нооперацион даромадларнинг камайиш rischi.
5. Активлар қадрсизланиши ва йўқолиши rischi.
6. Бой берилган фойда rischi.

7. Даомадларнинг қисқариши (олинмаган) рисқи.
8. Зарарларнинг кўпайиши рисқи.
9. Капиталнинг хавфли даражасига тушиш рисқи.
10. Тўловга лаёқатсиз рисқи.

Банк харажатларини ўсишини кўрсатувчи **молиявий рисклар** қуйидагича таснифланади:

- операцион харажатларнинг (банк фаолиятининг таъминловчи харажатлар) ўсиши;

- фоиз харажатларининг ўсиш рисқи, яъни жалб қилинган маблағлар (олинган кредитлар, қарзлар, қўйилмалар, депозитлар) бўйича тўланадиган фоизлар;

- фоизсиз харажатларнинг ўсиш рисқи, яъни ходимларга моддий ва иш ҳақи харажатлари, бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари, комисион тўловлар, тўланган дивидендлар, кредитлар ва бошқа операциялар бўйича зарарларни қоплаш мақсадида яратиладиган захиралар билан боғлиқ харажатлар;

- кооперацион харажатларнинг ўсиш рисқи, жумладан:

- ❖ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўлашдаги йўқолишлар рисқи;

- ❖ пеня ва жарималарни тўлашдаги зарарлар рисқи;

- ❖ мулкни сотишданги зарарлар рисқи;

- ❖ банкнинг айрим турдаги активларини қайта баҳолаш жараёнида салбий курс фарқидан келадиган зарарлар рисқи.

Даромадларни қисқартиришни кўрсатувчи молиявий рисклар банкнинг тўлов қобилиятига, фойдалилигига, капиталига ва ликвидлик даражасига салбий таъсир кўрсатади, улар қуйидагича таснифланади:

- пассив операциялар бўйича келадиган даромадларнинг қисқариш рисқи, жумладан ҳисобрақамларни ёпиш, юритиш, очиш, нақд пулларни бериш, миждоз ҳисобварағидан кўчирмалар беришда оладиган комисион даромадлар;

- актив операциялар бўйича келадиган даромадларнинг қисқариши:

- ❖ операцион даромадларнинг қисқариш рисқи, хусусан, фоизли даромадларнинг, жумладан берилган кредитлар ва қарзлар, бошқа банкларга депозит қўйилмалар, лизинг ва қарз қимматли қоғозлар бўйича;

- ❖ фоизсиз даромадлар қисқариш рисқи, жумладан, банк томонидан олинган валюта айирбошлаш операцияларидан, траст операцияларидан, юридик шахслар фаолиятида қатнашишдан даромадлар;

- ❖ нооперацион даромадлар қисқариш рисқи, жумладан, кўрсатилган ахборот ва маслаҳат хизматларидан, мулкни сотишдан, гаровни сотишдан ва қимматли қоғозларни қайта баҳолаш жараёнида ижобий курслардан келадиган даромадлар.

Банк рисқини умумий чегаралаб туриш учун қуйидаги қоидага амал қилиш керак: банкнинг ўз капитали унинг активлар ҳажмидан ошиб кетмаслиги керак.

Банк фаолияти натижаларига таъсир этиш даражасига кўра банк рисқларини **паст, ўртача ва юқори даражадаги рискларга** бўлиш мумкин. Банк рисқининг даражаси банк йўқотишларига олиб боровчи воқеалар эхтимоли билан характерланади. Улар фоизларда ёки муайян коэффицентларда ифодаланади. Чет

эл тижорат банклари, жумладан, Британия банклари рискларни 5 тоифага ажратади. Булар:

1. **Атоифа** – кичик ёки нол риск.
2. **Бтоифа** – оддий риск.
3. **В тоифа** – ошган риск.
4. **Г тоифа** – катта ёки юқори риск.
5. **Дтоифа** – номақбул риск.

Бизда риск тоифаларининг даражаланиши банк активларини риск даражасини хисобга олган ҳолда гуруҳлаш кўринишида намоён бўлади.


Вужудга келиш шаклларига кўра банк рисклари: тизимли ёки тизимсиз рискларга бўлинади. **Тизимли рисклар**– банк тизимидаги умумий вазият натижасида банкнинг молиявий аҳволи ўзгариши эҳтимоли сифатида таърифланади. **Тизимсиз ёки номунтазам рисклар** – банк тизимида умумий аҳвол барқарор сақланган ҳолда алоҳида олинган банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашиш эҳтимолини билдиради. Банк рискининг бу турлари одатда бир-бири билан жуда боғлиқ бўлганлиги учун амалиётда бу турдаги рискларни бир-бирдан ажратиш жуда қийин.

Вужудга келиш сабабларига кўра рисклар: соф ва сунъий рискларга бўлинади. **Соф рисклар**– кўпинча объектив хусусиятга эг бўлади ва салбий («0») натижага эришиш эҳтимолини билдиради. Бу рискларга табиий, экологик, транспорт рисклари, тижорат рискининг бир қисми киради. Чайқовчилик рисклари иқтисодий фаолият, жумладан банк фаолияти билан бевосита боғлиқдир. У ижобий ёки салбий натижага эришиш имкониятида намоён бўлади. Бу рискларга пайдо бўлиш сабабларига қараб табиий, экологик, сиёсий ва бошқа категориялар воситасида юзага келувчи молиявий рисклар киради.

Таъсир вақтига кўра рискларни: ретроспектив, жорий ёки истиқболдаги рискларга ажратиш мумкин. **Ретроспектив рисклар** – банк фаолиятининг ўтган даврдаги турли рискларга боғлиқлигини ифодалайди ва жорий ҳамда истиқболдаги рискларни баҳолашга ёрдам беради.

Бошқариш усули бўйича банк рисклари: очик ва ёпиқ бўлади. **Очик рискларни**– тартибга солиб бўлмайди. **Ёпиқ рискларни** – эса бошқариш мумкин. Ёпиқ рисклар диверсификация сиёсатини ўтказиш йўли билан тартибга солинади. Яъни, бунда банк операциялари умумий ҳажмини сақлаш мақсадида бир неча мижозларга берилган кредитларни кичик суммаларда кенг миқёсда тақсимлаш ёки йирик кредитларни консорсионал асосда бериш; депозит сертификатларини жорий қилиш; қайта хисобга олиш операцияларини кенгайтириш, кредит ва депозитларни суғурталаш амалга оширилади. Банкларда кўпинча мижоз танлашга номуносиб ёндашув натижасида баланслашмаган ликвидлилик rischi пайдо бўлиб, у беқарор иқтисодий вазиятдаги ташкилотларни кредитлашга устунлик берилганда келиб чиқади.

2-расм: Банк рискларининг умумлашган таснифи.



Вужудга келиш сохаси бўйича

Ички:

- тижорат банклари тури бўйича;
- миждозлар таркиби бўйича;
- банк операциялар тури бўйича.

Банк операцияларнинг тури бўйича:

- баланс операциялари бўйича;
- балансдан ташқари операциялар бўйича;
- молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ.

Ташқи:

Таъсир омили бўйича:

- сиёсий;
- иқтисодий;
- табиий.

Қамраб олган худуди бўйича:

- туман;
- минтақавий;
- мамлакат;
- жаҳон.

Ҳисоблаш усулига кўра рискларни: умумий ёки хусусий рискларга ажратиш мумкин.

Умумий риск банк рискнинг ҳажми, унинг даромади ва банк ликвидлиги меъёрларига боғлиқ равишда баҳоланади ёки тахмин қилинади. **Хусусий риск** алоҳида банк операцияси ёки уларнинг гуруҳлари бўйича риск коэффициентлари шкаласи асосида баҳоланади.

Вужудга келиш соҳасига кўра банк рисклари: ташқи ва ички рискларга бўлинади.

Ташқи рисклар– макромухит даражасида юзага келади. Улар банк фаолияти билан бевосита боғлиқ эмас. **Ички рисклар** – банкнинг фаолияти натижасида юзага келади. Рискларни ички ва ташқи ҳамда соф ва чайқовчилик рискларига бўлиб таҳлил қилишда уларнинг ўхшашлик томонларини очиб бериши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам ташқи ва соф рисклар тушунчаси моҳиятан бир-бирига ўхшаб кетади. Бироқ ички риск чайқовчилик рискдан кенгроқ бўлиб кейингисини ҳам ўз ичига олади. Ташқи рисклар даражасига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Улар орасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва табиий-иқлим рискларини алоҳида ажратиш зарур. Ташқи рискларнинг **ўзига хос хусусияти** шундаки, улар банк фаолияти натижаларига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатиши мумкин. Бу банк олдида пул мажбуриятларига эга бўлган хўжалик субъектларининг ушбу рискга алоқадорлиги ва муносабатига боғлиқ. Мамлакат рискни конвертрланган рисклар, трансферт рисклари ёки маратория тўловлари бўйича рискларга туркумлаш мумкин. Уни ҳисоблашда Германиянинг БЕРИ фирмаси томонидан ишлаб чиқилган БЕРИ индексдан фойдаланиш мумкин. Ундан мамлакат rischi даражасини аниқлашга ёндашувнинг янги, тизимга солинган ва аниқ меъёрланган тамойилларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Бу тамойиллар аниқ маълумотларга асосланган ҳолда, унинг ҳисоб-китоблари фойдали ва енгил таҳлил қилинадиган бўлиши ва маълумотлар ҳар бир мамлакат учун берилиши мўлжалланган банк кредитларининг меъёрини ва даражасини белгилаш бўйича қарор қабул қилувчи банклар раҳбарларининг ихтиёрида бўлиши эътироф этилмоғи лозим.

Ички рисклар банк операцияларининг хусусияти, банк мижозларининг таркиби ва тижорат банкларининг турлари бўйича гуруҳларга бўлинади.

Банк операциялари хусусиятига кўра рисклар:

- баланс операциялари rischi;
- балансдан ташқари операциялар rischi;
- молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ рискларга бўлинади.

4. Банк рискларини бошқариш тизими, усуллари ва рискларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёни.

Риск даражасини баҳолашга ҳамда уни камайтиришга қаратилган энг қадимий чоралардан бири бу рискларни суғурта қилиш усулидир. Бугунги кунда республикамиз тижорат банкларининг бу усулдан фойдаланишлари бир мунча

кийинрок бўлмоқда, чунки ўтиш даврида барча МДХ давлатларидаги каби бизнинг республикамизда ҳам суғурта фаолияти янги давр талаблари остида қайта ташкиллаштирилмоқда ва янги ўзлаштирилаётган соҳалар қаторига кирмоқда. Банк рискларини пайдо қилувчи омиллар асосида энг аввало иқтисодий ҳамда сиёсий омиллар ётади.. Куйидаги **жадвалда** банк рисклари билан боғлиқ жараёнларга ёндашувлар кўрсатилган:

2 –жадвал

Банк рисклари билан боғлиқ жараёнларга ёндашувлар

Банк рискларини таҳлил қилиш ва аниқлаш.	Риск миқдорини аниқлаш ва баҳолаш.	Банк рискларини бошқариш.	Банк рискларига муносабат натижалари.
Банк ахборот манбаларидан кредит рискларини ва улар ўртасидаги боғлиқ-ликларни ўрганиб чиқиш ҳамда уларни назорат қиладиган рискларга ажратиш керак.	Рискнинг миқдо-рий кўрсаткичини аниқлаш эхтимо-лий йўқотишлар миқдорини аниқ-лашга ва актив бошқариш инструментлари воситасида риск даражасини шаклланти-ришга имконият яратади.	Бошқариладиган рисклар ва уларнинг миқдори аниқланганидан кейин, кредит рискларини бошқа-риш методологияси ва стратегияси иш-лаб чиқилиши зарур.	Рискларни бошқа-риш бўйича тадбирлар натижалари на-зорат остида бўли-ши лозим.

Банк назорати бўйича Базел қўмитаси тижорат банклари капитали етарлигини таъминлаш муаммоси ҳамда улар томонидан иқтисодий меъёрларга риоя қилиниши устидан назоратни яхшилаш масалаларига бағишланган янги ёндашув «Капитални ўлчаш ва капитал стандартларининг халқаро конвергенцияси (**Базел 2 ни**) эълон қилди. Бу талаблар учта компонентга асосланади.¹⁵

1. Капитал етарлигига минимал талаб (кредит, оператсион ва бозор рискларининг баҳолаш жиҳатларини акс эттирувчи тижорат банклари капитали етарлигига минимал талаб). Бундан асосий мақсад, банк регулятив капиталининг мавжуд иқтисодий рискларга нисбатан таъсирчанлик даражасини янада аниқлаштиришдан иборат.

¹⁵ «Бозор, пул ва кредит» журналы, 2007йил, 9 сентябрь, 27-29 бетлар.

2. Назорат жараёнлари (жорий назорат). У банклар ва назорат органлари ўртасидаги алоқаларни янада яхшилашга урғу беради. Базел қўмитаси рискларни ҳисоблашда нафақат капиталга нисбатан минимал талабларга риоя қилинишини текшириш, балки тижорат банклари ва назорат органларининг таҳлил имкониятларини ривожлантириш, хусусан капитал этарлилигини ички баҳолаш методлари билан баҳолашда стресс-тестни йўлга қўйишни таклиф этади. Стресс-тест активларни баҳолашда юзага келадиган салбий ўзгаришларни аниқлаш имконини беради.


3. Бозор дастакларидан самарали фойдаланиш (бозор интизоми). Бу компонент юқоридаги иккита компонентни тўлдиради, шунингдек бозор интизомининг мустаҳкамланишига имкон яратади. Бунинг учун банклар томонидан ўз фаолиятига тааллуқли ахборотларни ошкор этишга бир қатор талаблар белгиланган.

Базел 2 талаблари капитални банклар фаолиятида юзага келадиган рисклар турларининг кенгайтирилган шкаласи бўйича ҳисоб-китоб қилишни таклиф этади. Яъни Базел қўмитаси таклиф қилинган риск турларини учта йирик тоифага ажратди: кредит rischi, бозор rischi ва операцион рискга. Бундан ташқари назорат функциялари рискларни тижорат банклари томонидан ички услуб асосида назорат қилиш, маълумотларнинг шаффофлиги ва бозор интизоми нуқтаи назаридан ўзгартирилди.

Базел қўмитаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган **кредит рискларини** қарздор ёки контрагент томонидан ўз мажбуриятларини келишилган шартларга мувофиқ бажара олмаслик эҳтимоли деб баҳолайди. Мажбуриятларни бажара олиш қобилияти қарздорнинг молиявий ҳолатига боғлиқ. Мижознинг кредит қобилиятини ва келажакда кредит бўйича фоиз тўловларини амалга ошириш қобилиятини баҳолаш учун банк мижознинг ахволи, хусусан ойлик пул оқимлари (даромад ва харажатлари) тўғрисида ахборотларини олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, банкларда кредит рисклари бўйича аниқ маълумотларнинг этарли эмаслиги банк активлари сифатини баҳолашда қийинчилик туғдиради, бу эса кутиладиган зарарларга қарши захираларни шакллантириш учун қўшимча маблағларга эҳтиёж уйғотади. Банк капитали эса кўзда тутилмаган зарарлар учун ҳимоя вазифасини ўтайди.

Базел қўмитаси **бозор рискини** бозор баҳоларининг тебранишига асосланган банк баланси ва балансдан ташқари моддалари бўйича йўқотиш rischi деб таърифлайди. **2–расмда бозор рискининг асосий 4 та тури кўрсатиб ўтилган:**



2-расм. Бозор rischi турлари.

Операцион rischiлар билан ишлаш усуллари ва даражаси турли банкларда риск даражаси ва тури, банк операцияларининг ҳажми ва турига боғлиқ равишда турлича бўлади. Аммо Базел-2 талабларида капиталга нисбатан талабни аниқлашда операцион rischiларни ўлчашнинг 3 та усули: база кўрсаткичлари асосида ёндашув, стандартлашган ёндашув, ривожлантирилган ёндашувни келтиради.

База кўрсаткичлари асосида ёндашувда банк операцион рискларни қоплаш учун охириги уч йилда ўртача йиллик ялпи ижобий фойданинг **15%** ига тенг капитални кўзда тутиши лозим. Капитални ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$K_{\text{БИЛ}} = [\sum (\text{ГИ}_{1...n} * \alpha)] / n$$

Бу эрда: $K_{\text{БИЛ}}$ - капиталга қўйилган талаб; ГИ - охириги уч йилда уртача йиллик ялпи ижобий фойда; n - йиллар миқдори (уч йил); α - 15% бу кўрстакич Базел кўмитаси томонидан белгиланган.

Стандартлашган ёндашувда бутун банк фаолияти 8 та йўналишга ажратилади: корпоратив молия, олди-сотди ва сотиш, чакана банк хизматлари, банкнинг тижорат операциялари, тўловлар ва ҳисоб-китоблар, агент хизматлари, активларни бошқариш ва чакана брокерлик операциялари. Хар бир йўналиш бўйича ялпи фойда мазкур йўналиш учун фоиз меъёрини аниқлашда асос бўлади. Ушбу фоиз меъёри рискларнинг хар бир йўналиш бўйича даражаси ва турига боғлиқ ҳолда 12 дан 18 фоизгача тебранади. Капитални ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$K_{\text{ТСА}} = \{ \sum_{\text{йиллар}1-3} \max [\sum (\text{ГИ}_{1-8} * \beta_{1-8}), 0] \} / 3$$

Бу эрда: $K_{\text{ТСА}}$ - капиталга қўйилган талаб; ГИ_{1-8} - хар йил учун 8 та йўналиш бўйича ўртача йиллик ялпи ижобий фойда; β_{1-8} - 12-18% бу кўрстакич Базел кўмитаси томонидан белгиланган.

Ривожлантирилган ёндашув операцион рискни қоплаш учун керак бўладиган капитал миқдорини ҳисоблашнинг хусусий усулига асосланади. Ушбу усулни маълум бир сифат ва миқдор андозаларига жавоб берадиган банклар ишлатиши мумкин. Банк раҳбарияти Марказий банкни операцион рискни баҳолаш тизими, маълумотлар жамлаш сифати, назорат механизмини шакллантирилганлигига ишонтириши лозим.

Операцион рискни тўғри бошқариш учун тижорат банкида тегишли кунлик назорат ва маълумотларни жамлаш жараёни ташкил этилган бўлиши даркор. Марказий банк тижорат банкларидан улар даражасига, рисклар миқдори ва турига, банклар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг мураккаблигига мос операцион рискларни баҳолаш ва бошқариш механизмини яратилишини талаб қилишга ҳақлидир. Бундан ташқари, Марказий банк тижорат банклари томонидан операцион рисклар бўйича қоида ва талабларга риоя этилиши юзасидан доимий ва алоҳида назоратни олиб бориши лозим.

Тижорат банклари ўз фаолиятлари билан боғлиқ бўлган рискларни бошқаларга нисбатан кўпроқ ўрганишлари талаб этилади. Чунки тижорат банклари ўз фаолияти билан бир томондан ўз акциядорлари олдида жавобгар булсалар, иккинчи томондан ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида мажбуриятга эгадирлар.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Риск ва унинг иқтисодий моҳияти деганда нимани тушунасиз ?
2. Банк rischi, унинг моҳияти, юзага келиш сабабларини келтиринг ва банк рискига қайси омиллар таъсир этади?
3. Банк рискларини бошқариш қандай усуллари мавжуд?
4. Ҳоиз rischi ва уни бошқаришда қарорлар қабул қилиш.
5. Операцион риск ва унинг юзага келиш сабаблари

Фойдаланилган адабиётлар

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

II. Махсус адабиётлар

1. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

2. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. /под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.– 319 с.

3. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

4. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.:Дашков и К, 2018. - 304 с.

5. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

6. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

7. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

8. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia , 2014. Book 1,2.

9. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.

10. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.

11. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.

12. Tay Vaughan. Multimedia: Making it Work.- USA: McGraw-Hill/Osborne Media, 2016.

13. Ray Bert Westerfield. Banking principles and practice. –UK: Nabu Press. 2014

III. Интернет ресурслари

14. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

15. www.edu.uz.-Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

16. www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.

17. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

18. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.

19. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.

20. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.

21. www.beri.com. (Business Environment Risk Intelligence)

22. www.cer.uz (Центр экономических исследований)

23. www.ebrd.com (The European Bank for Reconstruction and Development)

24. www.ecb.int (The European Central Bank)

25. www.forexite.com (Безопасный Форекс / Forexite)

26. www.gold.org (The World Gold Council)

27. www.imf.org (International Monetary Fund)

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамизда фаолият олиб бораётган тижорат банклари ва хорижий мамлакатлар банк тизими фаолиятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятида юзага келадиган рисклар, уларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқаришда мавжуд илғор усул ва методлардан келиб чиқиб қарор қабул қилишни ўргатишга асосланган. Машғулот давомида тингловчилар банк фаолиятида юзага келувчи рискларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, банкларда рискларини ва банкнинг риск бўлинмалари ходимларини рискларни инновацион бошқаришда самарали қарорлар қабул қила олиш кўникмаларини шакллантириш, турли инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда рискни ўлчаш ва бошқариш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш орқали рискнинг олдини олиш ва уни минималлаштиришга эришиш соҳасида амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 - амалий машғулот: Банк рисклари ва уларни самарали бошқариш усуллари

1.Амалий семинарда мавзуда кўриб чиқилган саволлар бўйича аудиторияда қисқача савол-жавоблар ўтказилади.

Дарс шакли бахс-мунозара ва кластер усули. Ишнинг мақсади тингловчиларда риск, банк рискнинг моҳияти, унинг иқтисодиётга таъсири, банк рискнинг юзага келиш сабаблари, уни олдиндан чамалаш, аниқлаш ва ўлчаш, банк рискларининг турларига эътибор қаратиш, хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Риск ва банк rischi тушунчаларининг моҳияти, банк фаолиятида рискларнинг муқаррарлиги, уларни аниқлашнинг объектив зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари

2. Банк рискларининг сабаблари ва уларнинг банк фаолиятига таъсирини аниқлаш имкониятилари

Назорат саволлари:риск, рискнинг пайдо бўлиши, банк rischi, банк rischi хусусиятлари, банк рискларини аниқлаш, рискларни чамалаш, рискни прогноз

қилиш, банк рискларининг турлари, банк рискларини таснифлаш, риск ва фойда

2. Гуруҳ бир неча кичик гуруҳларга ажратилади ва уларга мавзунини кенг ёритиш бўйича қуйидаги минимал мавзулар берилди ҳамда ҳар бир гуруҳдан белгиланган муддатда банк фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи риск турини изоҳлаш бўйича ўз қарашларини шакллантириб уни аудитория эътиборига ҳавола қилиш талаб этилади. Бунда:

Риск ва унинг иқтисодий таъсирини кластер усулида ўрганиш учун гуруҳларда:

1. Макродаражадаги рисклар;
2. Мездаражадаги рисклар;
3. Микродаражадаги рисклар таснифланади.

2-амалий машғулот: Банкларда рискларни бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва хориж тажрибаси (2 соат)

1. Кредит rischi моҳияти ва уни бошқариш усуллари.

Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд рискларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит рисклари, уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Кредит rischi деб, қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги яъни кредит суммасининг (қисман ёки тўлиқ) ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги тушунилади. Шунинг учун кредит рискларини аниқлаш ва бошқариш ҳар қандай тижорат банкнинг ривожланиш ва тараққий этиш мақсадига эришиш учун ишлатиладиган кураш усуллариининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Кредит рискларининг банклар учун долзарб муаммолиги шундаки, кредит rischi мавжуд бўлган ҳолда кредитор(банк)да қарз олувчи томонидан кредит шартнома шартларини, унинг ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда бажара олиш имкониятига ишончсизлик ҳосил бўлади. Маълумки, банк амалиётида фойда миқдори берилган кредитлар бўйича олинган фоизлардан ташкил топади. Қарз олувчи томонидан олинган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг ёки кредитнинг асосий суммасининг ўз вақтида тўланмаслиги, ёки умуман тўланмаслиги банк фойдасининг камайиши оқибатида банкнинг келажакдаги маблағлари салмоғининг тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун кредиторлар улар берган маблағларнинг қайтиши билан боғлиқ рискларни камайтиришга ҳаракат қиладилар.

Қарз олувчи фаолиятида мавжуд рисклар даражасини кредитор кредит бергунга қадар, кейинчалик кредит бергандан кейин, ундан фойдаланиш давомида аниқлаш мумкин. Riskни минималлаштириш мақсадида кредитор кредит беришдан олдин riskни аниқлашга ҳаракат қилади.

Базел 2 талаблари 1988 йилда эълон қилинган “Капитални баҳолашнинг халқаро бир хиллаштириш (конвергенсия) ва стандартлар” (Базел 1) ни такомиллаштириш орқали тегишли методологияни ишлаб чиқиш, халқаро банк тизимини ишончлилиги ва барқарорлигини таъминлашни мақсад қилиб қўйган. Базел 2 талаблари капитални банклар фаолиятида юзага келадиган рисклар турларининг кенгайтирилган шкаласи бўйича ҳисоб-китоб қилишни таклиф этди. Яъни Базел қўмитаси таклиф қилинган риск турларини учта йирик тоифага ажратди: кредит rischi, бозор rischi, операцион риск. Бундан ташқари, назорат функциялари рискларни тижорат банклари томонидан ички услуб асосида назорат қилиш, маълумотларнинг шаффофлиги ва бозор интизоми нуқтаи назаридан ўзгартирилди. Бу эса Базел 2 нинг муҳим афзалликларидан ҳисобланади.

Базел қўмитаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган **кредит рискларини** қарздор ёки контрагент томонидан ўз мажбуриятларини келишилган шартларга мувофиқ бажара олмаслик эҳтимоли деб баҳолайди. Мажбуриятларни бажара олши қобилияти қарздорнинг молиявий ҳолати (кредит қобилияти) га боғлиқ. Мижознинг кредит қобилиятини ва келажакда кредит бўйича фоиз тўловларини амалга ошириш қобилиятини баҳолаш учун банк мижознинг аҳволи, хусусан ойлик пул оқимлари (даромад ва харажатларини) тўғрисида ахборотларини олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, банкларда кредит рисклари бўйича аниқ маълумотларнинг этарли эмаслиги банк активлари сифатини баҳолашда қийинчилик туғдиради, бу эса кутиладиган зарарларга қарши захираларни шакллантириш учун қўшимча маблағларга эҳтиёж уйғотади. Банк капитали эса кўзда тутилмаган зарарлар учун ҳимоя вазифасини ўтайди.

Базел қўмитаси **бозор рискини** бозор баҳоларининг тебранишига асосланган банк баланси ва баланسدан ташқари моддалари бўйича йўқотиш rischi деб таърифлайди. Бозор рискининг асосий 4 та тури мавжуд:

- Фоиз rischi, мисол учун, банк қатъий белгилаган муддатли фоизли облигатсиялар сотиб олинганда, мазкур облигатсияларнинг бозордаги фоиз ставкасининг ўзгариши, облигатсиянинг бозор қийматига таъсир кўрсатади.

- Валюта rischi, мисол учун, банк томонидан хорижий валютадаги кредитлар берилганда, ички бозорда миллий валюта қийматининг ошиши кредит қийматининг пасайишига олиб келади.

- Аксиядор rischi, мисол учун, банк томонидан компания аксиялари сотиб олинганда, ушбу аксия қийматларининг фонд биржаларида пасайиши банкка зарар келтиради.

- Товар rischi, мисол учун, банк томонидан қимматбаҳо металл (олтин) сотиб олинганда, товар биржаларидаги олтин нархининг пасайиши банкка зарар келтиради.

Базел қўмитаси **операцион рискни** ички жараёнлар ва тизимларнинг номувофиқлиги, ходимларнинг масъулиятсизлиги ёки бошқа ташқи омиллар ҳисобига юзага келадиган хавф-хатар деб баҳолайди. Мазкур тушунча банк ва

унинг ходимлари томонидан қонунчиликка, ахлоқий меъёрларга, шартнома мажбуриятларига риоя этмаслик ҳамда суд жараёнининг кўзғатилиши туфайли юзага келадиган ҳуқуқий рискни ҳам кўзда тутати. Операцион риск турлари куйидагилардан иборат:

-Ички бўхтон ва фирибгарлик, яъни дилерлар томонидан банк ҳолати бўйича нотўғри маълумотларнинг берилиши, ходимлар томонидан амалга оширилган ўғирликлар, ходимларга берилган пора эвазига кредит ҳужжатларини сохталаштириш ва бошқалар.

-Ташқи бўхтон ва фирибгарлик, яъни ҳужжатларни ўғирлаш ва сохталаштириш, компьютер алоқаларига рухсатсиз кириш, кредит олиш учун нотўғри маълумотлар тақдим этиш.

-Мижозлар, хизматлар ва бизнес юритиш стандартларига оид маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва ҳисобварақлардан фойдаланган ҳолда фирибгарлик.

-Моддий активларга зарар этказиш, яъни кўпоровчилик, терроризм, эр кимирлаши ва бошқа табиий офатлар.

-Ишдаги, ахборот ва алоқа тизимидаги хатолик ва узилишлар, яъни техниканинг ишламай қолиши, телекоммуникатсия муаммолари ва дастурдаги узилишлар.

-Ҳужжатларни расмийлаштириш, операциялар ўтказиш ва жараёнларни бошқариш, яъни маълумотларни киритишдаги хатоликлар, ҳуқуқий ҳужжатларнинг этишмаслиги, кредит таъминотида тегишли хатоликлар ва бошқалар.

Кредит рисклари таркибига куйидаги рискларни киритиш мумкин:

1. Кредитни ўз вақтида қайтармаслик билан боғлиқ риск. Бу риск қарз олувчининг кредит шартномасининг шартларини бажармаслиги:

2. Ликвидлик rischi (тўловларнинг муддатида ўтказмаслик), бу риск кредитни ва фоизларни муддатида қайтара олмаслик натижасида банк ликвид маблағларининг камайишига олиб келиши билан боғлиқ.

3. Кредитни таъминлаш билан боғлиқ риск, бу рискни алоҳида кўриб бўлмайди, балки бу кредитни қайтармаслик билан боғлиқ бўлган риск билан биргаликда ўрганилади. Бу риск тури кредит учун кўйилган гаровни сотишдан тушган маблағ ажратилган кредитни қоплаш учун етарли эмаслиги билан боғлиқдир, натижада банк ўз талабини тўла қондира олмайди.

4. Қарз олувчининг ишбилармонлиги билан боғлиқ рисклар. Бу риск корхонанинг иш фаолияти билан боғлиқ бўлиб (сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш), аммо бошқа рисклардан фарqli ўларок бу рискка корхона раҳбаридан боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир кўрсатади, масалан тармокнинг ривожланиши ва конъюктураси. Бу рискнинг хажмини инвестицион дастур ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот тури ва сифати белгилайди.

5. Капиталнинг таркибий қисми билан боғлиқ рисклар. Бу рисклар пассивларнинг таркибий қисми ва ишбилармонлик rischi билан боғлиқ.

Банк кредит рискининг даражаси куйидаги омилларга боғлиқ:

- банк кредит фаолиятининг маълум бир соҳада марказлашуви даражаси;

- ўзига хос маълум кийинчиликларни бошидан кечираётган мижозларга кредит ва бошқа банк хизматларининг канча тугри келиши;
- кам ўрганилган, янги, ноанъанавий сохаларда банк фаолиятининг марказлашуви;
- кредит бериш, қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш бўйича банк сиёсатига хусусий ва жиддий ўзгаришлар киритиш;
- янги ва яқинда жалб қилинган мижозлар бўйича фоизи;
- қисқа вақт ичида амалиётга жуда кўп хизматларнинг киргизилиши (у вақтда банкда салбий талаблар кўпайиши мумкин);
- бозорда сотилиши қийин бўлган қимматликларни ёки қиймати тез тушадиган нарсаларни гаров сифатида қабул қилиб олиш ва бошқалар.

Кредит рискларини баҳолашнинг беш асосий ўлчови мавжуд:

а) Репутация. Мазкур жараён шахсий муомала, ҳам шахсий, ҳам иш бўйича тажрибасидан иборат бўлиши керак (кредитор, махсулот этиштириб берувчилар ва мижозларни текшириш).

б) Имкониятлар. қарз олувчининг узининг барча операциялари бўйича (ўзининг бутун фаолияти давомида қарз олувчининг олган пуллари) ёки аниқ лойиха бўйича маблағ олиш қобилияти ва пул воситаларини бошқариш қобилияти (бу аввалги лойихалардан маълум бўлиши керак).

в) Капитал. қарз олувчининг капитал базаси ва кредит суралган лойиха учун ўзининг маблағларини сарфлашга доир қатъийлиги, қарз олувчи лойиха хавфи масъулиятини кредит берувчи банк билан бирга ўз зиммасига олиши, ўзининг ҳиссадорлик капиталининг қабул қилиниши мумкин бўлган қисмини такдим этиб, ўзига тегишли бўлган мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак.

г) Шарт-шароитлар. Маҳаллий, худудий ва умуммиллий иктисодиётнинг жорий аҳволи ва тавсифи, шунингдек қарз олувчи хўжалигининг сохалари.

д) Гаров. Кредитни гаров ёки кафиллик шаклида ишончли таъминлаш бошқа томондан кучсизликларни юзга чиқариши билан бирга яхши бир коида бор: факат гаров ва кафиллик асосида кредит беринг, бу сизни рискдан ҳимоя қилади. Банклар одатда кредит сифати бўйича ўзларининг хусусий рейтинг тизимларини ишлаб чиқади, айримлари оддий схемалардан фойдаланадилар, бошқалари мураккаб ва бўлиниб кетган, ҳамма нарсани ўз ичига оладиган схемаларни ишга солади. Шундай бўлса ҳам мақсад доим бир бўлиши керак: кредит беришда ҳам, унинг баҳосини белгилашда ҳам банкнинг кредит бўлими учун қарор қабул қилиш жараёнини енгиллаштиради. Одатда бу нарса риск тоифаларини рақамлар ёки харфлар билан аташ, уларни классификация қилиш йўли билан амалга оширилади:

- Кредит рискларини юзага келтирувчи омиллар энг аввало банк томонидан аниқ кредит сиёсатининг ишлаб чиқилмаганлиги.

- Кредит сиёсатининг керагидан ортик агрессив ташкил қилинганлиги (кредитларнинг активлардаги улуши 65 % дан ортик булганда).

- Тармоқлар ва операциялар бўйича диверсификациянинг тўғри ташкил қилинмаганлиги.

- Бланк (ишонч асосидаги) кредитларнинг кредит портфелидаги улушининг кўплиги.

- Инсайдерлар билан шартномалар ҳажмининг кўплиги.

- Банк мутахасисларининг юридик жихатдан етарли тажрибага эга бўлмаганликлари

- Олинаётган гаровларнинг тўғри танланмаслиги. Бу бўйича ҳам юрист хулосасини олиш ўта муҳимдир. Бугунги кунда кредит фақат гаров ёки кафолат хати асосида бериш мумкин. Лекин гаровни реализация қилиш бўйича етарли механизм йўқлиги бу нарсанинг янада рискинни оширади.

- Кредит талаби билан келган мижозлар ҳақида маълумотларнинг йўқлига ёки уларни йиғишнинг қийинчиликлари ҳам мавжуддир.

- Кредит олган мижоз корхоналарда (айниқса илгаридан фаолият курсатиб келувчи корхоналарда) раҳбарларнинг тез тез алмашиб туриши ҳам ўзига яраша riskли ҳолатларни юзага келтирмоқда.

- Бундан ташқари кредит портфелининг катта қисмини бир тармоқ ка тегишли мижозлар томонидан эгаллаб олиши ҳолатлари.

- Молиявий ҳужжатлар таҳлилига юзаки ёндашиш.

- Мижоз талаб қилган маблагнинг тўлиқ асосланганлигини аниқлашда қўйилган хатоликлар.

- Кредит ҳужжатлари билан шуғулланувчи мутахасиснинг етарли малакага эга бўлмай қолиши (Хозирги шароитда қоида ва талабларнинг тез ўзгариб туришида бўлиши мумкин).

- Илгаридан тажрибаси бўлмаган фаолиятни бошлаган мижозларга кредит бериш.

- Янги ташкил этилган мижозларнинг кредит портфелидаги улуши.

- Таъминотларнинг етарли бўлмаслиги (гаров баҳосининг ассосиз равишда юқори бўлиши).

- Ҳужжатларни тайёрлашда йўл қўйилган хатоликлар (банк манфаатларини етарли ҳимоя қилинмаслиги).

- Берилган кредит бўйича муддат аниқлашда хатоликларга йўл қўйиш.

- Қарзнинг сўндирилиш даврида етарли назоратнинг бўлмаслиги.

Юкоридаги баён қилинган барча вазифалар хозирги кунда республикамизда мавжуд булган барча тижорат банклари учун долзарб, бирламчи вазифалар бўлиб ҳисобланади.

Кредит рискининг юзага келишига қуйидаги ҳоллар:

а) турли хил макро ва микроиқтисодий омиллар, иқтисодий қонунчилик ва меъёрлардаги ўзгаришлар;

б) қарз олувчи ўз фаолиятида бўладиган иқтисодий ва сиёсий муҳитдаги ўзгаришлар, салбий ҳоллар туфайли олинган кредитни тўлашга мос пул оқимини ташкил қила олмаслиги;

в) кредитнинг таъминланганлиги учун олинган гаровнинг қиймати ва сифати бўйича тўлиқ ишончнинг йўқлиги;

г) юқори билимга эга бўлган банк ходимлар

д) қарз олувчи субъектнинг маҳаллий ёки давлат миқёсида обрўсининг тушиб кетиши, унинг ишчанлик фаолиятида юзага келган ўзгаришлар ва бошқа сабаблар бўлиши мумкин.

Банклар ва банкирлар бошқа кредиторларга нисбатан рискдан кўп ҳимояланувчи ёки қочувчи бўлишлиги керак. Бунинг сабаби шундаки, банк бошқа кредиторларга нисбатан ўз маблағи билан эмас, балки жалб қилинган маблағлар, яъни жисмоний, ҳуқуқий шахсларнинг вақтинча банкда турган маблағлари билан ишлайдилар. Банкнинг кредит бериш қобилияти у жалб қилган ресурсларга боғлиқ бўлади. Банк ўз навбатида бу жалб қилинган маблағларни талаб қилинган вақтда миқдорга қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Кредит рискнинг юқори бўлиши банк томонидан пул бозорига мурожаат қилиш ва унинг маблағларидан фойдаланишда эҳтиёткор бўлишга даъват қилади. Кредит рискларини таҳлил қилиш нафақат қарз олувчининг молиявий ҳолатини ўрганиш, шунингдек банкнинг ички фаолиятини яхшилаш учун зарур ахборотлар йиғиш имкониятини яратади. Кредитларни риск бўйича жиҳатларга бўлиш, уларни минималлаштириш йўллари ишлаб чиқиш, банк манфаатларини ҳимоя қилиш кредит рискларини камайтиришга асос бўлиши мумкин. Кредит рискларнинг вужудга келишининг асосий сабаблари кредитларнинг бир соҳа, бир тармоққа кўп ажратилиши, бир қарздорга тўғри келувчи рискка риоя қилмаслик туфайли ҳам бўлиши мумкин. Кредитларни риск даражаси бўйича бўлиш кредит қўйилмаларнинг қайси (қанча) миқдори нормал риск ёки юқорида риск зонасида эканлигини кўрсатиш мумкин. Кредит rischi ликвидлилик рискига ва банкнинг тўловга ноқобиллиги рискига, шунингдек банкнинг маъмурий-хўжалик ҳаражатларини қоплай олмаслиги билан боғлиқ рискларга олиб келиши мумкин, фоиз ставкаси rischi ўзича мустақил бўлсада, у кредит rischi ва бошқа барча рисклар занжирини чуқурлаштириб бориши мумкин.

Тижорат банкларимизнинг долзарб муаммоларидан бири баланс маълумотлари ва кредит портфелининг таҳлили асосида кредит рискларини бошқариш ҳисобланади. Кредитларни риск синфларига гуруҳлаш, уларни таҳлил қилиш, уларни минималлаштириш ва банк манфаатини ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқиш кредит рискларини камайтиради. Ишлаб чиқишда пасайиш бўлаётган корхона ва тармоқларда кредитнинг тўпланишидан воз кечиш, шунингдек, «ҳамма тухумни бир саватга солмаслик керак», деган донишмандларнинг нақлига амал қилган ҳолда бир қарз олувчига тўғри келувчи

рискнинг максимал миқдорига риоя қилиш кредит рискинни энгиллаштиришга имкон беради.

Банк рискларини баҳолашнинг статистик-эксперт усули кўрилиши мумкин бўлган зарарлар эҳтимолини иккита мезон ёрдамида баҳолашга асосланган:

1. Кутилаётган ўртача қиймат.
2. эҳтимол қилинган натижанинг ўзгарувчанлиги.

Кутилаётган ўртача қиймат тушунчаси вазиятнинг ноаниқлиги билан боғлиқ бўлиб, эришилиши мумкин бўлган барча натижаларнинг ўртача қийматидан иборат ва бунда ҳар бир натижанинг эҳтимолидан тегишли қийматнинг тез такрорланиши ёки салмоқ сифатида фойдаланилади. Ушбу кўрсаткич биз кутаётган ўртача натижани ўлчайди.

Дискрет тасодифий миқдор дисперсиясини ҳисоблаб чиқишни иккитадан ортиқ муқобил натижа мавжуд бўлганида ҳам муваффақиятли қўллаш мумкин. Лекин ҳисоблашни соддалаштириш мақсадида бўлажак зарарлар даражасининг фақат иккита қийматидан минимал ва максимал қийматдан фойдаланиш мумкин. Бунда қийматларнинг эҳтимоллиги бир хил бўлгани ҳолда улар ўртасидаги оралиқ қанча катта бўлса, риск даражаси шунча юқори бўлади.

Ўртача миқдор — мавжуд миқдорларга сон жиҳатдан ўртача таъриф беради ва бирор бир қўйилган капитал тамонига ёки фойдасига ёндашишга йўл қўймайди. Бу соҳада аниқ қарор қабул қилишдан олдин кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлик, аниқроғи олинадиган натижанинг ўзгарувчанлик даражасини аниқлаб олиш лозим. Олиниши мумкин бўлган натижаларнинг ўзгарувчанлик даражаси кутилаётган натижанинг ўртача миқдоридан қай даражада фарқ қилишини кўрсатади. Буни аниқлаш мақсадида олинаётган икки хил математик мезон қўлланилади. Булар дисперсия ва ўртача квадратик фарқланишдир.

Вариация коэффиценти бўйича фарқланиш даражасининг кам ёки кўп бўлиши банк амалга оширадиган операциялар бўйича риск даражасининг паст ёки юқори бўлишини кўрсатади. Яъни банкнинг операциялари бўйича риск даражаси вариация коэффицентига тўғри пропорционал. Шунинг учун банк фаолияти давомида рискни камайтириш ва банк ликвидлигини ошириш мақсадида банк маблағларини фарқланиши энг кам бўлган вариант (операция)га қўйиш банк учун фойдали ҳисобланади.

Банк рискларини баҳолашнинг яна бир усули таҳлилий (комплекс) усул бўлиб, бу усул ўйинлар назарияси унсурларининг қўлланишига асосланади. У банк ўзининг ҳам, унинг атрофидаги контрагентларнинг ҳам амалга ошириши мумкин бўлган ҳамма муқобил ҳаракатларини кўриб чиқишни тақозо этади. Ўйинлар назарияси унсурларидан фойдаланган ҳолда вазифаларни ҳал қилиш жараёни жуда катта бўлиб, кўп вақт сарфлашни талаб қилади. Шу сабабли бу усулни қўллаш ҳозиргача иқтисодий жиҳатдан мақсадга унчалик мувофиқ бўлмаслиги мумкин.

Юқоридаги усуллардан ташқари кўриладиган тахминий зарарлар даражасига қараб заҳира ва суғурта фондларини шакллантириш зарурияти бутун банк бўйича жами рисклар баҳолашини талаб қилади. Бу ўринда банк бўйича

йўл қўйилиши мумкин бўлган риск даражасини белгилаш ҳаммадан кўра қулайроқ. Бу кўрсаткич риск коэффициенти асосида чиқарилади.

K_p (риск коэффициенти) = (Максимал зарарлар) / (ўз маблағлари)

$$K_{ум} p = \{(P_1 + P_2 + P_3 + \dots + P_n) / c\} * E,$$

бунда:

$K_{ум}$ - банк бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган риск даражаси;

P - шу банкнинг барча операциялари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар;

c - банкнинг ўз маблағлари ;

E - банк ташқи рискларининг меъёрий коэффициенти.

Халқаро амалиётда ташқи рискларни таҳлил қилишнинг икки босқичлик тизими вужудга келган. Биринчи босқичда мамлакатдаги умумий иқтисодий вазият таҳлил қилинади, иккинчи босқичда мамлакатдаги рискнинг умумий даражаси қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

- ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиши;
- аҳоли жон бошига ЯИМ нинг ўсиши;
- инфляция даражаси; ишсизлик даражаси;
- давлат бюджетининг тақчиллиги;
- инвестицияларнинг самарадорлиги;
- иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги;
- савдо ва тўлов баланслари; сиёсий хатарнинг катталиги ва ҳ. к.

Мамлакатдаги рискларни таҳлил қилганда жаҳондаги кўпгина этакчи мамлакатларнинг статистика хизматлари махсус эълон қиладиган айрим кўрсаткичлар бўйича эксперт баҳолари ва рейтингларидан ҳам фойдаланилади. Банк рискларини таҳлил қилишнинг уччала усули ўзаро умумий асос билан бирлаштирилган, улар эҳтимоллик назарияси қоидаларига асосланади. Уларнинг асосий фарқи мураккаблик даражасидир. Энг оддий усул статистик усул бўлиб, энг кенг қамровлиги тахминий усулдир. Таҳлил қилишнинг у ёки бу усулини танлаб олиш вақтида банклар зарур ахборотни топишнинг осонлик даражаси, тўпланган маълумотларни қайта ишлашнинг оддийлиги ва тезлиги, олинган таҳлил натижаларининг аниқлик даражаси, таҳлилни амалга ошириш учун қилинадиган молиявий харажатлар миқдори ва уларнинг асослилиги, кадрларнинг касбий тайёрланганлик даражаси ва бошқа мезонларга амал қиладилар.

Ана шунга асосланиб, ҳозирги шароитда тижорат банклари учун энг мақбули банк рискларини эксперт йўли билан баҳолаш усулидир. Гарчи ҳозирги вақтгача мамлакатимизнинг тижорат банклари қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлигини рейтинг усулидан фойдаланиб аниқлаб келаётган бўлса-да, рискни баҳолашнинг юқорида келтирилган усуллари қўллаш уни минималлаштириш имкониятини янада кенгайтиради.

Ўзбекистон иқтисодиётида бозор ўзгаришлари тобора чуқурлашиб бораётганлиги ва банк секторида рақобат кескинлашаётганлиги муносабати билан эртами кечми тижорат банклари рискнинг турли кўринишлари даражаларини ҳар томонлама баҳолаш масалалари билан бевосита шуғулланишга мажбур бўладилар. Шунинг учун этук мутахассис кадрларга эга бўлган тижорат банклари хўжалик субъектларига кредит беришда қисқа муддатли кредитлаш қодаларига асосан корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини аниқлаганлари билан бир қаторда бериладиган кредит бўйича юқоридаги йўл билан амалга оширилиши мўлжалланаётган тадбирнинг рисклилиқ даражасини ҳам аниқлаб кредитлаш жараёнини амалга оширишса, банкларга анча фойдали бўлади.

Тижорат банкнинг кредит рискларини бошқариш жараёнида бир нечта умумий характерловчи босқичларни ажратиш мумкин. Булар:

- банкнинг кредит сиёсатининг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш;
- маъмурий эчимларни қабул қилиш тизимини ва кредит рискини бошқариш маъмурий таркибини ташкил этиш;
- қарздорнинг молиявий ҳолатни таҳлил қилиш;
- кредит шартномасини ишлаб чиқиш ва имзолаш;
- кредитларнинг қайтарилмаслик рискини таҳлил қилиш;
- барча ссудалар портфели бўйича қарздорнинг кредит мониторингини йўлга қўйиш ва узлуклаштириш;
- муддати ўтган ва шубҳали кредитларни қайтариш ва гаровни сотиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Кредит рискини бошқариш учун банк ходими ссудалар портфелининг сифатли таркиби ва тузилиши устидан доимо назорат олиб бориши керак. «Фойдалилик-риск» мунозараси доирасида банк ходими ўзини ортиқча рисклардан сақлаган ҳолда фойда нормасини чеклашга мажбур. У рискни бўлиб-бўлиб қўйиш сиёсатини олиб бориш, ҳамда кредитларни бир нечта йирик қарздорларда тўпланишига йўл қўймаслиги керак. Акс ҳолда, қарздорлардан бирининг кредитни тўлай олмаслиги банкнинг молиявий аҳволини қийинлаштириши мумкин.

Кредит rischi ликвидлилиқ рискига ва банкнинг тўловга ноқобиллиги рискига, шунингдек банкнинг маъмурий-хўжалик ҳаражатларини қоплай олмаслиги билан боғлиқ рискларга олиб келиши мумкин, фоиз ставкаси rischi ўзича мустақил бўлсада, у кредит rischi ва бошқа барча рисклар занжирини чуқурлаштириб бориши мумкин.

Тижорат банкларимизнинг долзарб муаммоларидан бири баланс маълумотлари ва кредит портфелининг таҳлили асосида кредит рискларини бошқариш ҳисобланади. Кредитларни риск синфларига гуруҳлаш, уларни таҳлил қилиш, уларни минималлаштириш ва банк манфаатини ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқиш кредит рискларини камайтиради. Кредитлар бўйича зарарларни қоплаш учун ташкил қилинадиган резерв фондлари кредит рискларининг ўзига хос амортизатори бўлиб хизмат қилади.

Биз ҳалқаро банк амалиётида ва маҳаллий банк амалиётида кредитлаш жараёнини таҳлил қилиб, тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг рисклилик даражасини аниқлаш учун баъзи бир кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишни мақсадга мувофиқ бўлади ва улар кредит рискларининг олдини олиш имкониятини туғдиради деган таклифни бермоқчи эдик. Кредит рискларини баҳолашни тезкорлик усули билан ҳар томонлама кенгайтирилган таҳлил асосида олиб бориш лозим. Ҳозирги кунда тижорат банкларимиз фаолиятида қўлланилаётган 3-4 коэффитсент асосида кредитга лаёқатлиликини аниқлаш мижоз оладиган кредит бўйича риск даражасини бизнинг назаримизда тўлиқ ифода қила олмайди.

Кредит рискининг даражасини аниқлашдаги муҳим кўрсаткичлардан бири бу корхонанинг молиявий жиҳатдан мустақиллигини ифодаловчи коэффитсентдир.

Мухторлик коэффитсенти ҳиссадорларнинг, аксия эгаларининг ва кредиторларнинг манфаатларини ва шу билан бирга молиявий маблағларнинг таркибини ҳам ифодалайди, яъни четдан жалб қилинган капитал билан ўз маблағлари таъминланганлигининг нисбий даражасини кўрсатади. Бу кўрсаткич депрессия даврида корхоналарни катта йўқотишларидан сақлайди ва кредит олиш учун кафолат ҳисобланади. Бу кўрсаткич орқали корхонанинг молиявий аҳволига баҳо бериш мумкин.

Абсолют ликвидлилик коэффитсенти қарздорлик бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлайди, ишлаб чиқарувчининг ҳаракатдаги активлар даражасини ўзида ифода этади. Абсолют ликвидлик коэффитсентининг энг мукамал кўриниши бу ликвидлик коэффитсенти бўлиб, у юқори ва ўрта ликвидлик маблағлар суммаси билан қисқа муддатли қарздорлик ўртасидаги нисбатни ифодалайди.

Тижорат банкларда муаммоли кредитларнинг пайдо бўлишига асосан банкка боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир қилади.

Америка тижорат банклари корхоналарнинг, қарздорларнинг банкрот бўлишига қуйидаги омиллар таъсир қилишини кўрсатиб ўтган:

1.Бошқарув тизимининг яхши ташкил этилмагани – агар компания, фирмаларда бошқарув яхши йўлга қуйилмаса, у ҳолда баанкрот ҳолатларига юз тутиши мумкин.

2.Фирмаларда бирламчи капиталнинг тўғри шаклланмагани - купчилик компанияларда бирламчи капиталнинг этарли эмаслиги каби муаммоларга дуч келмоқда. Бунинг асосий сабаби умумий бизнес қийматини туғри баҳолай олмаганлигидадир.

3.Ишлаб чиқариш ҳажмининг юқорилиги – агар компания кўп миқдорда товар ишлаб чиқараверса, аммо талаб бўлмаса, у ҳолда риск юқори бўлади, яъни товарларнинг ўз вақтида сотилмаслиги банкротлик ҳолатига олиб келади.

4.Рақобат – янги компанияларнинг ташкил этилиши ва бозорга кириб бориши рақобат муҳитини шаклланаётганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай корхона авваламбор бозорни ҳар томонлама ўрганиб чиқиши керак.

5. Иқтисодий ҳолатлар – иқтисодиёт яхши ривожланмаган мамлакатларда компанияларнинг ривожланиши ҳам қийин кечади.

Халқаро амалиётда банк фаолиятида кредит рискларини баҳолаш учун бир қанча меъёрлар қўйилган. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Битта қарздор учун риск даражасининг максимал қиймати:

$$K = (\text{Битта қарздорнинг кредитлар бўйича мажбуриятларининг йиғиндиси}) / (\text{Банк капитали}) * 100\%$$

Бу кўрсаткичнинг қиймати 25 % дан ошмаслиги керак.

2. Йирик кредитлар меъёри:

$$K = (\text{Йирик кредитлар йиғиндисининг миқдори}) / (\text{Банк капитали}) * 100\%$$

Бу кўрсаткичнинг қиймати ўз капиталининг 8 баробаридан катта бўлмаслиги керак.

1. Халқаро кредитларнинг максимал миқдори:

$$K = (\text{Банк томонидан берилган халқаро кредитларнинг умумий суммаси}) / (\text{Банк капитали}) * 100\%$$


Бу кўрсаткичнинг максимал қиймати 200 % га тенг.

Бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда кредит рискларини бошқариш бўйича бир қанча муаммолар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

- Кредит сиёсатининг яхши ишлаб чиқилмагани
- Кредитлаш тармоғини тўғри таҳлил қила олмаганлиги
- Қарздорни этарли даражада урганиб чиқмагани
- Мижоз билан мулоқотнинг камлиги
- Қарзлар устидан назоратнинг камлиги
- Қарздорнинг хужжатлари устидан назоратнинг камлиги
- Кредитни расмийлаштириш бўйича хужжатларнинг этарли эмаслиги
- Кредитлар бўйича зарарларни қоплаш борасида резервларнинг тўғри шаклланмаганлиги.

Кредит рискинни бошқариш чизилмаси қуйидагидан иборат:

Кредит рискинни бошқариш тузилмаси.



Тижорат банкларида кредит рискларини бошқаришда қуйидагиларга эътибор бериши керак:

- Банк кредит сиёсатининг яхши ишлаб чиқилиши
- Кредит рискларини бошқариш бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш
- Кредитнинг қайтарилмаслиги бўйича рискларни таҳлил қилиш
- Ҳар бир қарздор устидан кредит мониторингини олиб бориш
- Муддати узайтирилган ва муаммоли кредитлар устидан чора – тадбирлар олиб бориш.

Баланс активлари таваккалчилик даражаси бўйича 0, 20, 50, 100 фоизли тўрт гуруҳга бўлинади. Ҳар хил тоифали активлар нисбий таваккалчилиги ўз зиммасига мажбуриятларни қабул қилган шахс тури ва гаров ёки кафолат тавсифига боғлиқ. Масалан, нақд пул 0 фоизли таваккалчилик даражасига эга бўлса, тижорат кредитлари 100 фоизли таваккалчилик тоифасига киради. Бу тижорат кредитлари капиталнинг муайян суммаси билан тўлиқ таъминланган бўлиши кераклигини англатади.

Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммаси ҳар бир актив баланс суммасини унга тегишли таваккалчилик миқдорига кўпайтириш ва таваккалчилик бўйича аниқланган активлар йиғиндиси орқали топилади. Қуйида банк активлари тоифаларининг таърифи келтирилган.

Таваккалчиликдан ҳолис бўлган активлар (таваккалчилик коэффициенти — 0 фоиз) Қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) банкда ва унинг филиалларида нақд пул кўринишида сақланаётган миллий ва чет эл валютаси (жумладан, йўлдаги нақд пуллар ва банк омборларида ёки Марказий банк омборларида сақланаётган олтин қўймалар);

б) Марказий банк ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги вакиллик ва захира ҳисоб варақларида сақланаётган маблағлар;

в) Ҳукумат ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўғридан-тўғри талаблар ва бу эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар;

г) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек, бу мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банкларига қўйиладиган бошқа талаблар;

д) активлар ёки уларнинг Ўзбекистон Республикаси ва ИХТТга кирувчи мамлакатлар миллий валюталарига деноминатсия қилиниб, нақд пул билан таъминланган ҳамда банкда алоҳида чеклаб қўйилган депозит ҳисобрақамда сақланаётган қисми.

е) гудвилл қўшиб олинган номоддий активлар, бирлашмаган муассасалар капиталига инвестициялар.

Энг кам таваккалчилик даражасига эга активлар (таваккалчилик коэффициенти — 20 фоиз) қуйидагилардан иборат:

а) ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтларига нисбатан талаблар, шу жумладан, Қарзлар ва пул бозори воситалари;

б) ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтлари кредитлари билан таъминланган бошқа барча активлар. ИХТТ давлатлари депозитар институтларининг капитали бўлган Қимматли Қоғозлар юқори таваккалчилик даражасига (100 фоиз) эга активлар қаторига киради;

в) банкнинг ИХТТ давлатлари маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари, шунингдек, улар томонидан кафолатланган банк активлари. Бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар алоҳида лойиҳалар бўйича тушумлардан эмас, балки юқорида кўрсатилган ташкилотлар бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Кредит шартномасининг ҳужжатлар билан расмийлаштирилиш тартиби.



г) банкнинг Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро кредит ташкилотларига нисбатан талаблари, шунингдек, бу ташкилотлар томонидан кафолатланган банк активлари;

д) жорий бозор қийматида баҳоланган ва Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро кредит ташкилотлари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар ва уларнинг қисмлари;

е) банкнинг ИХТТга аъзо бўлмаган мамлакатларнинг миллий валюталарига деноминация қилинган ва миллий валютадаги мажбуриятлар билан қопланган, ИХТТга аъзо бўлмаган давлатлар Марказий Хукуматлари ва марказий банкларига нисбатан талаблари. Миллий валютага деноминация

қилинмаган ва миллий валютада молиялаштириш суммасидан ошиб кетган активлар қисми таваккалчилик даражаси юқори (100 фоиз) бўлган активлар қаторига киритилади. Гудвилл қўшиб олинган номоддий активлар ҳамда шунингдек, бирлашмаган муассасалар капиталига инвестициялар.

ж) жорий бозор қийматида баҳоланган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ИХТТга кирувчи давлатлар Марказий Ҳукуматлари томонидан эмиссия қилинган ёки кафолатланган қимматли қоғозлар кўринишидаги гаров билан таъминланган ёки кафолатланган активлар, уларнинг қисмлари ва баланسدан ташқари мажбуриятлар. Қимматли қоғозлар банк тасарруфида бўлиши ва белгиланган тартибга мувофиқ унга берилиши лозим.

Кафолатлар тўғридан-тўғри ва ҳеч қандай шартларсиз, яъни уларни қўллашни чекловчи бирон-бир қўшимча шартларни ўзида қамраб олмаган бўлиши керак;

и) ўтказиш жараёнидаги пул ҳужжатлари (лекин йўлдаги нақд пуллар ҳисобга кирмайди).

Ўртача таваккалчилик даражасига эга активлар (таваккалчилик коеффитсиенти — 50 фоиз) қуйидагилардан иборат:

а) жисмоний шахсларга бир оилага уй-жой (хонадон) сотиб олиш ёки Қуриш учун берилган ва дастлабки гаров (гаров предметига эгалик Қилишнинг имтиёзли ҳуқуқи) сифатида сотиб олинаётган ёки қурилаётган уй-жой (хонадон) билан таъминланган кредитлар. Бунда ссуда миқдорининг гаров нисбати 60 фоиздан ошмаслиги керак. 60 ва ундан ортиқ кунга муддати ўтган, фоизлар ҳисоблаш тўхтатилган ёки реструктуризатсияланган кредитлар таваккалчилик даражаси юқори (100 фоиз) бўлган активлар тоифасига киради. Бир оила учун уй-жой қуриш мақсадида бериладиган кредитлар шу уй-жойда яшамоқчи бўлган хусусий шахсларгагина берилиши керак. Банк дастлабки гаров ҳуқуқига эга бўлмаса, бундай кредитлар таваккалчилиги юқори (100 фоиз) бўлган активлар ҳисобланади;

б) банкнинг ИХТТга кирувчи давлатлар маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари ёки бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар мазкур мажбуриятлар бўйича молиялаштириладиган муайян лойиҳа тушумларига боғлиқ бўлса, ушбу ташкилотлар томонидан кафолатланган активлар. Юқоридаги ташкилотлар томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар.

Юқори таваккалчилик даражасига эга активлар (таваккалчилик коеффитсиенти — 100 фоиз) қуйидагилардан иборат:

а) банк томонидан берилган барча кредитлар, жумладан, тадбиркорлик тузилмалари, қишлоқ хўжалик, ишлаб чиқариш корхоналарига берилган кредитлар, шунингдек, истеъмол ва ипотека кредитлари, б) банкнинг асосий воситалари, иншоотлари, жиҳозлари ва шахсий кўчмас мулки;

в) бошқа барча активлар.

Фоиз rischi ўзида фоиз ставкалари даражасининг ўзгариши натижасида молиявий йўқотишлар эҳтимолини акс этади.

Базел кўмитаси фоиз рискининг пайдо бўлиши қуйидаги омиларни аниқлади:

1. **Нархлар ўзгаришини риски.**

Бунда фоиз риски актив ва пассивларнинг тўлов муддатлари бўйича баланслаштирилмаганлиги орқали аниқланди.

2. **Эгри даромад ўзгариши риски.**

Актив ва пассивлар бўйича фоиз ставкалари ўзгаришида вақтлар бўйича мос келмаслиги натижасида олинаётган даромад тенглигининг бузилиши.

3. **Базавий риск.**

Молиявий инструментларни қайта баҳолаш вақтида олинган ва тўланган фоизларни бошқаришда ноаниқ корреляция ўтказиш.

4. **Опционлар билан боғлиқ рисклар.**

Актив ва пассивлар муддатлари бўйича ўзгариши опцион битимларда фоиз рискларини келтириб чиқаради.

Тижорат банкларида фоиз риски деганда банкнинг соф фойдаси қисқариши risksдан то фоиз ставкалари даржасининг ўзгариши натижасида унинг капитали қийматининг йўқолишигача, натижада жалб қилинган маблағларнинг ўртача қиймати жойлаштирилган маблағлар қийматидан ошиб кетиши ҳолатига олиб келиш жараёнини тушуниш керак. Бундай ҳолатда фоиз риски кредит ташкилоти молиявий ҳолатининг фоиз ставкасининг салбий ўзгаришига дучор бўлиши даражасини акс эттиради. Банкнинг фоиз рискинни қабул қилиш нормал ҳолат бўлиб, у қўшимча фойда олишда манба сифатида хизмат қилади. Фоиз риски одатда пул бозорининг келгуси ҳолати ҳақида нотўғри ахборот олиш, шунингдек, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши, яъни инфляция, бюджет дефисити ҳажми, ЯИМ ва бошқа кўрсаткичларнинг ўзгариши натижасида пайдо бўлади.

Фоиз рискинни баҳолашда фоиз маржасидан фойдаланилади.

Фоиз маржаси даромад келтирувчи активлар бўйича фоиз даромадлар билан банкнинг мажбуриятлари бўйича фоизли харажатлари ўртасидаги фарқ тушунилади. Фоиз маржаси қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$M_{\text{ҳақ}} = - \frac{Дф - Хф}{Ад} \times 100\%$$

бу эрда: **Мҳақ** - фоиз маржасининг ҳақиқий ҳажми;

Дф - фоизли даромад;

Хф - фоиз тўловлари бўйича харажатлар; келтирувчи активлар;

Ад - фоизли даромад келтирувчи активлар;

Фоиз маржаси қуйидаги йўналишларда таҳлил қилинади:

- ҳақиқий фоиз маржа билан унинг базаси билан солиштириш, натижада фоизлар бўйича даромаднинг ўсиши ёки камайишини аниқлаш мумкин;
- фоиз маржанинг стандартларга ёки банк қоидаларига мос келишини назорат қилиш;
- қайси турдаги даромад (харажат) фоиз маржасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун унинг таркибини таҳлил қилиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фоиз маржасининг ўзгариши чегараларини аниқлаш;

Фоиз маржасининг ҳажмига таъсир қилувчи омилларга кредит қўйилмаларининг таркиби ва ҳажми ҳамда уларнинг манбаси, тўловлар муддати, фоиз ставкаларининг фойдаланилиши ва уларнинг ҳаракати киради.

Таъминланган ва юқори рискли ссудаларни узоқ ва қисқа муддатларда жойлаштириш, шунингдек кредитлаш ҳажми даромад қўйилмаларни аниқлайди. Фоиз маржасининг ҳажмига кредит қўйилмалари ва уларнинг тўлов вақтлари бўйича манбаси нисбати, шунингдек фоиз ставкаларини кўриб чиқиш муддатлари таъсир қилади. Бизда асосан ўрнатилган (кредит тўлиқ қайтарилмагунча ўзгармайди) фоиз ставкалар қўлланилади. шу шартлар доирасида активлар ва пассивлар тўрт гуруҳга бўлинади:

- бозор шартларининг ўзгаришида фоиз ставкаларининг тўлиқ кўриб чиқилиши бўйича актив ва пассивлар;
- уч ой давомида тўлиқ бошқариладиган актив ва пассив;
- уч ойдан кўпроқ муддатда кўриб чиқилидаган ставкалар бўйича актив ва пассив;
- ўрнатилган ставкалар бўйича актив ва пассивлар.

Биринчи икки гуруҳ банкнинг фоиз маржаси ўзгаришини сезувчи мажбуриятлар ва активларни акс эттиради. Уларнинг нисбати фоиз рискни аниқлаш имконини беради (АПС). АПС қуйидаги ёндашувларда бошқарилади:

- юқори ликвидликни таъминлаш мақсадида ставкаларнинг, муддатларнинг, активларнинг диверсификатсиясини қўллаб-қувватлаш;
- фоиз ставканинг ўзгариш босқичларига банкнинг актив ва пассивларини бошқариш стратегиясини мос танлаш. Масалан, паст фоиз ставкаларнинг ўсиши кузатилганда мажбуриятлар бўйича маблағлар муддатини ошириш, ўрнатилган фоиз ставкалардаги кредитлар ҳажмини камайтириш, инвеститсия муддатларини қисқартириш, узоқ муддатли қарзларни жалб қилиш ва кредит лимитларини ёпишга тўғри келади.

Актив ва пассивлар, фоиз ставкаларнинг муддатларига боғлиқ ҳолда фоиз маржасининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

$$M = АПС \times И$$

бу ерда: М - фоиз маржаси;

И - фоиз ставкаларининг ўзгаришининг кутилиши.

Банк фаолиятида учрайдиган энг мураккаб рисклардан бири - фоиз рискдир.

Фоиз rischi ёки фоиз ставкаси rischi (интерест рате риск) – бу фоиз ставкаларининг ўзгариши натижасида молиявий йўқотишларнинг юзага келишини англатади. Фоиз rischi – банк томонидан жалб қилинган маблағлар – депозитлар, қарзга олинган маблағлар бўйича фоизларнинг кредитлар бўйича фоизлардан ошиб кетиши натижасида юзага келади. Фоиз rischi кредит ва депозитлар муддати ва фоизларига боғлиқ бўлади.

Фоиз riskини икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Қуйидаги сабаблар фоиз riskининг юзага келишига олиб келади.

- фоиз ставкасини нотўғри танлаш ёки ўрнатиш (одатда ўзгармас-доимий, ўзгарувчан, камайиб боровчан фоизлар бўлиб уларни мижоз фаолияти хусусиятини инобатга олмасдан қўллаш);

- кредит шартномада фоиз ўзгаришини кўзда тутмаслик;

- Марказий банк фоиз сиёсатининг ўзгариши;

- кредит шартномасининг муддатининг бошидан охирига қадар бир хил – ягона фоиз ставкасининг ўрнатилиши ;

- банкларда кредит сиёсатининг пухта ишлаб чиқилмаганлиги;

- кредитнинг баҳоси ёки фоиз ставканинг нотўғри ҳисоб-китоб қилиниши ва бошқалар.

Фоиз ставканинг турига қараб фоиз rischi қуйидагиларга бўлинади:

Кредит ўзгармас фоиз ставка берилиб, депозит ва жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз ставкасининг ўзгариб туриши банклар амалиётида ўзгармас фоиз ставка rischi юзага келишига олиб келиши мумкин. Бунда жалб қилинган маблағларнинг бозор курси ўзгариши инобатга олинмаганлиги riskнинг пайдо бўлишига олиб келади. Кредитнинг маълум муддати ўтгандан кейин пул бозорида фоиз фоизларнинг ўзгариши ёки жалб қилинган маблағларнинг қимматлашуви банк пасивлари ва активлари бўйича фоиз riskини юзага келтиради. Шунинг учун кредит шартномада фоиз ўзгаришини режалаштириш, зарур ҳолларда пасивлар таркибини ўзгартириш лозим бўлади.

Фоиз riskининг таъсирини банкнинг ёки мижознинг молиявий ахволи ва унинг натижаларининг салбий томонга ўзгаришида ҳам кўриш мумкин.

Аввало фоизлар ўзгариши натижасида банк даромадининг ўзгариши (пасайиши) rischi юзага келади. Шунингдек, опцион рисклар – банк мижозларининг опционларни сотишда рискларнинг юзага келишига олиб келади. Молиявий активларни жорий ставкадан кам баҳолаш ва пасивларни жорий ставкадан юқори баҳолаш натижасида фоизлаштириш rischi юзага келади. Банкнинг кредитлари бўйича ўзгармас фоиз ставка ўрнатилган ҳолда банкнинг мажбуриятлари, балансдан ташқари активлари бўйича сузиб юрувчи фоиз ставкаларнинг ўрнатилиши, фоизларнинг, муддатларнинг ҳар хиллиги ҳам фоиз riskининг ошишига олиб келади.

Фоиз рискига ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади.

Ташқи омиллар:

Шунинг учун ҳам банклар фоизларни бошқариш ва фоиз рискининг олдини олиш учун яхши ишлаб чиқилган фоиз сиёсатига эга бўлиши лозим.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати – депозитлар ва кредитларнинг оқилона фоиз ставкаларини шакллантириш ва фоиз рискни бошқариш билан боғлиқ тадбирларнинг мажмуидир. Фоиз сиёсатининг асосий мақсади банкнинг барқарор даромад олишини таъминлаш ва фоиз рискни минималлаштиришдан иборат.

Бошқа банк рискларига нисбатан фоиз риск жуда кам ўрганилади. Бунинг асосий сабаблари унинг жуда мураккаблиги. Фоизли рискни ҳам ўлчаш, ҳам назорат қилиш учун иқтисодий математик модели солиш жуда қийин.

Охириги 20 йил давомида жаҳон иқтисодиётида фоиз ставкаларининг жуда юқори беқарорлиги кузатиляпти. Шунинг учун фоиз рискни назорат қилиш ва бошқариш банк фаолиятининг кредит рискни билан бир қаторда энг муҳим вазифаларига киради.

Банк фоизини назорат қилишда ва бошқаришда банк актив ва пасивларини муддат бўйича солиштириш, фоиз позитсияси тушунчасига эга бўлиш жуда муҳим. Фоиз позицияни миқдорий жиҳатдан ўлчаш - уни ёки мутлақ кўрсаткичларда (пул суммаси) ёки нисбат кўрсаткичларда (капитал ёки активлар эса нисбатан) кўрсатиш мумкин.

Манбаи нуқтаи назардан фоиз позитсияси қуйидаги турларга бўлиниб ўрганилади.

Стратегик позиция, тактик позитсия ва савдо позитсияси нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

Стратегик позиция - Бу ҳолат одатда банкнинг кредитлаш ва депозитларни жалб этиш жараёнида пайдо бўлади.

Тактик позиция - Бу ҳолат одатда банкнинг пул бозорида маблағларни жалб этиш ва жойлаштириш жараёнида пайдо бўлади.

Савдо позицияси - Бу ҳолат одатда банк чайқовчилик мақсадида пул бозорида юқори ликвидлик қисқа муддатли молиявий инструментлари билан жуда қисқа муддат ичида (бир неча соатлардан то 1-2 суткагача) операциялар ўтказиш натижасида пайдо бўлади. Бундай операциялар жуда юқори рискли бўлганлиги учун улар бўйича назорат жуда кучли бўлиши шарт.

Нархлар ўзгаришини риск.

Бунда фоиз рискни актив ва пасивларнинг тўлов муддатлари бўйича баланслаштирилмаганлиги орқали аниқланди.

Эгри даромад ўзгариши риск.

Актив ва пасивлар бўйича фоиз ставкалари ўзгаришида вақтлар бўйича мос келмаслиги натижасида олинаётган даромад тенглигининг бузилиши.

Базавий риск.

Молиявий инструментларни қайта баҳолаш вақтида олинган ва тўланган фоизларни бошқаришда ноаниқ корреляция ўтказиш.

Опционлар билан боғлиқ рисклар.

Актив ва пасивлар муддатлари бўйича ўзгариши опцион битимларда фоиз рискларини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фоиз rischi бўйича талаблари:

- * Банклар кредитлар, қарз қимматли қоғозлари ва бошқа молиявий воситалар бўйича фоизларни ҳисоблаб боришни қуйидаги ҳолларда тўхтатади:

- * активлар Марказий банк норматив ҳужжатларига мувофиқ субстандарт, қониқарсиз ва ишончсиз турларга таснифланганда;

- * активлар қадрсизланганда;

- * асосий суммани қайтариш ёки унинг фоизини тўлаш муддати 60 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда (қайтариш муддати бир йилгача бўлган фоизли активлар бўйича);

- * асосий суммани қайтариш ёки унинг фоизини тўлаш муддати 90 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда (қайтариш муддати бир йилдан кўп бўлган фоизли активлар бўйича) фоизлар ҳисобланиши тўхтатилади.

- * Активларга “ўстирмаслик” мақомини берган пайтдан бошлаб, банклар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

- * фоизли даромадларни баланс ҳисобварақларида ҳисоблаш тўхтатилади;

- * барча ҳисобланган, лекин олинмаган фоизли даромадлар баланс ҳисобварақларидан кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига ўтказилиши лозим ва активга «ўстирмаслик» мақоми берилгандан сўнг кейинги фоизлар ҳисобланиши кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида амалга оширилади;

- * ушбу активлар бўйича барча кейинги тўловлар биринчи навбатда, ҳисобланган, лекин олинмаган фоизли даромадларни, кейин эса кредитнинг асосий суммасини қоплашга йўналтирилади.

Фоиз рискини бошқариш учун ҳар хил усуллар қўлланилади, лекин унинг мураккаб бўлганлиги учун уни тўлиқ назорат қилиш учун иқтисодий моделни тузиш ва форматлаштириш анча меҳнат талаб этади.

Фоиз рискларининг бошқарилиши актив ва пасивларни бошқарилишидан ташкил топади. Фоиз рискларни бошқаришнинг бир неча усуллари ва тамойиллари мавжуд. Булар:

- Фоиз маржасини бошқариш;

- ГЕПни бошқариш;

- СПРЕДни бошқариш.

Фоиз маржаси - бу фоизли даромадлар ва фоизли харажатлар орасидаги фарқ ҳисобланади. Яъни, активлардан олинadиган фоиз даромади ва мажбуриятлар бўйича фоизли харажатлар ўртасидаги фарқ фоизли маржа деб юритилади..

Фоиз маржаси қуйидагича аниқланади:

$$M_{fakt} = \frac{(ДФ - ХФ)}{АФ} \times 100$$

Бу ерда:

M_{fakt} - амалдаги фоиз маржаси;

ДФ - Фоиз даромади;

ХФ - Фоиз харажати;

АФ - Фоиз курунишида даромад келтурувчи активлар;

Фоиз маржаси хажмига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- Кредит қўйилмалари ва уларнинг манбаларининг хажми ва таркиби;
- Тулов муддатлари;
- Кулланилаётган фоиз ставкаларининг характерланиши ва харакати;
- Фоиз ставкаларини кайта куриб чиқиш даражаси.

Ушбу омилнинг таъсири асосан, ривожланган мамлакатлар иктисодиётида кузатилади. Ривожланаётган давлатларда асосан катъий белгиланган ставка кулланилади.

Актив операциялар бўйича мўлжалланган фоиз:

$$СП = \frac{(X + Ф + Д)}{А}$$

Бу ерда:

- X – банкнинг режалаштирган харажатлари суммаси.
- Ф - режалаштирилган банк фойдаси.
- Д - режалаштирилган комисион ва бошқа даромадлар;
- А - даромад келтирувчи режалаштирилган активлар хажми;
- Фоиз сиёсатини эркин юритилиши учун банк, унинг хизматлари қиймати коеффитсенти қайси чегараларда олиб борилаётганлигини билиш керак. Ушбу кўрсаткич таъминланмаган харажатлар хажмини акс эттиради. Бу кўрсаткич минимал фоиз маржаси (Ммин) кўрунишида аниқланади, яъни харажатларни қоплаш имконини берувчи, лекин фойда олиб келмайдиган активлар ва пассив операциялар бўйича минимал ставкаларни кўрсатади. У қуйидагича аниқланади:

• Минимал фоиз маржаси

$$M_{min} = \frac{X_t - X_b}{A_d} \times \frac{t}{N} \times 100\%$$

- Бу ерда:
- Хт - банк фаолиятини таъминловчи харажатлар;
- Хб - банкнинг бошқа харажатлари;
- Ад - ҳаракатдаги банк активлари;
- Н - кўрилатган ҳисобот давридаги чораклар сони.

Кредит сиёсати орқали банкларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий эътибор **фоиз маржасининг** даражасига қаратилади. Фоиз маржаси деганда, одатда, берилган кредитларнинг фоиз ставкаси билан депозитларнинг фоиз ставкаси ўртасидаги фарқ тушунилади. Банк мўътадил фоиз маржасини сақлаб туриши кўп қиррали омилларга боғлиқ.

Фоиз маржасига қуйидаги омиллар тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

- бозор фоиз ставкалари даражасининг ўзгариши;
- активлар портфелининг ўзгариши (кредит ва инвестициялар, уларнинг риск даражаси, муддатлари таркиби, активлар бўйича ўзгармас ва сузиб юривчи фоиз ставкалар нисбати);

- мажбуриятлар таркибининг ўзгариши;

- активлар баҳосининг ўзгариши (ўзгармас ва ўзгарувчан фоиз ставкадаги активлар баҳосининг ўзгариши);

- маблағларни жалб қилиш ставкаси ва уларни жойлаштириш ставкалари спредининг ўзгариши;

- банк операцияларининг ҳажмининг ўзгариши;

- банк активлари ва пасивлари портфелида фоиз рискига таъсирчан элементларнинг ўзгариши;

- фоиз рискига таъсир қилувчи элементларнинг ўзгариши ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда, Ғарбий Европа банкларида фоиз маржасининг ўртача миқдори 1,00-1,25 фоизли пунктни ташкил этади. Япония банкларида эса, бу кўрсаткич 0,50-0,75 фоизли пунктни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида эса, фоиз маржасининг ўртача миқдори 8-10 фоизли пунктни ташкил қилади.

Фоиз маржасини қисқартириш учун тижорат банклари харажатларининг таркибини мўътадил даражага келтиришлари лозим. Акс ҳолда, фоиз маржасини қисқартириш банк молиявий фаолиятини зарар билан яқунлашига олиб келиши мумкин

ГАП (ГЕП) тамойили

Рискни бошқаришда ГЕП (фарқ ёки оралиқ)ни бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Фоиз рискининг даражаси ва унинг таъсири ГЕП таҳлил, яъни фоиз рискини ўлчаш ва таҳлил қилиш усули орқали аниқланади. ГЕП маълум вақт ичида банкнинг активлари ва пасивлари фоиз ставкалари ўртасидаги фарқни кўрсатади.

ГЕП тахлилда фоиз рискларини баҳолашнинг анъанавий таҳлили яъни фоиз ставкаси ўзгаришига мойил активлар ва фоиз ставкаси ўзгаришига мойил массивлар солиштирилади. Ушбу кўрсаткичларни солиштиришдан мақсад - банкнинг соф даромадини ўзгарувчан фоиз ставкалари натижасида ўзгаришини фоизларда аниқлашдан иборат. Активлар ва массивларни муддати бўйича баланслаштириш фоиз спредини нормал ушлаб фоиз рискни камайтириш имконини беради.

Фоиз рискнинг ўзгариши фоиз ставкаси ўзгаришига мойил активлар ва массивлар фоизидаги оралиқ кўрсаткичида ҳам ҳисобланади;

$$\text{ГЕПк} = \text{АЧП} - \text{ПЧП}$$

бу ерда:

ГЕПк - фоиз ставкаси ўзгаришига мойил актив ва массивлар оралиғи;

АЧПк - фоиз ставкаси ўзгаришига мойил активлар;

ПЧПк - фоиз ставкаси ўзгаришига мойил массивлар.

ГЕП нинг нисбат кўрсаткичи (%да)

$$\text{ГЕП (\%)} = \frac{\text{АЧП}}{\text{ПЧП}} * 100$$

ГЕПни қуйидаги турларини ажратиш кўрсатиш мумкин

Манфий ГЕП - банк массивларининг фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирчан бўлган активларига нисбатан кўпроқлигини англатади.

Нолли ГЕП - банкнинг актив ва массивларини муддатлар бўйича мослаштиришни англатади. Ушбу ҳолатни одатда нейтрал риск деб номлашади. Нолли ГЕП ҳолатли банк фоиз ставкалари ўзгариш жараёнида ўзининг портфелида “сарф қилинмайдиган” ссудаларни сақлайди. Шунининг ортидан олиш керакки, актив ва массивлар бўйича фоиз ставкаларнинг бир хилда ўзгариши соф фоиз даромадига таъсир қилмайди.

Мусбат ГЕП - банк активларининг фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирчан бўлган массивларига нисбатан кўпроқлигини англатади. Агар фоиз ставкаларининг даражаси камайиш тенденциясига эга бўлса, банкнинг фоиз даромади фоиз қайтариш тўловлари харажатларига нисбатан тезроқ камаяди. Шу тариқа мусбат ГЕП ҳолатига эга бўлган банк фоизлар тушишидан зарар кўради ва унинг ошишидан даромад олади.

Массивлар бўйича мойиллик коэффитсиенти қуйидагича ҳисобланади:

Ўз маблағлари (соф)

$$\text{Кпчп} = \frac{\text{Биринчи талаб}}{\text{Муддатли} + \text{Узоқ муддатли}}$$

Биринчи талаб бўйича қайтариб бериладиган массивлар + Муддатли депозитлар + Узоқ муддатли мажбуриятлар

СПРЕД тамойили

Спред бу- активлар бўйича олинган ўртача тортилган фоиз ставка ва мажбуриятлар бўйича тўланган ўртача тортилган фоиз ставка ўртасидаги

фарқдир. Оддийроқ қилиб айтганда спред – тижорат банки томонидан ресурсларни сотиб олиш ва сотиш баҳоси ўртасидаги фарқдир.

Фоиз рискинни ўрганишда СПРЕД деган кўрсаткич ҳам ҳисобланади.

$$\text{СПРЕД} = \text{иА} - \text{иП};$$

бу ерда:

иА- даромад келтирувчи активлар бўйича фоиз ставкасининг ўртача даражаси;

иП- банк мажбуриятлари бўйича тўланган ўртача фоиз.

Фоиз рискинни минималлаштириш учун банкнинг актив ва пассив операциялари бўйича фоизли сиёсат бир-бирига боғлиқ бўлиши зарур. Бу боғланишни қуйидаги коэффитсиент ёрдамида ҳисоблаш мумкин.

$$\text{Спред} = \frac{\text{Фоизли даромад}}{\text{Даромад келтирувчи активлар}} - \frac{\text{Фоизли харажат}}{\text{фоиз тўланадиган активлар}}$$

Бу кўрсаткичнинг норматив даражаси 2,5-3,7%.

Активлар ва пассивларни муддати бўйича баланслаштириш фоиз спредини нормал ушлаб фоиз рискинни камайтириш имконини беради. Спред ва унинг асосий элементлари одатда прогнозлаштирилади ва банкнинг даромадлари бўйича ҳисоботларида акс эттирилиши лозим.

Фоиз рискинни бошқаришда опцион ҳам муҳим ўрин тутаети.

Опцион бу – маълум вақт оралиғида ёки опсион даврида ўзгармас баҳода маълум активларни (аксия, товар, хом - ашё, валюта ва б.) ни сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқини берувчи битимдир. Опцион битимлар рискларни суғурталашнинг усулларида ҳисобланади.

Опционни икки тури мавжуд:

Опцион колл – активларни ўзгармас баҳода сотиб олиш ҳуқуқини беради.

Опцион пут - активларни ўзгармас баҳода сотиш ҳуқуқини беради.

Опцион колл – арзон сотиб олиш ҳуқуқини беради. Битимнинг бу тури акцияларнинг баҳоси ошиши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолларда самарали ҳисобланади. Айтайлик, сиз ҳар бирининг баҳоси 10 долл. бўлган аксиялар сотиб олмоқчисиз ва шу мақсадда опцион колл (оптион салл) сотиб олишингиз мумкин. Вақти келиб сиз сотиб олмоқчи бўлган 10 долларлик аксиянинг баҳоси ошиб у 50 доллар бўлганда ҳам сиз опцион колл орқали уни 10 доллардан сотиб олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Опцион пут – қимматлашган нархда ёки ошган баҳода сотиш ҳуқуқини беради. Айтайлик, сиз сотиб олган 10 долларлик аксияларнинг баҳоси ошиб 50 долларга чиқди. Агар бу охириги баҳо ўсиши бўлиши мумкин деб қарасангиз, сиз опцион пут сотиб олишингиз мумкин. Агар аксиянинг баҳоси яна 10 долларга тушса ҳам сиз уни 50 доллардан сотиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Тижорат банкларида фоиз рискининг олдини олиш учун:

1. Фоизларни пул бозори фоизларига мослаштириш;
2. Баланс таркибининг ўзгартиришни бошқариб бориш;
3. Фоиз рискени қоплаш йўллари излаш;

4. Банкнинг пассивлари ва активлари бўйича фоизларнинг мутаносиблигини таъминлаш ва бошқа усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Агар банкнинг активлари бўйича фоиз риски юзага келса, банкнинг пассивларида уни қоплаш бўйича манба кўзда тутилиши (бунда энг мақбул усуллардан бири мижоз билан юқори ва паст ставкалар тўғрисида битим тузиш ҳисобланади), махсус мақсадли усуллардан фойдаланиш зарур.

Фоиз рискени бошқариш. Фоиз рискининг асосий муаммоларидан бири-унга баҳо бериш ва бошқаришдан иборат. Фоиз рискени бошқариш аввалом бор, банкнинг актив ва пассивларини бошқаришни тақазо этади. Чунки фоиз риски банк активлари ва мажбуриятлари баҳосининг бир – бирига тўғри келмаслиги натижасида юзага келади. Фоизли риск банк актив ва пассивларни фоиз ставкалари ўзгаришига мойиллигига ва банк портфелида актив ва пассивларни баланслашганлиги билан боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан фоиз рискени бошқаришда қуйидаги усуллардан ҳам фойдаланилади:

бозор фоиз ставкаси ўзгаришга қараб шартномада кўрсатилган кредит бўйича фоиз ставкасини ўзгариши;

активлар ва пассивлар бўйича муддатлари келишуви ва фоиз ставкаларини ўрнатиш усуллари;

актив ва пассивларни фоиз ставкани ўзгаришга мойилиги бўйича таснифлаш;

Фоиз рискени бошқариш учун ҳар хил усуллар қўлланилади, лекин унинг мураккаб бўлганлиги учун уни тўлиқ назорат қилиш учун иқтисодий моделлни тузиш ва форматлаштириш анча меҳнат талаб этади.

Банк актив ва пассивларини бошқариш аввало қисқа муддатни кўзлайди ва банкнинг ҳар кунлик фаолияти билан боғлиқ. Актив ва пассивларни бошқаришдан асосий мақсади.

даромадлиликни максималлаш.

рисklarни минималлаштириш.

Нобарқарор иқтисодиётда фоиз рискининг оғирлиги мижоз зиммасига юкланади. Бунда жалб қилинган маблағлар ва кредитга бериладиган маблағларга ўрнатилган фоизлар ўртасида катта фарқ юзага келади. Бу ҳолда мижознинг тўлов қобилияти пасаяди. ва бу ўз навбатида банкнинг молиявий ахволига таъсир кўрсатиб банкда ликвидлилик рискининг юзага келишига олиб келади.

Фоиз риски чайқовчилик – молиявий риск ҳисобланади, чунки фоиз ставканинг ўзгариши фойда ёки зарарлар кўришга олиб келади.

3. Операцион риск ва унинг юзага келиш сабаблари

Операцион риск – бу тижорат банкида ҳисоб-китоб технологияларининг бузилиши ва банк ходимларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари натижасида зарар кўриш хавфидир.

Базель қўмитаси ўзининг 2004 йилда эълон қилинган Базель-II стандартида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш услубиётини таклиф қилди. Мазкур услубиёт қуйидаги уч услубни ўз ичига олади:

- базавий индикатор услуби;
- стандартлашган услуб;
- кенгайтирилган услуб.

Шуниси характерлики, ушбу услублар бўйича ҳисобланган капиталнинг етарлилик коэффициентлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Шу сабабли, ҳар бир мамлакатнинг Марказий банки мавжуд уч услубдан бирини танлаб олиши ва ўша мамлакатнинг тижорат банклари фаолиятидаги операцион рискка нисбатан капиталнинг етарлилигини аниқлашда қўлланилиши лозим.

Тижорат банклари фаолиятидаги операцион рискни ҳисобга олган ҳолда капиталнинг етарлиликка нисбатан қўйилган талабларни Базель қўмитаси экспертлари қуйидагича аниқлайди:

$$K_{BIA} = \left[\sum (GI_{1..n} \times a) \right] / n$$

Бу ерда,

K_{BIA} = базавий индикатор усулида капитал етарлиликка қўйилган талаблар;

GI = таҳлил давридан олдинги уч йил давомида ҳар йиллик ижобий ялпи даромад;

n = таҳлил давридан олдинги уч йилдан ижобий ялпи даромад олинган йиллар сони;

a = 15%.

Мазкур кўрсаткич Базель қўмитасининг экспертлари томонидан тавсия этилган бўлиб, тармоқнинг капитал етарлилик даражасига тегишли бўлади.

1988 йилда қабул қилинган ва 1993 йилда биринчи марта Европа Иттифоқи давлатларининг банк амалиётида қабул қилинган Базель-1 стандартида тижорат банклари капиталининг етарлилигини банк активларининг рискка тортилган суммасига нисбатан аниқлаш тавсия этилган эди. Базель-2 стандартида эса, тижорат банклари капиталининг етарлилигини аниқлашда бозор ва операцион рискларни ҳисобга олиш тавсия этилди. Базель қўмитасининг экспертлари томонидан таклиф этилган операцион рискни баҳолашнинг базавий индикатив услубида тижорат банкининг капитални операцион рискни қоплаш учун етарли бўлган миқдори банкнинг ялпи даромадининг 15 фоизи даражасида

белгиланган¹⁶ (тижорат банкининг ялпи даромади соф фоизли даромадга соф фоизсиз даромадларни кўшиш йўли билан аниқланади).

Таъкидлаш жоизки, Базель-III стандартини жорий қилиниши тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш имконини беради. Бу эса, операцион рискни бошқариш амалиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Базель-III стандартида тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича қуйидаги янги талаблар қўйилган:

1. Акциядорлик капитали миқдorigа нисбатан белгиланган талаблар оширилди.

Агар мазкур талаб бундан олдин активларнинг рискка тортилган суммасини солиқ тўлангунга қадар бўлган миқдорини 2 фоизини ташкил этган бўлса, энди ушбу кўрсаткич мазкур сумманинг солиқ тўлангандан кейинги миқдорининг 4,5 % даражасида белгиланди.

2. Биринчи даражали капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб оширилди.

Ушбу талаб 2013 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда амалдаги 4 фоиздан 6 фоизга оширилади.

3. Капиталнинг ҳимоявий «консервация «буфери» жорий этилади.

Капиталнинг ҳимоявий «консервация «буфери» биринчи даражали капиталнинг 2,5 фоизи ҳажмида ташкил этиладиган кўшимча захирадан иборатдир. Шундай қилиб, биринчи даражали капиталга нисбатан белгиланган умумий талаб даражаси 7 фоизни ташкил этади (2,5% + 4,5 %).

4. Контрциклик буфер жорий этилади.

Контрциклик буфер банк ўз капиталининг 0 фоизидан 2,5 фоизигача бўлган ораликдаги ҳажмда ташкил этилади ва кредитлаш ҳажмининг кескин ошишига тўсқинлик қилади¹⁷.

Базель кўмитаси операцион рискни ички жараёнлар ва тизимларнинг номувофиқлиги, ходимларнинг масъулиятсизлиги ёки бошқа ташқи омиллар ҳисобига юзага келадиган ҳавф-хатар деб баҳолайди. Мазкур тушунча банк ва унинг ходимлари томонидан қонунчиликка, ахлоқий меъёрларга, шартнома мажбуриятларига риоя этмаслик ҳамда суд жараёнининг кўзғатилиши туфайли юзага келадиган ҳуқуқий рискни ҳам кўзда тутаяди.

Базель келишувига кўра операцион рисклар қуйидагиларга бўлинади:

- Ички жараёнлардаги рисклари
 - Ўрнатилган жараёнлардаги носозликлар, жараёнларга бўйсинмаслик ва жараённинг бизнес-линия доирасида етарлича акс эттирилмаслиги
- Инсон фактори билан боғлиқ рисклар
 - Бошқаришдаги ёки ташкилий структурадаги омадсизлик рисклари, ёки инсон фактори билан боғлиқ бошқа рисклар: ёмон таълим, нотўғри бошқарув, кадрларнинг нотўғри танлангани

¹⁶ Международная конвергенция капитала и стандартов капитала: уточненные рамочные подходы. – БМР, 2004. - С. 156.

¹⁷ Молия-банк тизимини таҳлил қилиш ва баҳолашда қўлланиладиган халқаро меъёрлар, мезонлар ва стандартлар. Ўқув қўлланма. Проф. А.В. Вахабов таҳрири остида. – Тошкент: Молия, 2011.

- Тизимлар рисклари
 - Ички ва ташқи операциялар тизимидаги узулишлар ва носозликлар
 - Ташқи рисклар
 - Табиий офатлар, терроризм ва бузгунчилик
 - Юридик риск
 - Қонунлар, этик нормалар ва шартномавий келишувларга риоя қилмаслик, ҳамда банк фаолиятининг барча соҳаларидаги суд тафтишлари
- Операцион рискларни бошқариш одатий жараёни 5та асосий босқичга бўлиниши мумкин.



2. -расм. Базель Қўмитасининг операцион рискларни бошқариш бўйича тавсияси¹⁸

Банкда операцион рискларни баҳолаш асосан қуйидаги инструментлар ёрдамида амалга оширилади:

а) Банк фаолиятида операцион рискларга боғлиқ амалиётлар таҳлил қилиниб, тарихий маълумотлар йиғиб борилади, яъни маълумотлар базаси ташкил этилди. Ушбу амалиётларни амалга оширишда номутаносиб тарздаги ўзгаришлар бўлса, тарихий маълумотлар билан солиштирилиб, ўзгаришлар сабаби аниқланади ва зарур ҳолларда тегишли чоралар кўрилади;

б) Банк балансидаги бошқа активлар ва бошқа пасивлар ҳисобрақамлари мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади. Шу ҳисобрақамлардаги кескин ўзгаришлар сабаблари аниқланади ва зарур ҳолларда тегишли чоралар кўрилади.

в) Банк амалиётларининг процесс-таҳлили олиб борилади. Амалиётларни амалга ошириш жараёнларидаги кескин ўзгаришлар аниқланиб, таҳлил қилинади.

Операцион рисклар билан ишлаш усуллари ва даражаси турли банкларда риск даражаси ва тури, банк операцияларининг ҳажми ва турига боғлиқ равишда турлича бўлади. Аммо Базель талабларида капиталга нисбатан талабни аниқлашда операцион рискларни ўлчашнинг 3 та усули: база кўрсаткичлари асосида ёндашув, стандартлашган ёндашув, ривожлантирилган ёндашувни келтиради.

База кўрсаткичлари асосида ёндашувда банк операцион рискларни қоплаш учун охириги уч йилда ўртача йиллик ялпи ижобий фойданинг 15%

¹⁸Basel Committee on Banking Supervision. Consultative Document The New Basel Capital Accord. January 2001.

ига тенг капитални кўзда тутиши лозим. Капитални хисоблаш формуласи қуйидагича:

$$KBIA = [\sum (GI1...n * \alpha)] / n$$

Бу ерда: KBIA - капиталга қўйилган талаб;

GI1 - охирги уч йилда ўртача йиллик ялпи ижобий фойда;

n - йиллар миқдори (уч йил); α - 15% бу курстакич Базель қўмитаси томонидан белгиланган.

Стандартлашган ёндашувда бутун банк фаолияти 8 та йўналишга ажратилади: корпоратив молия, олди-сотди ва сотиш, чакана банк хизматлари, банкнинг тижорат операциялари, тўловлар ва хисоб-китоблар, агент хизматлари, активларни бошқариш ва чакана брокерлик операциялари. Хар бир йўналиш бўйича ялпи фойда мазкур йўналиш учун фоиз меъёрини аниқлашда асос бўлади. Ушбу фоиз меъёри рискларнинг хар бир йўналиш бўйича даражаси ва турига боғлиқ ҳолда 12 дан 18 фоизгача тебранади. Капитални хисоблаш формуласи қуйидагича:

$$K TSA = \{ \sum \text{йиллар}1-3 \max [\sum (GI1-8 * \beta1-8), 0] \} / 3$$


Бу ерда: KTSA - капиталга қўйилган талаб;

GI1-8 - хар йил учун 8 та йўналиш бўйича ўртача йиллик ялпи ижобий фойда;

$\beta1-8$ - 12-18%бу кўрстакич Базель қўмитаси томонидан белгиланган.

Ривожлантирилган ёндашув операцион рискни қоплаш учун керак бўладиган капитал миқдорини хисоблашнинг хусусий усулига асосланади. Ушбу усулни маълум бир сифат ва миқдор андозаларига жавоб берадиган банклар ишлатиши мумкин. Банк раҳбарияти Марказий банкни операцион рискни баҳолаш тизими, маълумотлар жамлаш сифати, назорат механизмини шакллантирилганлигига ишонтириши лозим.

Операцион рискни тўғри бошқариш учун тижорат банкида тегишли кунлик назорат ва маълумотларни жамлаш жараёни ташкил этилган бўлиши даркор. Марказий банк тижорат банкларидан улар даражасига, рисклар миқдори ва турига, банклар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг мураккаблигига мос операцион рискларни баҳолаш ва бошқариш механизмини яратилишини талаб қилишга ҳақлидир. Бундан ташқари, Марказий банк тижорат банклари томонидан операцион рисклар бўйича қоида ва талабларга риоя этилиши юзасидан доимий ва алоҳида назоратни олиб бориши лозим.



Базель-3 да янги
 Базель-3 да янгиланди
 Базель-2,5 да янгиланди
 Базель-2

расм. Базель-2 талабларидан Базель-3 талабларига ўтишдаги ўзгаришлар¹⁹

Банкнинг ўз капитали хавф ва зарарлар вужудга келганда банкни фаолият кўрсатишини таъминлайди. Шунинг учун капиталнинг ҳимоя аломатлари унинг миқдори билан балки уни активларга (бирламчи захира, кредитлар, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк ва бошқалар) жойлаштириш таркиби даражаси билан белгиланади: қабул қилинган келишувга мувофиқ

¹⁹ www.bis.org – “Strengthening the resilience of the banking sector”, December 2009

капитални етарлилиги хўжалик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи таваккалчилик характери билан белгиланади.

2005 йилдан бошлаб қарздорнинг кредит қобилияти ҳар бир миқдорга бериладиган банкнинг ички рейтинг тизими билан баҳоланадиган бўлди. Бунда, тўловга қобилиятлилик рейтинги қанча паст бўлса, ўз капитали миқдорига бўлган талаб шунча юқори бўлади. Мустақил ишлаб чиқариш рейтинг тизимидан фойдаланиш тижорат банклари учун кредитлашга ҳар томонлама қарздор билан боғлиқ таваккалчилик даражаси ва турига қараб ёндашиш имконини беради.

Базель-2 стандартининг афзаллигини белгиловчи асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборатдир:

- Тижорат банклари капиталининг етарлилиги аниқланаётганда уларнинг активлари риск даражасига нафақат кредит rischi, балки бозор ва операцион рискларга кўра ўзаро фарқланади;
- Тижорат банклари акциядорлари ва инвесторларига банкнинг молиявий ҳолати юзасидан маълумотларни олишга имкон яратиш ҳамда улар юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олиш, шунингдек, банк капиталини етарлилиги ва таркиби юзасидан банк миқдорлари ва ташқи экспертларга ўзларининг таклифларини киритишга рухсат берилди;
- Капиталнинг етарлилигини аниқлашда (рискка тортилган активларни ҳисоблашда) қўшимча усуллардан фойдаланиш кўзда тутилади;
- Маълумотларни ошқор қилишга бўлган талаблар кучайтирилди, банклари максимал даражада шаффофликни таъминлаши лозим.

Базель-3. 2010 йил сентябрь ойида Банк назорати бўйича Базель қўмитаси банк капитали ва ликвидлигининг янги стандартлари тўлиқ ишлаб чиқилганлигини эълон қилди ҳамда ноябрь ойида ушбу янги стандартлар катта йигирмалик давлатлари раҳбарларининг Сеул саммитида тасдиқланди. Базель III дея номланаётган ушбу янги стандартлар банклар капитали етарлигига минимал талабларнинг тобора ва босқичма-босқич кучайтиришни назарда тутди. Ушбу янги стандартларга катта йигирмалик давлатларида 2013 йилдан бошлаб ўтилиши ҳамда 2019 йилга келиб ушбу давлатларда банклар ўз капиталларини Базель III талабларига тўлиқ мослаштиришлари кутилмоқда.

Базель қўмитаси аъзолари «Базель III» борасида илк бор 2009 йилнинг сентябрь ойида келишиб олган бўлиб, қўмита томонидан ўша йилнинг декабрига келиб аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан, Базель қўмитасининг 2009 йил 8-9 декабрдаги йиғилишида қатор тавсиявий характерга эга бўлган хужжатлар («Банк сектори барқарорлигини ошириш», «Ликвидлик хатарини ўлчаш, стандартлар ва мониторинг бўйича халқаро ёндашувлар») маъқулланди. Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг консултатив хужжатларидаги янги

тавсиялар инқироз сабоқларини ҳисобга олган ҳолда банкларда назорат ва хатарларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган.

Бинобарин, банк капитали ва ликвидлигини тартибга солиш хусусида қуйидаги тавсиялар белгиланди:

- банк капитали сифати ва шаффофлигини ошириш юзасидан амалдаги стандартларни (Базель II) қайта кўриб чиқиш, хусусан, I даражали капиталнинг муҳим ва етакчи шакллари сифатида оддий акциялар ва тақсимланмаган фойдага устуворлик бериш;
- секьюритизацияланган позициялар бўйича банк капиталига нисбатан қўшимча талабларни белгилаш;
- капитал етарлилигини баҳоловчи қўшимча кўрсаткич – левераж (leverage ratio) коэффицентини (ўз маблағлари ва қарз маблағлари нисбати) киритиш. Бунда коэффицентнинг ўртача чораклик даражаси ҳисобланади ва дастлабки босқичда унинг меъёрий даражаси 3 фоиз этиб белгиланган;
- циклик салбий таъсирни камайтириш мақсадида иқтисодий ўсиш фазасида регулятив капиталга қўйилган минимал талаблардан ошадиган капитал захирасини шакллантиришга нисбатан қўшимча талабларни жорий этиш, шунингдек, эҳтимолий йўқотишларга нисбатан захираларни шакллантириш;

Бундан ташқари, қўмитанинг 2009йил декабрдаги тавсияларига кўра, банкнинг бошқа молиявий муассасалар оддий акцияларига қўйилмалари банк оддий акцияларининг 10 фоизидан ошадиган бўлса, қўйилмаларнинг 10 фоиздан ортган қисми ҳисобга олинмайди.

Базель қўмитасининг 2010 йил июль ойидаги йигилишида банк секторни тартибга солиш бўйича ислохотлар дастурининг асосий элементлари келишиб олинди. Бунда Базель қўмитасининг «Базель III» бўйича 2009 йил декабрда маъқулланган талқини бироз енгиллаштирди. Жумладан, банкларга капиталнинг 15 фоизидан ошмайдиган миқдорда консолидациялашмаган молиявий муассасаларнинг оддий акцияларига «сезиларли» (яъни устав капиталининг 10 фоизидан кўп) инвестициялар киритишга, фойда солиғини камайтириш имконини берадиган активларни (DTAs – deferred tax assets) шакллантириш ва ипотека кредитларига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига (Mortgage servicing rights) эга бўлишга рухсат берилди. Бунда тижорат банки юқоридаги уч восита ялпи қийматининг банкнинг I даражали капитали таркибидаги оддий акциялар қийматининг 15 фоизидан ошадиган қисми 2018 йилнинг 1 январидан ҳисобга олинмайди.

Базель III да банк капиталига оид қатор янги тушунчалар, жумладан «Буфер капитали» деб умумий ном олган иккита: консервацион ҳамда контрциклик буфер капитали тушунчалари киритилмоқда.

Консервацион капитал иқтисодий, молиявий инқирозлар даврида банклар зарарларини қоплаш учун ўзига яраша қалқон сифатида хизмат қилиши кутилмоқда. Контрциклик капитал ҳар бир мамлакат шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда, 0-2,5 фоиз доирасида белгиланади.

Яна бир янги тушунча — бу тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблардир. Тизим учун муҳим банклар деганда ҳажми, мураккаблиги ҳамда тузилмавий ўзаро боғланганлиги сабабли уларнинг таназзулга учраши бутун молия тизими инқирозига ҳамда иқтисодий фаоллик фалажига сабаб бўладиган банклар тушунилади. Базель III да бундай банклар капиталига нисбатан қўшимча талаблар ишлаб чиқилиши лозимлиги тўғрисида умумий келишувга келинган.

Демак, Базель III га кўра, банклар регулятив капитали кўрсаткичи биринчи даражали банк капитали, консервацион буфер капитали, контрциклик буфер капитали ҳамда тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблар йиғиндисидан иборат бўлади. Базель III келишувининг бош мақсади – банк ишида риск бошқаруви сифатини ошириш ҳисобланади.

Халқаро Базель қўмитасининг капитал етарлилигига қўядиган янги талабларини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

2-жадвал

Банк капитали етарлилиги бўйича Базель-III талабларини жорий этиш муддатлари²⁰ (Тегишли молиявий йилнинг 1 январь ҳолатига)

Кўрсаткич номи	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Базавий I даражали капитал (Оддий акциялар + тақсимланмаган фойда)га минимал талаб	3,5%	4,0%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%
Махсус захира капитали				0,625%	1,25%	1,875%	2,50%
Базавий I даражали капиталга минимал талаб + Махсус захира капитали	3,5%	4,0%	4,5%	5,125%	5,75%	6,375%	7,0%
I даражали капиталга минимал талаб	4,5%	5,5%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%
Умумий капиталга минимал талаб	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%
Умумий капиталга минимал талаб+ Махсус захира капитали	8,0%	8,0%	8,0%	8,625%	9,25%	9,875%	10,5%

Жадвалдан маълум бўладики I даражали капиталга минимал талаб амалдаги 4 %дан 2013 йил 1 январга келиб 4,5 фоизга, 2019 йил 1 январга келиб эса 6 %га етади. Базавий I даражали капитал эса (оддий акциялар +

²⁰ www.bis.org – “Basel III phase-in arrangements”, December 2012

тақсимланмаган фойда)га нисбатан талаб 2013 йилдан бошлаб 3,5%, 2015 йилдан буён эса 4,5 % даражасида белгиланади. Фавқулодда ҳолатлар учун махсус захира капитали (Capital Conservation Buffer) шакллантирилиб, унинг меъёрий даражаси 2019 йилга келиб 2,5% этиб белгиланади. Контрциклик захира капитали (Countercyclical Capital Buffer) миллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич 2019 йилга келиб базавий I даражали капиталнинг 2,5 %и миқдорида белгиланади.

Базель-III да банк ликвидлигига нисбатан ҳам янги талаблар белгиланган. Жумладан, халқаро бозорларда фаолият юритувчи банклар учун ликвидликни бошқариш бўйича қўшимча талабларни, хусусан, яқин 30 кун мобайнида банкнинг ўз фаолиятини давом эттириш қобилиятини баҳолаш имконини берувчи минимал ликвидлик (liquidity coverage ratio) коэффицентини жорий этилди.

1. Ликвидликни қоплаш коэффицентини (Liquidity Coverage Ratio (LCR)) – 2015 йил 1 январдан бошлаб

$$\text{LCR} = (\text{юқори сифатли активлар}) / (\text{30 кун мобайнида соф пул чиқимлари}) \geq 100\%$$

Шунингдек, Базель қўмитаси томонидан банк фаолиятида узоқ муддатли ликвидликни тартибга солиш мақсадида соф барқарор маблағлар коэффицентини (net stable funding ratio) жорий этиш масаласи ҳам қўйилган бўлиб, бу борада якуний тўхтамга келинмаган. Шунга қарамай, соф барқарор маблағлар коэффицентининг янгича вариантини минимал стандарт сифатида 2018 йилнинг январь ойидан киритиш кўзда тутилган.

2. Соф барқарор манбалар коэффицентини (The Net Stable Funding Ratio (NSFR)) – 2018 йил 1 январдан бошлаб

$$\text{NSFR} = (\text{Мавжуд барқарор манбалар}) / (\text{талаб қилинган барқарор манбаларнинг фойдаланилиши}) \geq 100\%$$

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, «Базель III» номи билан аталаётган янги стандартлар амалдаги «Базель II» талабларини инкор этмагани ҳолда, унинг янги таҳрири ҳам эмас. Бошқача айтганда, бу икки консультатив ҳужжат бир пайтнинг ўзида, параллель равишда муомалада бўлади.

Базель-III тавсияларини қўллашдан кўзланаётган асосий мақсадлар:

- банк секторининг молиявий-иқтисодий тангликдан келиб чиқадиган инқирозларга қарши тура олиш имкониятини ошириш;
 - риск-менежмент ва бошқарув сифатини ошириш;
- банклар фаолияти, капитал базаси шаффофлигини (транспарентлиги) кучайтириш.

4. Тижорат банкларида ликвидлилик ва валюта рискларини бошқариш

Тижорат банкларида ликвидлилик rischi мазмуни ва унинг банк фаолиятига таъсири.

Банк ликвидлигини бошқариш бўйича стратегияси.

Тижорат банкларида ликвидлилик riskини баҳолаш.

Банкларда ликвидлилик riskини бошқариш усуллари.

Тижорат банкининг ликвидлиги тушунчаси - бу банкнинг барча мижозлари олдидаги қарз ва молиявий мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олишидир. Банк ликвидлиги банк ўз капиталининг этарлилиги, унинг оптимал жойлаштирилганлиги ва баланснинг актив ва passив қисмларидаги маблаёларнинг вақт оралиёида мувофиқлиги билан аниқланади.

Тижорат банкининг ликвидлиги унинг фаолияти асосини ташкил қилувчи уч асосий қисм ўртасидаги доимий субъектив мутаносибликни сақлашдан иборатдир. Булар банкнинг хусусий капитали, жалб қилинган маблаёлар ва жойлаштирилган маблаёлардир. Бу мутаносиблик эса, юқоридагиларнинг таркибий элементларини оператив бошқариш йўли билан амалга оширилади.

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатига баҳо беришда уларнинг фойдалилиги, ликвидлиги ва тўловга қобилиятлиликка эътибор қаратилади. Айнан шу омиллар банкнинг аҳволи қай даражада эканлигини белгилайди. Банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобилиятлилиги нафақат битта банк ёки банк тизимининг мувозанатлиликни, балки бутун бир иқтисодиётнинг мувозанатини таъминлайди. Банк фаолияти тизимида, энг аввало, банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобилиятлилиги кўриб чиқилади, чунки, фойдалилик фақатгина банкнинг ўз манфаатини ифодаласа, ликвидлик ва тўловга қобилиятлилик кенгрок, яъни жамиятнинг кўпчилик қатлами манфаатларини кўзлайди.

Банк ликвидлиги унинг омонатчилар ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида тўла-тўқис бажара олиш қобилиятидир.

"Ликвидлик" атамаси лотинча "Лиқуидус" - оқувчан, суюқлик маъносини англатади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда жаҳон банки назарияси ва амалиётида ликвидликни "заҳира" ёки "оқим" деб тушунилади. Ликвидлик заҳира шаклида тижорат банкининг мижозлари олдидаги ўз мажбуриятларини белгиланган вақт мобайнида активлар таркибини уларнинг ҳали ишлатилмаган резервларига айлантириш йўли билан қоплашни кўзда туттади.

Ликвидликнинг "оқим" шаклига динамик нуқтаи назардан қаралади, яъни тижорат банкининг маълум вақт мобайнида юзага келган ноқулай тушиб

кетишдан актив ва пасивларнинг мос моддаларини, кўшимча заём маблаёларини жалб қилиш ва банк молиявий барқарорлигини даромадларни ўстириш йўли билан сақлаш йўллари қўлланилади. Шундай қилиб, ҳар бир тижорат банки ўз ликвидлигини сақлаш учун ўзи ҳаракат қилиши керак. Бу банк фаолиятини таҳлил қилиш, прогноз қилиш ва устав капитали, махсус фондлар ва захиралар, жалб қилинган маблаёлар, актив кредит операцияларини амалга оширишни ташкил қилишда илмий асосланган иқтисодий сиёсат олиб бориш йўли билан амалга оширилади.

Тижорат банки фаолияти давомида унинг акционерлари бўлган кенг доирадаги корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг мулк ва бошқа иқтисодий манфаатларини кўзда тутилган учун тижорат банки фаолиятини юритишга литсензия берган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки банклар ишининг барқарорлигини иқтисодий ҳамда маъмурий усуллар ёрдамида бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 ноябрдаги 421-сонли **"Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида"**ги низомида ликвидликка банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблаёлари даражасининг пасайишини самарали бошқариш деб таъриф берилган.

Тижорат банкларининг ликвидлиги унинг баланс тузилмаси бўйича белгиланиб, унда активлар пасивга доир муддатли мажбуриятларни қоплаш учун ўз қийматини туширмаган ҳолда йўқотишларсиз пул маблаёларига айлантирилиши лозим. Тўловга лаёқатсизлик эса, фақат баланс ликвидлигига боёлиқ бўлиб қолмасдан, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боёлиқдир.

1983 йилда қабул қилинган ва 1993 йилда ўзгартиришлар киритилган банк назорати бўйича Базел қўмитаси ташаббуси билан юзага келган Базел битими банк ликвидлиги бўйича умумий қоидаларни белгилаб берди. Ушбу битимга мувофиқ, ликвидликни таҳлил қилиш банкларнинг ўз мажбуриятларини муддатидан ва зарар кўрмаган ҳолда бажариш қобилиятини аниқлаш заруратини кўзда тутди. Банкларнинг ликвидлиги ҳамда тўловга қобилиятлиги банкларнинг умумий молиявий барқарорлигини таъминлашга асос ҳисобланади. Базел битими стандартида кўплаб давлатлар ўз банки тизими учун ликвидлик меъёрларини ишлаб чиққан.

Ўзбекистон банк тизимида ликвидликни таъминлашнинг энг оддий усули банкнинг бир қисм активларини ликвид шаклида, масалан, нақд пул, Марказий банк ва бошқа банклар вакиллик ҳисобварақаларидаги қолдиқлар, давлатнинг қисқа муддатли облигациялари шаклида сақлаш ҳисобланади. Жаҳон банки материалларига кўра тўловга қобилиятлилик ўз капиталининг ижобий катталигига боёлиқдир. Бунга мувофиқ тўловга қобилиятлилик банк капиталига асосланади, яъни банк капитали мажбуриятларни тўлаш кафолатига эга фонд ҳисобланади.

Умумий ликвидликни баҳолашда тижорат банклари асосий ликвидлик, жорий ликвидлик ва истиқболли ликвидликни бир тизимда таҳлил қилишлари лозим.

Банк зарур бўлганда ёки молиявий бозорда қарзлар олиш ёки банклараро бозордан кредитлар олиш ҳисобига ликвидлиликни таъминлаши мумкин. Баъзи ҳолларда тижорат банки баланси ликвид бўла туриб, мижозлар талаблари бажарилмаслиги мумкин. Шунинг учун эътиборни баланс ликвидлигига эмас, кўпроқ банк ликвидлигига қаратиш ўринли бўлади.

Тижорат банки барқарор ҳолатининг асоси бўлиб, унинг молиявий барқарорлиги хизмат қилади. Банкнинг молиявий барқарорлигига турли ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар ичида банкнинг молиявий бозордаги рақобатдошлиги, доимий мижозларнинг мавжудлиги ва банк амалиётларини ўтказиш ҳамда ҳисобини расмийлаштиришда илёт технологияларни қўллаш омиллари муҳим ўрин тутади. Бу эса, самарадорликни оширишга ва банкнинг ишончли ҳамкор сифатида обрўсининг мустаҳкамланишига имкон беради.

Банкнинг ички барқарорлиги - бу тижорат банки фаолиятининг барқарор, юқори натижаларни таъминловчи пасивлар ва активлар таркибининг ҳолати ва молиявий натижалар динамикасидир. Ички барқарорликка эришиш асосида ички ва ташқи омиллар ўзгаришига фаол жавоб бериш тамойили ётади.

Тижорат банкига нисбатан ташқи барқарорлик, ушбу банк фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳит барқарорлиги билан белгиланади. Ташқи барқарорликка бутун мамлакат миқёсидаги бозор иқтисодиётига хос бўлган бошқариш тизими орқали эришилади.

Ликвидлик кенг маънода қарздорнинг кредитор олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиши ҳисобланади. Ликвидлик иқтисодиётнинг барча соҳалари учун характерли бўлиб, шу билан бирга ўзига хос банк муаммоси ҳисобланади. Чунки, пул бир вақтнинг ўзида банкнинг ҳам айланма капитали, ҳам фаолияти маҳсули бўлиб, корхоналар активи эса асосан натурал буюм шаклида мавжуд бўлади.

Банк ликвидлиги бу банкнинг ўз олдида турган мажбуриятларини бажара олиши, мижозларнинг кредитга бўлган эҳтиёжларини қондириши ва омонатчиларнинг депозитларни қайтариб олиш бўйича талабларини қондира олиш қобилиятидир. Бундан ташқари ликвидлик банкнинг бозорда хавфсизлиги ва қарзларини ўз вақтида қайтара олишга қодирлигини ошқор қилади, банкка активларни фойдасиз сотиш ёки банклараро бозорда маблаёларни жалб қилиш билан боёлиқ бўлган фойдани йўқотиш хавфидан қутулиш имконини беради.

Банк ликвидлигининг асосий шароитларидан бири, унинг активлари ликвидлигидир.

Ликвид активлар - уларнинг яхши маълум бўлган бозор нархининг шаклланишини таъминлайдиган доимий равишда сотилувчи ва сотиб олинувчи активларнинг алоҳида тури бўлиб, банклар уларни қисқа муддат ичида сотиб олишга тайёр бўлган харидорни топиши мумкин. Бундай активлар қаторига нақд пуллар, давлат қисқа муддатли облигатсиялари, қисқа муддатли (етти кунгача) банклараро кредитлар киради. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЕСР) давлатлари ҳукуматлари ҳамда фонд бозори ривожланган

давлатларининг машҳур трансмиллий компанияларининг қимматли қоғозлари ҳам юқори ликвидликка эгадир.

Ноликвид активлар деб, бозор нарҳини котировка бўйича аниқлаш мумкин бўлмаган ва бу турдаги активларнинг харид нарҳи сотувчи ва харидор ўртасидаги келишув натижасида хусусий тарзда аниқланадиган активларга айтилади. Бундай активларнинг қиймати катта миқдордаги ўзгаришларга учраб туриши таққослашни қийинлаштиради. Бу турдаги активларга, масалан, кредитлар, қимматли қоғозлар бозорида котировкага эга бўлмаган ёки котировкаси қийин бўлган қимматли қоғозлар, асосий воситалар ва бошқалар киради. Тезда нақд пул миқдорини ошириш учун ноликвид активларни сотиш зарур бўлганда банк уларни зарар кўргани ҳолда сотиши мумкин.

Банк ликвидлигининг яна бир жиҳати банкнинг тўловга қобилиятлилиги бўлиб, унинг асосий белгиси банкнинг ўз олдида турган мажбуриятларини ўз вақтида қондира олиш қобилиятидир.

Ликвидлик нафақат тўловларни ўз вақтида амалга оширишни назарда тутаяди, балки ўзининг тижорат манфаатлари билан бирга омонатчилар томонидан ишонч билдирилган маблаёларнинг сақланишини таъминлайди.

Банкнинг тўловга қобилиятлилиги банкка қўйилган тўловлар бўйича талаблар айна вақтда қондира олиш қобилиятини билдиради. Тўловга қобилиятлилики маълум молиявий ҳолатнинг натижаси сифатида қаралиши мумкин.

Шу билан бирга, тўловга қобилиятлилики ликвидликка нисбатан иккиламчидир. Чунки, банкда тўловга қобилиятлилики муаммоси содир бўлиши мумкин, аммо унинг ликвид баланси, банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажара олишини таъминловчи қобилиятини тиклаш имкониятини беради.

Банк ликвидлиги кўпроқ банк балансининг ликвидлиги билан белгиланади ва унинг мазмуни, моҳияти актив ва пассив операцияларнинг муддати бўйича мос келишидан иборат. Банк балансининг ликвидлиги ссуда ва фонд операцияларига йўналтирилган маблаёларнинг хатарлилик даражаси, пул бозорининг ривожланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, пассивларнинг қисқа муддатлилиги узоқ муддатли қўйилмаларга ҳам сарфланиши имкониятларини чеклаб қўймайди. Банкнинг ҳар доим ўз тасарруфида маълум миқдорда "бегона" пуллари бўлади. Тижорат банки ликвидлигини сақлаб туриш муаммосини ҳал қилиш учун пассивлар оқими ҳаракатчанлиги ва муддатига кўра активлар оқимига мос келиши лозим.

Шундай қилиб, тижорат банки ликвидлиги банкнинг маълум вақтдаги тўловга қобилиятлилигини таъминловчи ва банк ликвидлигининг асосий омил бўлган банк активлари ва пассивларининг нисбати билан белгиланади.

Банк ликвидлигини таъминловчи омиллардан бири банк пассивларининг сифатидир. Ўзлик ва жалб қилинган маблаёлар нисбати банкнинг ишончлилиги ва фаолияти ривожланишининг истиқболини характерлаб беради. Жалб қилинган маблаёлар оқимининг барқарорлиги ликвидлик муаммосини ҳосил қилмасдан туриб, қисқа муддатли ресурсларни узоқ муддатли қўйилмаларга йўналтириш имкониятини беради. Депозитлар бўйича ижро муддатининг

аниқлиги балансинг ликвидлигини бошқариш ва ликвид воситаларга бўлган эҳтиёжни прогноз қилиш имкониятини беради. Бу эса банк барқарорлигини таъминлаш имкониятини беради.

Тижорат банклари учун қуйидаги ликвидлик коэффициентлари белгиланган:

лаҳзали (мгновенный) ликвидлик коэффициенти ликвид шаклидаги баланс активлари, яъни экстремал вазиятларда тез сотиладиганлари билан банкнинг муддатсиз депозит ҳисобварақлари бўйича мажбуриятлар суммаси орасидаги нисбатни билдиради,

$$H3_k = \frac{LA}{OB}$$

Бунда: LA - банкнинг пул шаклидаги активлари,

OB - банкнинг муддатсиз депозит ҳисобварақларига доир мажбуриятлари.

H3 - меъёрининг йўл қўйиладиган энг кам аломати 0,25 қилиб белгиланган. Мазкур меъёр Марказий банк томонидан кунлик баланс асосида тезкор (оператив) тарзда назорат қилиб борилади.

Лаҳзали ликвидлик кўрсаткичи - иқтисодий моҳиятига кўра ушбу норматив банкнинг омонатчилар олдидаги мажбуриятларини шу лаҳзада бажара олиш қобилиятини англатади.

Жорий ликвидлик кўрсаткичи ликвид шаклдаги банк активларини 30 кунгача бўлган муддатда йўқлаб олингунгача турадиган ҳисобварақлари бўйича мажбуриятлари суммаси орасидаги нисбатни билдиради.

$$H4_k = \frac{LA(1)}{OB(1)}$$

Бунда: LA - қайтариш муддати 30 кунгача муддатда берилган банкнинг ликвид активлари ва кредитлар,

OB - қайтариш муддати 30 кунгача бўлган йўқлаб олингунгача турадиган мажбуриятлари.

H4 - меъёрининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 0,3 га тенг.

Охирги йилларда банк фаолиятига таъсир кўрсатувчи ташқи иқтисодий муҳит сифатда инфляциянинг мавжудлиги, банklar ва уларнинг шуъбаларининг сифатли фаолият кўрсатишлари, банklar фаолиятининг Марказий банк томонидан мувофиқлаштирилиб борилиши, банklar янги хизматларининг юзага келиши, банklar ўртасидаги рақобатнинг юзага келиши ва йирик банklar томонидан майда кредит муассасаларининг қамраб олиниши, хўжалик субъектлари фаолиятининг ўзгариши, бозор муносабатларига мослашуви натижасида айланма капиталларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиши натижасида банкнинг кредит ресурсларига бўлган талаб ортиб бориши туфайли фақат банк рискларини ўз вақтида сезиш ва бошқариш йўли билан банк фаолиятининг ижобийлигига эришиш мумкин.

Банкнинг ўз маблағлари унинг фаолиятининг асосини ташкил қилади, чунки улар жалб қилаётган депозитлар, яъни реал кредит ресурслари ҳажмини пировард натижада актив амалиётлар ҳажмини белгилаб беради. Банкнинг ўз маблағлари тижорат банklarининг фаолиятини бошқарувчи ва улар устидан

назоратни амалга оширувчи Марказий банк учун муҳим маълумот манбаи ҳисобланади.

Банк кредит сиёсати банк ресурслари, уларнинг жойлаштирилиш билан чамбарчас боғлиқ. Банк ресурсларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар, жумладан юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитларидан ташкил топади. Шунингдек, ҳозирги кунда жалб қилинган ресурслар ичида банклараро кредит ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Депозитлар бўйича белгиланган фоиз ставкалари, ҳамда бошқа банкдан олинган кредит учун фоиз ставкалари банк томонидан бериладиган кредитнинг фоиз ставкалари билан боғлиқ бўлади. Кредит сиёсатининг аниқ ва мукамал тайёрланиш ва изоҳланиш ҳар бир банк учун кредитлаш жараёнини ижобий ташкил этиш учун асос бўлади. Банк томонидан тўпланган ресурсларни тўғри ва оқилона жойлаштириш банкнинг кредит сиёсатининг сифатига боғлиқ бўлади. Кредит сиёсати сифатига ва ҳолатига қараб банк жалб қилган ресурсларини тўғри жойлаштириш ва олдиндан кўзланган даромад олиш имконияти яратилади.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит менежментини самарали олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ, объектив стандартларини ва мезонларини аниқлаб беради. Кредит сиёсатини тўғри тузиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг аниқ тушинилиши банк бошқарувига кредит стандартларини тўғри олиб боришига, юқори рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади.

Яхши ишлаб чиқилган кредит сиёсати кредит рискинни бошқариш ва уни камайтиришга яхши имкон беради.

Бир қарз олувчига ва муассисга, банк аксиядорларига молиявий жиҳатдан банкнинг қурби этмайдиган даражада катта миқдорда кредитлар берилиши тижорат банки учун жуда рисклидир. Шунинг учун "Бир қарз олувчига тўғри келадиган рискнинг энг катта ҳажми" меъёри ўрнатилади ва мазкур меъёр устидан қаттиқ назорат ўрнатиш талаб этилади.

$$НБк = \frac{Кр}{К}$$

Бунда: Кр - банк рискининг бир қарз олувчига тўғри келадиган жами суммаси қўшилган депозитлардан ташқари 75% баланسدан ташқари мажбуриятлар.

К - банк сармояси.

Бу меъёр ҳукумат кафолати билан таъминланган кредитларга, жумладан, халқаро қарзлар бўйича такрор молияланадиган кредитларга тааллуқли эмасдир, қолган кредитлар учун қарз олувчи мажбуриятларининг умумий суммасидан республика давлат қимматли қоғозларни гаровга олиб, гаров суммасини 90% ҳажмда берилган қарзлар чегириб қолинади.

Ушбу меъёрга ўрнатишга энг юқори чегара 0,25 га тенг.

Бир қарз олувчига берилган кредитлар қўшилган (к) шу қарз олувчига нисбатан берган, банк сармоясидан 15% ортиқ бўлган баланسدан ташқари

мажбуриятлар суммасининг 75% жамланган қарз "катта" кредит ҳисобланади. "Катта" кредитлар тижорат банки Кенгаши бир овоздан қабул қилган қарори асосида берилади ва бу қарзлар бошқарув томонидан алоҳида назорат қилиб борилади. Лекин банк Кенгашининг бундай кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қилиш билан боғлиқ ваколати Бошқарувга берилишга рухсат этилмайди.

Бундан ташқари шуни таъкидлаш лозимки, банк учун "катта" тоифага кирадиган ва бир қарз олувчига бериладиган кредитлар суммасини шу қарз олувчининг ўз маблағлари суммасидан оширмаслик тавсия этилади.

"Катта" кредитларнинг ҳаммасига тўғри келадиган рискнинг энг юқори миқдори "катта" кредитлар жами миқдорининг ўз маблағлари, яъни банк капитали нисбати билан аниқланади.

$$H7_k = \frac{CK}{K}$$

Бунда: CK - баланسدан ташқари мажбуриятларнинг 75% билан ҳисобланган "катта" кредитларнинг жами суммаси.

K - банк сармояси.

Мазкур меъёр миқдори баланسدан ташқари мажбуриятлар билан ҳисобланиб берилган "катта" кредитларнинг жами миқдори банк капиталининг 5 баробаридан ошмаслиги керак.

Бир омонатчига (кредиторга) тўғри келадиган рискнинг энг юқори меъёри олинган кредит ёки омонатнинг энг юқори миқдори ва битта депозиторнинг депозит ҳисобидаги қолдиқ қийматини банкнинг ўз маблағлари миқдорига нисбати билан аниқланади.

$$H8_k = \frac{O}{K}$$

Бунда: O - олинган кредит ёки омонатнинг энг юқори миқдори ва битта омонатчининг ҳисобрақамидаги, жорий рақамидаги ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар қолдиқлари.

K - банк сармояси.

Қимматли қоғозлар билан бўлган операцияларда ўз маблағидан фойдаланиш кўрсаткичи банкнинг олди - сотди учун харид қилган нодавлат қимматбаҳо қоғозлари миқдорини ўз маблағларига нисбати билан белгиланади.

$$H9_k = \frac{II}{AK}$$

Бунда: C - олди - сотди мақсадида қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишга йўналтирилган банкнинг ўз маблағлари.

AK - акционер капитали.

Ўрнатилган меъёрнинг энг юқори даражаси 0,25 га тенг.

Банкнинг инвестиция учун ишлатилган ўз маблағлари меъёри жами инвеститсия миқдорини банк сармоясига нисбати орқали ҳисобланади.

$$H10_k = \frac{CI}{AK}$$

Банкнинг бошқа банклар, корхоналар ташкилотлар устав фондига кўядиган жами инвестиция суммаси миқдорининг улуши банк сармоясининг 20% дан ва Низом фондининг 10% дан оширмаслик уқтирилган.

Мазкур меъёр учун ўрнатилган миқдор 0,5 га тенг.

Банк назоратининг яна бир муҳим соҳаларидан бири боғлиқ шахслар билан банк операцияларини ўтказиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 26 - моддасига асосан банкка алоқадор бўлган шахслар билан банкка боғлиқ бўлмаган шахсларга нисбатан қулайроқ шартлар асосида битим тузишни таъқиқлайди ва Марказий банкка бундай битимлар бўйича чеклашлар белгилаш юзасидан ваколатлар берилган.

Банкнинг асосий аксиядорлари, унинг раҳбарлари, ходимлари ва улар билан боғлиқ шахслар банк хизматларидан имтиёзли асосда фойдаланмасликлари ва амалдаги қонунларга риоя қилишлари керакдир.

Дахлдор шахслар - банк билан алоҳида муносабатда бўлган юридик ва жисмоний шахслар, хусусан:

банк Кенгаши, банк бошқаруви, тафтиш комиссияси таркибига кирган барча шахслар, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари.

банк низом фондинининг 10 фоизидан кўпроқ қисмига эга бўлган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахслар, ёхуд шу юридик шахсларнинг ҳар қандай раҳбарлари, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари.

қонунга кўра банк фаолиятини назорат қилувчи юридик шахслар ва уларнинг бошқарувчилари.

"Йирик" ҳиссадор - бу, банк низом жамғармасидаги улуши 10 фоиздан ортиқ шахслардир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тижорат банклари дахлдор шахсларга имтиёзли шароит яратиб бермаслиги лозим. Имтиёзли шароит деганда қуйидагилар назарда тутилади:

-бошқа мижозлардан талаб қилинадиганидан кам ҳажмда фоизлар, бадаллар, бошқа тўловларни ундириш ёки таъминотни кам қабул қилиш;

-кредитни қайтариш муддатини этарли асосларсиз ўзгартириш;

-ўз табиатига, мақсадига ва йўл қўйиладиган рискга кўра банк дахлдор бўлмаган мижозлар билан тузмайдиган битимларни тузиш.

Тижорат банклари томонидан уларнинг фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида дахлдор шахсларга кредит бериш таъқиқланади.

$$H11_k = \frac{KC * 100}{AK}$$

Бунда: КС - битта дахлдор шахсга берилган кредит миқдори.

АК - акционер капитал.

Банкнинг ҳар бир дахлдор шахсга берадиган кредит умумий суммаси банк сармоясининг 20 фоизидан ошмаслиги белгиланган, яъни:

$$H12_k = \frac{СКС}{AK}$$

Бунда: СКС - дахлдор шахсларга берилган жами кредитларнинг жами миқдори.

АК - акционер капитал.

Банк барча дахлдор шахсларга берадиган кредитлар умумий суммаси банк низом фондининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим.

Бизнинг назаримизда, тижорат банклари юқорида санаб ўтилган иқтисодий меъёрларнинг белгиланган миқдорига ҳар доим амал қилиб боришни

таъминлашлари учун қуйидаги соҳаларда самарали ишни ташкил этишлари лозим бўлади, яъни булар жумласига қуйидагилар киради:

- ➡ Банк портфели;
- ➡ Банк портфели билан боғлиқ риск;
- ➡ Банк баланси ликвидлиги;
- ➡ Ўз сармояси адекват таъминланиши;
- ➡ Зарарлар ўрнини қоплаш захирасини вужудга келтириш.

Иқтисодий меъёрларнинг белгиланган миқдорларига амал қилмаган банкларга нисбатан Марказий банк томонидан жарималар солиш ва бошқа тегишли иқтисодий жазо чоралари кўриб борилади.


Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига йўналтирилган молия тизими ўрнатилиши шароитида молиявий муносабатларни корхона даражасида мувофиқлаштириш механизми иқтисодий муносабатлар макрорегуляторлари каби муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, риск сўзи барча луғатларда «зарар эҳтимоли» маъносида таърифланади. Хавф-хатар амалга оширилган битим, келишув ёки бозорнинг бошқа транзаксияси натижасида қатъий ишонмасликни билдиради.

Бу табиий албатта, чунки тижоратда у ёки бу хўжалик операциялар хусусиятларидан келиб чиқадиган пул йўқотишлар хавфи доим мавжуд бўлган ва бўлади.

Умумий ҳолда, **рискни бошқариш** деганда, кейинги зарар миқдорини чегаралашга олиб келадиган олдини олиш ҳатти-ҳаракатлар конкрет тўплами ёрдамида фавқулотда вазиятлардаги ҳимояланишни англатади. Рискни бошқариш методи деганда, 2 турдаги ҳатти-ҳаракатлар тушунилади: а) бир хил турдаги риск остидаги тадбиркорлар ўртасидаги хатарни қайта тақсимлаш ёки б) суғурта фирмасига ёрдам учун мурожаат қилиш.

Рискни бошқаришнинг 5 методи: *воз кечиш, огоҳлантириш, назорат, суғурталаш ва тан олиш.*




Молиявий рискни бошқариш методлари амалга ошириш усулига кўра жисмоний ва иқтисодий ҳимояга ажратилади. Инвестор молиявий рискни пасайтиришнинг маълум бир турини танлаганида қуйидаги қоидалардан келиб чиққан ҳолда, иш тутиши лозим:

- ўз капиталидан кўпроқ капиталга таваккал қилиб бўлмади;

- кичик иш учун катта маблағни риска қўйиш мумкин эмас.

Валюта рискин ва уни бошқаришда қарорларни қабул қилиш.

Валюта рискин баҳолаш ва бошқариш жараёни 6 та кетма-кет босқичга ажратилиши мумкин:



Валюта рискин олдини олиш ёки ундан ҳимоя қилиш учун чет эл валютасининг қиймати кўтарилиш ёки қадрсизланиши рискидан турлича хеджирлаш усуллари тарқалмоқда. Валюта фьючерс битимлари хеджирлаш усулларида энг кенг тарқалгани ҳисобланади. Валюта фьючерс бўйича сотувчи белгиланган нарх бўйича чет эл валютасига келишилган суммани белгиланган нарх бўйича чет эл валютасига келишилган суммани белгиланган муддатда сотиш, харидор эса, сотиб олиш қимматининг кўтарилиши таваккалидан хеджирлаш ва битимни тўлашга олинган валюта қийматининг пасайишидан хеджирлаш фарқ қилинади. Биринчи ҳолда, импортчи мижоз ўзини ташқи савдо битими тўловини бажариш мақсадида чет эл валютасини сотиб олиш пайтидаги қиймат кўтарилиш таваккалидан ҳимоя қилади. Импортчи тузилган битим бўйича экспортчига тўловни бажариш учун яқин келажакда чет эл валютасининг сотиб олиши зарурлигини олдиндан билиб, банк воситасидаги экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш пайтида уни қониқтирадиган муайян қарз бўйича фьючерсларни чет эл валютасида сотиб олади. Агар экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш муддати этгунга қадар чет эл валютасининг нархи ёки курси кўтарилса, импортчи ўша ўзи сотиб олган фьючерс битимини юқори курс бўйича сотади. Олинган фойда экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш пайтида энди амалда сотиб олдинадиган чет эл валютасининг юқори қийматини қоплайди. Олинадиган чет эл валютасини қийматининг кутиладиган пасайиши рискидан ҳимоя қилиш лозим бўлган ҳолда экспортчи олдинига фьючерс битимини ҳали ҳам юқори

нархда сотади. Сўнгра кутилганидек, чет эл валютасининг жорий курси хақиқаттан ҳам пасайганда экспортчи фючерс валюта битимини энди нисбатан арзон нархда сотиб олади. Олинган фойда имконидан амалда олинган чет эл валютасининг пасайган қийматини қоплайди. Валюта risksидан ҳимоя қилишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд: - валюта опцион, валюта своплари, форвард битимлар.

Форвард шартномаси

Муддатли валюта шартномалари бир неча турдан иборат. Форвард шартномаси уларнинг кўринишларидан биридир. Форвард одатда 6 ойга, яъни асосан 1 йилгача муддатга тузиладиган шартномадир. Унинг асосий иштирокчилари тижорат банк ва мижоз.

Форвард шартномасининг асосини фор курси ташкил этади.

$$\text{Форвард}_\text{курси} = \frac{\text{Спот} + \text{мукофот}}{\text{курси} - \text{дисконт}}$$

Мукофот ва дисконт услуги орқали аниқланган курс «Аутрайт» курси деб аталади.

Муддатига қараб форвард курслари – 1 ойлик, 2 ойлик, 3 ойлик ва ҳ.к 1 йилгача курслар бўлиши мумкин. Агарда спот операциясининг асосий мақсади сотиб олиш ва сотиш баҳоси фарқи сифатида фойда омили бўлса, форвард операциясининг мақсади – бу валюта хавф-хатаридан ҳимоялаш, яъни хеджирлаш.

Форвард операцияси -- бу муддатли валюта операцияси бўлиб, шартнома 1 йилгача бўлган муддатда тузилади, аммо курс эса шартнома тузилган кунда белгиланади. Шартноманинг ижроси эса белгиланган муддатда амалга ошади.

Амалиётда форвард курслари олдиндан муддатларига қараб банкда ҳисобланган бўлади ва кўпинча валюталарни бир-бирига ёки мукофот котировка қилинишига ва котировка услубларига эътибор берилади. Форвард курси заминда спот курси ётади.

Тўғри котировкада мукофот спот курсга қўшилади, дисконт эса айрилади. Тесқари котировкада мукофот спот курсдан айрилади ва дисконт эса қўшилади. Форвард шартномаларига зарурат асосан экспортёр ва импортёрларга туғилади ҳамда бу зарурат валюта курсини ўзгариши билан боғлиқ риск туфайлидир.

Фючерс шартномалари.

Фючерс операциялари муддатли валюта операциялари туркумига киради. Фючерс операциялари – муддатли валюта операциялари бўлиб, шартноманинг курси шартнома тузилаётган пайтда қайд этилади, шартноманинг ўзи эса, келгусидаги маълум бир санада акс этади. Шартнома иштирокчилари бўлиб сотувчи ва сотиб олувчилар бўлиб, улар шартларга асосан бўнак тўловини кафолат сифатида тўлайдилар. Иштирокчилар орасидаги ҳисоб-китоблар

клиринг палатаси орқали амалга ошади. Фючерс шартномаларининг мақсади товар этказиб бериш эмас, балки хеджирлашдир.

Биржадаги маржа тизими ҳосил бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай камомадни қоплаш имконини беради. Мазкур маржанинг манбаси иштирокчилар бадалларидир. Бадаллар иштирокчилар томонидан шартнома амалга ошгунга қадар биржада тўланади. Масалан, 25000 АҚШ доллар қийматга эга шартномана тузиш учун 1500 АҚШ доллар ҳажмида сотувчи ва сотиб олувчи томонидан бўнак ҳосил қилиниши зарур.

Опцион шартномалари.

Одатда қўшимчалар сифатидаги мукофот ёки дисконтлар контрагентларни шу соҳа бўйича қанчалик маълумотга эга бўлганлигига боғлиқ ва улар шартнома предмети бўлиб ҳисобланади. Бу муносабатда опцион шартномалари муҳим аҳамият касб этади.

Опцион- лотинча сўздан олинган бўлиб, танлов маъносини билдиради. Опцион – маълум бир активни шартномада қайд этилган баҳода олдиндан келишилган санада ёки келишилган маълум бир давр ичида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини бошқаларга берилиши ҳақидаги икки тарафлама шартномадир.

Шартнома бўйича бир брокер опсионни ёзиб бошқа брокерга беради. Бошқа брокер эса, уни сотиб олади ва опсиош шартлари кўзда тутган муддат ичида уни ўрнатилган курс асосида опсионни ёзиб берган шахсдан маълум бир миқдордаги валютани сотиб олиш ёки унга бир валютани сотиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шундай қилиб, опсионал сотувчи валютани сотишга мажбур, опсионни сотиб олувчи шахс эса буни қилиши шарт эмас, яъни у валютани сотиб олиши ёки сотиб олмаслиги мумкин.

Опционнинг 3 тури мавжуд:

1.Сотиб олишга опцион – бу опсионни сотиб олувчи шахсни валюта курсининг ўсиши хавфидан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида унинг мазкур валютани сотиб олиш ҳуқуқидир.

2.Сотишга опцион – бу опсионни сотиб олган шахсни валюта кадрсизланишидан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида шу опсионни сотишга ҳуқуқини билдиради.

3.Опцион –стеллаж. Бу опцион эгасига валютани базис баҳоси бўйича сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради.

Опционда унинг муддати кўрсатилади. Опционнинг муддати бу сана ёки маълум бир давр бўлиб, сана ёки давр муҳлати ўтиб кетса, мазкур опсионни ишлатиб бўлмайди.

Амалиётда опционнинг 2 усули мавжуд: европача ва америкача.

Европача усулда фақат маълум бир белгиланган санага ишлатилиши мумкин.

Америкача усулда опцион даврининг исталган пайтида ишлатилиши мумкин.

Опцион ўз курсига эга. Опцион курси бу страйк баҳодир. Бу валютани сотиб олиш ёки сотиш мумкин бўлган баҳодир. Опсионни сотиб олувчи шахс

опсионни сотувчи ёки уни ёзиб берган шахсга мукофот деб аталувчи комиссия ҳақини тўлайди. Мукофот - бу опционнинг баҳосидир. Опционни сотиб олувчи шахснинг хавф-хатари шу мукофот миқдори билан чекланади, ўз навбатида опсионни сотувчи шахснинг rischi эса олинган мукофот миқдорига камаяди. Опционга эгалик қилиш уни сотиб олган шахсга олдиндан билиб бўлмайдиган келгусидаги ўзгаришлардан ўзини ҳимоялаш имконини беради. Опцион шартномаси опсион эгаси учун ижро этилиши мажбурий бўлган шартнома эмас. Шунинг учун ҳам агарда опсион амалга ошмаса эгаси уни бериб юбориши ёки ишлатмасдан қолдириши мумкин.

Своп шартномаси.

«Своп» операцияси – бу ҳисоб-китоб саналари турлича бўлган, таъминан тенг ҳажмдаги хорижий валютани бир вақтнинг ўзида сотилиши ва сотиб олинишидир. «Своп» - бу валютани сўнгги сотув кафолати билан вақтинчалик сотиб олиш. Амалиётда своп бир вақтнинг ўзида валюта алмашинуви билан боғлиқ 2 алоҳида шартномани имзоланишини кўзда тутаяди. Бу шартномалар карама-қарши йўналишларга ва турли ҳисоб-китоб саналарига эга. Бу шартномаларни бири бўйича биринчи валюта иккинчи валютага бошқа санада этказиб бериш шarti билан сотиб юборилади. Своп валюта операцияларини кўп ҳолларда банклар амалга ошади.

Валюта рискларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар.

Валюта рискларини бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва уларнинг эчимини топиш, банк тизимини барқарор бўлишини таъминлайди. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан иқтисодиётни барча тармоқларини инвестициялаш жараёни ички ва ташқи маблағлар билан таъминланмоқда. Бунда хорижий кредит линиялари бўйича ҳам турли операциялар бажарилмоқда. Бу жараёнда албатта валюта рискларини эътиборга олиш банкнинг молиявий барқарорлигига таъсирини ўтказмай қўймайди. Банкларни хорижий валютада амалга ошириладиган операциялари янада кўпайиб боради.

Валюта рискларини бошқариш муаммолари:

Хорижий валютада операциялар ўтказаетган банк иккита рискга дуч келади:

- валюта курсларидаги салбий ҳаракат ёки устама фоизларининг очик позицияларига таъсири;
- иккинчи томоннинг спот, форвард ёки депозит мажбуриятлари бўйича имзоланишидан олдин банкрот бўлиши.

Бир қанча йирик банклар томонидан кўрилган зарарлар бу ҳаракатларни қўйидаги икки омил билан таснифлаш мумкинлигини кўрсатади:

- бошқарув ёки банк бошқарувчисининг тўлиқ хабардорлиги ёки вакиллигидаги бажариладиган операциялари;
- банк бошқаруви ваколатсиз ёки ваколатидан ташқари хорижий валюта операциялари бўлими дилерлари томонидан бажариладиган операциялар.

Валюта рисклари даражасини икки усул қўллаган ҳолда камайтириш мумкин:

- 1) валюта нархини тўғри танлаш;

- 2) валюта позицияларини шартномалар бўйича мувофиқлаштириш.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Кредит риск ва унинг иқтисодий моҳияти деганда нимани тушунасиз ?
2. Операцион риск, унинг моҳияти, юзага келиш сабабларини келтиринг ва операцион рискга қайси омиллар таъсир этади?
3. Ликвидлилиқ рискинни бошқариш қандай усуллари мавжуд?
4. Валюта rischi қайси сабаблардан юзага келади ва уни қайси усуллар орқали бошқариш мумкин?
5. Фоиз rischi ва унга таъсир қилувчи омиллардан қайси бирининг таъсири кучли ҳисобланади?

V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

Битирув иши тингловчининг мустақил равишда бажарадиган тадқиқот иши бўлиб, модулнинг бирон-бир мавзусини тўлиқ ўзлаштириш имконини беради ва белгиланган шаклда бажарилади. Битирув ишидан кўзланган мақсад тингловчини фанни ўрганиш жараёнида олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришдан иборат.

“Банк рискларини бошқаришда қарор қабул қилиш” модулидан битирув ишлари мавзулари сифатида қуйидагилар тавсия этилади:

- 1.** Банк рисклари ва уларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш зарурати
- 2.** Банк рискларини бошқариш тизими
- 3.** Кредит rischi, уни баҳолаш ва бошқаришда қарор қабул қилиш
- 4.** Фоиз rischi ва уни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш
- 5.** Операцион риск ва уни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш босқичлари
- 6.** Бозор rischi ва уни бошқариш
- 7.** Банк капитали етарлилиги ва рискларни бошқариш
- 8.** Тижорат банкларининг халқаро операциялари билан боғлиқ рисклар
- 9.** Тижорат банкларида ликвидлилик rischi
- 10.** Регулятив ва обрўйни йўқотиш рисклари

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

1- Кейс.

Валюта фючерс битимлари хеджирлаш усулларидан энг кенг тарқалгани ҳисобланади. Валюта фючерс бўйича сотувчи белгиланган нарх бўйича чет эл валютасига келишилган суммани белгиланган нарх бўйича чет эл валютасига келишилган суммани белгиланган муддатда сотиш, харидор эса, сотиб олиш қимматининг кўтарилиши таваккалидан хеджирлаш ва битимни тўлашга олинган валюта қийматининг пасайишидан хеджирлаш фарқ қилинади. Биринчи ҳолда, импортчи мижоз ўзини ташқи савдо битими тўловини бажариш мақсадида чет эл валютасини сотиб олиш пайтидаги қиймат кўтарилиш таваккалидан ҳимоя қилади. Импортчи тузилган битим бўйича экспортчига тўловни бажариш учун яқин келажакда чет эл валютасининг сотиб олиши зарурлигини олдиндан билиб, банк воситасидаги экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш пайтида уни қониқтирадиган муайян қарз бўйича фючерсларни чет эл валютасида сотиб олади. Агар экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш муддати этгунга қадар чет эл валютасининг нархи ёки курси кўтарилса, импортчи ўша ўзи сотиб олган фючерс битимини юқори курс бўйича сотади.

Жараёнларни ҳисоб-китоб қилиб хулоса шакллантиринг.

Кейс – 2.

Амалий вазият. Тижорат банкининг фаолият натижалари шуни кўрсатадики, банк кредит портфелининг ҳолати олдинги йилларга нисбатан муаммоли кредитлар салмоғининг ошаётганлигидан далолат бермоқда. Банк бошқаруви томонидан кўрилган чора ва тадбирлар натижасида кредит портфелнинг сифати кўрсаткичи нисбатан яхшиланган бўлишига қарамадан кредит портфелининг ҳолати бундан икки йил олдингига қараганда анча таҳликали эканлиги сизнибанк фаолиятида маълум қарорлар қабул қилиш ва уни амалга ошириш зарур эканлигига ундамоқда. Банк жамоасида баъзи ходимлар ўртасида ҳам эътирозлар юзага кела бошлади.

Бундай ҳолатда Сиз банк раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1.Рискнинг юзага келиш сабабларини ўрганасиз ва вазиятни тўғрилашга ҳаракат қиласиз.

2. Рискларни аниқлаш ва уларни бошқариш бўйича қарорларни таҳлил қилиб ўрганасиз.

3. Рискларни бошқариш бўлинмаси ходими ўз вазифасини бажара олмайганлиги, уни ўз вазифасига ёндашуви ва қобиллиги масаласига эътибор қаратасиз, мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб вазиятни тўғрилайсиз.

4. Банкдаги рискли ҳолатни оддий ҳол деб қабул қилиб ўз фаолиятингиз билан одатдагидек машғул бўласиз.

5. Ёки бошқача йўллари топасиз.

3-Кейс.

Капалак ва клейстр усулларидадан фойдаланган ҳолда риск турларни сабаб ва оқибатлари бўйича гуруҳлаб гуруҳ хулосасини шакллантириб уни аудитория эътиборига ҳавола қилиш талаб этилади. Бунда:

1-гуруҳ. Операцион риск, унинг сабаб ва оқибатларини “КАПАЛАК УСУЛИДА” таҳлил этади ва уни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш бўйича гуруҳ тақдимотини тайёрлайди;

2-гуруҳ. Ликвидлилик rischi, унинг сабаб ва оқибатларини “КАПАЛАК УСУЛИДА” таҳлил этади ва уни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш бўйича гуруҳ тақдимотини тайёрлайди;

3-гуруҳ. Валюта rischi, унинг сабаб ва оқибатларини “КАПАЛАК УСУЛИДА” таҳлил этади ва уни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш бўйича гуруҳ тақдимотини тайёрлайди;

4-гуруҳ. Бозор rischi, унинг сабаб ва оқибатларини “КАПАЛАК УСУЛИДА” таҳлил этади ва уни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш бўйича гуруҳ тақдимотини тайёрлайди.

5-Кейс

Рискларни таснифланг ва бошқариш йўлларидаги изоҳланг ва қуйидаги жадвалда ифодаланг.

Иқтисодийни бошқариш даражаси	Бошқариш соҳаси ва усуллари	Рисклар таснифи
I. Макродаражада		
II. Мезодаражада		
III. Микродаражада		

VII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Актив операциялар	Aktiviti operation	Активные операции	фойда олиш ва банк ликвидлиги (тўловга қобилияти)ни таъминлаш мақсадида банк ресурсларини кредит тамоиллари асосида иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжлари учун жойлаштирилиши тушунилади.
Актив операциялар билан боғлиқ рисклар	Risk of aktiviti operation	Риски связанные с активными операциями	кредит, валюта, фойиз, ликвидлик, инвестиция рисклари ва бошқалар.
Кредит механизми	Mechanism of credit	Кредит механизм	-кредит муносабатларини ташкил қилишда қўлланиладиган элементлар мажмуасидир
Алпари	Alpari	Алпари	Алпари-валюта курсининг, облигацияларининг, қимматли қоғозларнинг, векселларнинг ўз номинал қиймати билан идеал тенг бўлиши.
Банкни тугатиш	Liquidation of banking	Ликвидация банка	Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказмасдан банк фаолиятини тўхтатишдан иборат.
Банк rischi	Banking risks	Банковские rischi	банк фаолиятига таъсир қилувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ва (ёки) ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ва (ёки) банк ликвидлиги (банк ўз мажбуриятларини вақтида бажариш қобилияти)ни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг мавжудлигидир.
Банк	Management of	Управления банковских	банк ўз фаолиятини юритиши ва банк операцияларини

рискларини бошқариш	banking risks	рисков	ўтказишида пайдо бўлиши мумкин бўлган рискларни аниқлаши, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш, камайтириш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи тушунилади.
Банк рискларини бошқариш мақсади	Mission menejment of banking risks	Цель управления банковскими рисками	банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари, миждозлари манфаатларини ҳимоя қилиш, банк рискларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш, банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлашдан иборат.
Банк ликвидлиги рискли	Risk liquidity of bank	Риск ликвидности банка	банкнинг ликвидлилик даражасини баҳолайди. Банкнинг турли сабаблар туфайли ўз мажбуриятларини ўз вақтида амалга ошира олмаслиги банкда ликвидлилик рискли юзага келганлигини билдиради.
Баланслашмага н ликвидлилик рискли	Off -balans -risk	Риск несбалансированной ликвидности	банкнинг миждознинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини кам харажат билан ўз вақтида қондира олмаслиги оқибатида даромад ола олмаслиги ёки банк активлари қийматининг тушиб кетиши тушунилади.
ГЭП таҳлил	GEP analysis	ГЭП анализ	актив ва пассивларнинг муддати, ҳажми, фоизи жиҳатдан бир – бирига маълум вақт оралиғида мос келиши ўрганилади.
Кредит рискли	Credit risk	Кредитный риск	берилган кредит учун кредитнинг асосий суммаси ва фоизларни оз вақтида қайтармаслик рискли.
Дефолт	Defolt	Дефолт	шартнома бойича мажбуриятларини бажара

			олмаслик (кредитор, депозитлар ва хоказолар бўйича) касодга учраш.
Гудвилл	Gudvill	Гудвилл	харидор томонидан банк сотиб олинаётганда унинг соф активлари қийматидан юқори тўланадиган сумма сифатида таърифланади (барча активларнинг бозор нархи ва барча мажбуриятларнинг бозор нархи ўртасидаги фарк гудвиллни ташкил қилади).
Риск коэффиценти-	Koefficient of risk	Коэффициент риска	мумкин бўлган йўқотишларнинг максимал суммасини ўз маблағлари нисбатини ифодалайди.
Домино эффекти ёки самараси	Knock-on effect	Эффект домино	домино эффект (масалан, қачонки бир банк банкротлиги бошқа барча банклар таназзули билан боғланса унда банкротликнинг занжирли реакцияси бошланади.
Етказиб бериш rischi	Risk cast chance	Риск поставки	тузилган битимнинг сотувчи ёки харидор томонидан бажарилишида молиявий инструментларни етказиш бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаслик. Масалан, қимматли қоғозлар қисқа позицияси билан сотувда унинг сотувчи томонидан етказилмаслиги.
Кредит	Kredit	Кредит	фоиз ва маълум шартлар асосида кредит берувчи томонидан берилган қарз суммаси.
Кредит портфели	Credit portfolio	Кредит портфели-	тожорат банклари томонидан берилган жами кредитлар жамловчи хужжат.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли Қарори.

II. Махсус адабиётлар

19. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: "Ниҳол" нашриёти, 2013, 2016.–279б.

20. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. /под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: "БИНОМ. Лаборатория знаний", 2012.– 319 с.

21. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

22. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.:Дашков и К, 2018. - 304 с.

23. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

24. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

6. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

7. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia , 2014. Book 1,2.

8. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: "O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti", 2014. –192 b.

9. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" DIN, 2015. -572b.

25. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: "Академия", 2011. – 154 б.

26. Tay Vaughan. Multimedia: Making it Work.- USA: McGraw-Hill/Osborne Media, 2016.

27. Ray Bert Westerfield. Banking principles and practice. –UK: Nabu Press. 2014

III. Интернет ресурслари

28. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

29. www.edu.uz.-Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

30. www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.

31. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

32. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.

33. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.

34. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.

35. www.beri.com. (Business Environment Risk Intelligence)

36. www.cer.uz (Центр экономических исследований)

37. www.ebrd.com (The European Bank for Reconstruction and Development)

38. www.ecb.int (The European Central Bank)

39. www.forexite.com (Безопасный Форекс / Forexite)

40. www.gold.org (The World Gold Council)

41. www.imf.org (International Monetary Fund)